

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ
ВА ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҲУҚУҚНИ
АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Илмий тўплам

**Тошкент
«Адолат»
2015**

УЎК: 342.5(575.1)

КБК: 67.400.6(5Ў)

О-29

О-29 Давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва ҳуқуқни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш / Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедрасининг илмий мақолалар тўплами // Масъул муҳаррир: профессор Х.Т. Одилқориев. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. – Тошкент, «Адолат», 2015. – 236 бет.

ISBN 978-9943-4512-5-4

УЎК: 342.5(575.1)

КБК: 67.400.6(5Ў)

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Юридик фанлар кафедралари Илмий-методик кенгаши йиғилишининг 2015 йил 13 июндаги 19-сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

Х.Т. Одилқориев – юридик фанлар доктори, профессор

Тақризчилар:

А.С. Турсунов – юридик фанлар доктори, профессор

М.А. Ахмедшаева – юридик фанлар доктори, профессор

Мазкур илмий мақолалар тўпламида Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳамда кафолатланган ҳуқуқ, эркинлик ва имкониятларни рўёбга чиқариш, уларни фуқаролар ва жамоат ташкилотлари фаолиятида реал татбиқ этиш, давлат ҳокимиятининг моҳияти, замонавий қиёфасини тавсифлаш, давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини таъминлаш, ҳуқуқий тизимни модернизация қилиш, шунингдек, давлат органлари фаолиятини демократлаштириш шароитида ҳуқуқни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган.

Ҳуқуқшуносликдан таҳсил берувчи ўқитувчилар, мутахассислар, илмий изланувчилар, давлат идоралари ходимлари, магистрлар, талабалар, тингловчи-курсантлар ҳамда давлат ва ҳуқуқ масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4512-5-4

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2015 й.

КИРИШ

Жамият ҳаётини батартиблаштириш – мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, ижтимоий барқарорликни ҳуқуқни, қонунни татбиқ этиш фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қонунлар ҳуқуқ нормалари қатъият билан мақсадли амалга оширилган тақдирдагина, улар жамият, инсонлар учун манфаатли бўлади ҳамда кўзланган самарани беради, яъни ҳуқуқий тартибот муҳити қарор топади.

Инсонлар ўртасидаги серқирра ва турли-туман муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг яқуний ижобий натижаси, унумдорлиги кўп жиҳатдан ҳуқуқни тўғри амалга оширишга боғлиқ. Агар ҳуқуқ татбиқ этилмаса, унинг талаблари инсонлар хатти-ҳаракатида ўзининг мужассам ифодасини топмаса, у ижтимоий тартибга солувчи восита сифатидаги қийматини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2015 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, **кўпинча қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ишламаяпти. Бунинг сабаби, биринчидан, ушбу қонунларда улардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мазкур қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлари чиқарилмаётганида бўлиб, уларсиз эса бу қонунларда белгиланган қоидалар умуман ишламаётганини англаб олишимиз даркор**¹.

Ҳуқуқни ҳар жиҳатдан мукамал англаб етиш охири-оқибатда унинг ижтимоий муносабатларнинг регулятори бўла олишига, тартибга солиш имкониятига бориб тақалади. Ҳуқуқнинг ижтимоий қадрият сифатидаги мантиғи – унинг инсонларнинг онги ва иродасига таъсир ўтказа олиш «салоҳиятида» намоён бўлади. Айнан шу нарса ҳуқуқнинг ҳаракатланиши масаласини долзарб мавзуга айлантиради.

¹ Халқ сўзи. 2015 йил 24 январь.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масаласига устувор ўрин бериб келинмоқда. Мазкур дастурий стратегик ҳужжат эълон қилинган кундан то ҳозиргача ўтган қисқа вақт мобайнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари тизимини эркинлаштириш ҳамда модернизация қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганлигини эътироф этиш лозим. Концепция жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби давлат қурилишини такомиллаштириш соҳасида ҳам янги босқични бошлаб берди.

Ўзбек давлатчилигини барқарор ва боқий қилишга йўналтирилган ижтимоий-сиёсий ислохотлар тўлқинида давлатимиз бошлиғи ташаббуси билан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши (2014 йил 5 май) давлат ҳокимияти тузилмаларини изчил демократлаштиришнинг кафолатли қонуний пойдеворини яратди¹.

Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг эркин фойдаланишини таъминлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотларни олишга бўлган ҳуқуқни кафолатлаш; давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотларнинг тарқатилиши тартибини белгилашдан иборат мақсадга йўналтирилган. Шунга мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлиги, улар устидан жамоатчилик назорати уларни амалга ошириш, ушбу органлар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни таъминлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014 йил, 19-сон, 29-модда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини эркинлаштириш, уларни халқ эҳтиёжлари ва манфаатларига яқинлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклиги ва ҳамкорлигини ривожлантириш, пировардида, шубҳасиз, давлат аппарати фаолияти самарадорлигини оширишга, давлатни жамият манфаатларига янада кўпроқ хизмат қилувчи институтга айлантиришга салмоқли имконият яради.

Давлат ҳокимиятини модернизациялашнинг марказий мавзуси халқ ҳокимиятчилигининг ёрқин намунаси бўлмиш парламентаризмни янада такомиллаштириш, ҳокимият тузилмалари ўртасида парламентнинг ролини ошириш ҳисобланади. «Ҳозирги пайтда ... жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда»¹, – деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Шунга қарамасдан, давлат ҳокимиятининг сиёсий тизимга, фуқаролик жамиятига нисбатан тутадиган мавқеи ва мартабаси, давлат билан фуқаро ўртасидаги ўзаро муносабатлар мазмуни ва кўлами, ҳуқуқни амалга оширишнинг демократик тартиб-таомиллари ҳамиша мушоҳадаталаб, илмий таҳлил учун долзарб мавзу бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедрасининг профессор-ўқитувчилар жамоаси ўз илмий-тадқиқот фаолиятида ҳокимиятнинг моҳияти, давлат бошқарувини ташкил этиш принциплари ва хусусиятлари, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш тенденциялари, ҳуқуқий тизим (шу жумладан, қонун-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 10-бет.

чилик тизими)ни модернизация қилиш, давлат ҳокимияти фаолиятини эркинлаштиришда ҳуқуқни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Мазкур илмий изланиш мавзулари Давлатимиз раҳбарининг юқорида таъкидланган маърузасида белгиланган вазифалар ижроси билан ҳамоҳангдир. Зеро, мамлакат Президенти ушбу маърузада «Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини албатта ўрганишни ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш – бугунги кунда долзарб вазифага айланиши даркор»¹, – деб таъкидлайди.

¹ Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг нутқи ва маърузалари) – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 67–68-бет.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ ҚИЁФАСИ ТАВСИФИ

Давлат ҳокимиятининг методологик масалалари.

Давлатнинг моҳияти аслида давлат ҳокимиятининг табиати, фаолият мазмуни орқали намоён бўлади. Маълумки, давлат ҳокимияти мураккаб, кўп функционал ва серқирра ижтимоий ҳодиса. У ўзининг моҳияти ва табиатига кўра, юридик фаннинг фундаментал категориялари қаторидан муҳим ўрин эгаллашга даввогарлик қилади. Шу боис, давлат ҳокимиятини илмий тадқиқ этишни унинг методологик асослари ва принципларини аниқлашдан бошлаш лозим. «Давлат ҳокимияти», «ҳокимият муносабатлари», «давлат ҳокимиятини амалга ошириш», «давлат бошқаруви» каби тушунчаларда инсоният тамаддуни мавжудлигининг муҳим жиҳати мужассамлашади; ижтимоий гуруҳлар, синфлар, миллатлар, сиёсий кучлар (партия)лар беаёв курашининг мантиғи намоён бўлади. Худди шу сабаб ҳокимият масаласи ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам ўз долзарблигини йўқотмай келмоқда.

Ҳокимият, энг умумий маънода талқин этилганда, инсонлар хулқ-атвориға, фаолиятиға муайян восита орқали (ирода, нуфуз, ҳуқуқ, мажбурлов) таъсир этиш қобилияти ва имкониятидир. Айни пайтда, ҳокимият иродавий алоқалар тизими сифатида намоён бўлишиға эътибор қаратиш жоиз¹. Давлат ҳокимиятиға татбиқан эса унинг моҳияти ҳукмронлик қилувчиларнинг итоат этувчилар иродасини ўз иродасиға реал бўйсундириш имконияти сифатида майдонға чиқади². Ҳокимиятнинг муҳим сиёсий шакли бўлган давлат ҳокимияти жамиятни бошқариш эҳтиёжига жавоб тарзида вужудға келди ва жамиятдаги турли

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

¹ Қаранг: Юридический словарь/Сост. А.Ф.Никитин. – М., 2004. – 76-бет.

² Қаранг: Лазарев В.В., Липень С.В. Теория государства и права. – М., 1998. – 36-бет.

ижтимоий гуруҳлар, сиёсий кучларни ўзаро муросага келтириш воситаси, ижтимоий ҳаётни уюштириш ҳамда ташкиллаштиришнинг махсус шакли (ташкilotи) сифатида фаолият юритади. Бундан хулоса: давлат – ҳокимиятга эга бўлган сиёсий ташкilotдир. Давлат ҳокимиятининг моҳияти, унинг ижтимоий вазифаси ва аҳамияти муайян сиёсий ҳокимиятни ифода-лаш, амалга оширишдан иборат¹.

Давлат ҳокимияти – ижтимоий ҳокимиятнинг бир тури бўлиб, у давлат – ҳуқуқий институтларда (тузилмаларда) му-жассамлашади ва жамиятни бошқариш вазифасини бажаради. Жамиятни бошқариш ижтимоий муносабатларни тартибга солишни (аксарият ҳолларда ҳуқуқий тартибга солишни) ҳам назарда тутди. «Сиёсий ҳокимият жамият умумий манфаатларидан келиб чиқиб, халқни (жамиятни) бошқаради, давлат микёсида барқарорлик ва қатъий тартиб ўрнатиш учун ижтимоий муносабатларни тартибга солиди»². Шундан келиб чиққан ҳолда давлат бошқарувини – давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва изчил ривожлантириш мақсадида уларга мақсадли тарзда таъсир ўтказиши, деб таърифлаш мумкин.

Ҳокимиятнинг муҳим жиҳати – унинг кишилар ўртасидаги иродавий муносабат эканлигида. Ҳокимият муносабатларида ҳукмрон ироданинг устунлиги, белгиловчи роли таъминланади»³. Давлат ҳокимиятини талқин этиш методологиясида «ирода» категорияси марказий ўринни эгаллайди. Ирода инсонларнинг маълум мақсад йўлидаги интилиши, хатти-ҳаракатини онгли равишда йўналтириб турувчи қатъиятлилик ва рухий салоҳият тарзида таърифланиши мумкин⁴. Жамиятнинг умумий иродаси мазкур жамият ҳаёт шароитлари ва ривожланишининг ялпи эҳтиёжлари ҳамда манфаатлари асосида шаклланади. Адабиётларда «умумхалқ ёки халқ иродаси», «сиёсий ирода», «дав-

¹ Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси. – Т.: 2011. – 16-бет.

² Ибрагимов З.С. Ўша асарда, – 17-бет.

³ Қаранг: Кейзеров Н.М. Власть и авторитет. – М.: 1973. – 38, 63 – 64-бетлар.

⁴ Қаранг: Филофоский энциклопедический словарь. – М.: 1983, – 90-бет.

лат иродаси» иборалари кенг қўлланилади. Халқ иродаси давлат ҳокимиятининг мазмунига таъсир ўтказа оладиган демократик жамиятларда ушбу ирода давлат иродасининг асосини ташкил этади. Халқ иродаси давлат фаолиятига қанчалик реал таъсир эта олишига қараб, у давлат ҳокимиятининг манбаи, йўналтирувчи ғоявий кучи эканлиги хусусида хулоса қилиш мумкин. Давлат ҳокимиятига таъсир эта оладиган халқ иродаси, айни вақтда сиёсий ирода хусусиятига эга бўлади. Халқ иродасини ифодаловчи давлат ҳокимияти умум эътирофига сазовор бўлади, шу боис у демократик саналади. Халқ оммасининг онгли иродавий муносабати, сиёсий жараёнлардаги фаоллиги давлат ҳокимиятига куч-қудрат ато этади.

Ирода, агар у давлат иродаси бўлса, қонун тарзида расмийлаштирилиши талаб этилади. Давлат иродаси ёки ҳукмрон ирода кишилар ўртасидаги муносабатларда намоён бўлиб, жамият аъзоларининг ихтиёрий онглилик асосида ёки мажбурлов таъсиридаги бўйсунушини назарда тутати. «Ҳокимият амалга ошган жойда муайян иродавий акт (муносабат) бор ва шунинг натижасида рўй берадиган бошқарув ва бошқарилиш мавжуд бўлади. Бошқарув эса, маълум бўйсунушни талаб этади. Демак, ҳокимият бошқариш, бўйсунуш ва зарур бўлганда мажбурлаш элементлари орқали амалга оширилади. Маълум обрў (нуфуз, авторитет) ва бўйсунушсиз бошқариш мумкин бўлмайди»¹.

Баъзи талқинларда ҳокимиятнинг мажбурлаш хусусиятига урғу берилади. Масалан, франциялик олим Ж. Бурдо шундай деб ёзади: «Ҳокимият – ҳуқуқ ғояси хизматидаги кучдир»². Бу ерда, биринчидан, ҳокимиятнинг мажбурловчи куч эканлигига, иккинчидан, унинг ҳуқуқ таъсирида фаолият юритишига ишора бор. Албатта, мажбурлаш ҳокимият моҳиятини изохлашга дахлдор ҳодиса, аммо у ягона белгиловчи хусусият эмас. Бу борада проф. И.Е. Фарбернинг қўйидаги фикри ўринли: «Ҳокимият ҳар қандай жамиятда бор, бу шак-шубҳасиз, лекин

¹ Қаранг: Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: «Шарқ», 2002. – 59-бет.

² Қаранг: Barrain R. Dictionaire de droit. – P.: 1976. – 15-бет.

бундан ҳар қандай ҳокимият фақат мажбурлаш воситасида амалга оширилади, деган маъно чиқмайди, яъни мажбурлаш ва ҳокимият синоним ҳодисалар эмас»¹. Бизнинг фикримизча, ҳокимият муносабатларининг асосига ҳам мажбурлаш, ҳам ихтиёрий бўйсунуш омиллари диалектик уйғунлик тарзида қўйилиши мумкин. Ҳокимиятни амалга оширишда ҳукмрон ирода (ҳар доим ҳам) мажбурлаш воситасида эмас, аксинча, бир ироданинг устунлигини таъминлаш (хусусан, ихтиёрийлик, онглик асосида) ҳокимият муносабатларининг узвий, табиий белгиси бўлишига ҳам йўл қўйиш мумкин. Ҳукмронликка эришишда мажбурлаш, куч (зўрлик) ишлатиш, ишонтириш, раббатлантириш, тарбиялаш каби турли-туман усул ва воситалардан фойдаланилиши мумкин². Хусусан, В.Н. Амелин ҳақли равишда ҳокимиятнинг моҳиятини курашга, зўрликка олиб бориб тақашга қарши чиқади³.

Замонавий маърифий ёндашув асосида фикр юритганда, «давлат ҳокимияти»га доимий салбий воқелик (яъни, ҳамиша мажбурлаш манбаи) сифатида қарамасдан, балки унинг ижтимоий фойдали, жамиятни бошқариш ва ривожлантиришга қодир, бунёдкорлик фаолиятини амалга оширувчи куч сифатида тавсиф этиш тенденцияси кўпроқ ўрин эгалламоқда. Шу боис давлат ҳокимиятининг ижтимоий кадр-қиммати, социал моҳияти хусусида гапириб, айтиш мумкинки, у ижтимоий ҳокимиятнинг оммавий-сиёсий моҳиятга эга алоҳида тури сифатида намоён бўлади. Шунга кўра, давлат ҳокимиятининг асосий вазифаси жамиятни уюштириш ва бошқаришдан иборат бўлади. Давлат ҳокимияти муайян ташкилий, институционал шаклларда зоҳир бўлади, махсус (аксарият ҳолларда демократик) усул ва воситалар билан амалга оширилади. Демократик жамиятларда давлат

¹ Фарбер И.Е., Ржевский В.А. Вопросы теории конституционного права. Вып. № 1. – Саратов 1986. – 31-бет.

² Қаранг: Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: 2002, – 60-бет.

³ Амелин В.Н. Власть как общественное явление // Социально-политические науки. 1991. № 2, 3-бет.

ҳокимияти ҳуқуқ воситасида, Конституция тарзидаги қонунларда институционал кўринишда расмийлаштирилади. Давлат ҳокимиятининг сиёсий тизимдаги ўрни, фуқаролик жамиятига нисбатан мартаба ва мақоми қонун ёрдамида легитимлаштирилади. Демократик тарзда конституциявий меъёрланган давлат ҳокимияти жамият умумий манфаатлари ва фаровонлигига хизмат қилувчи институтга айланади, дейиш мумкин.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари давлат ҳокимиятини таърифлашда методологик аҳамият касб этади: «Демократия шароитида давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи-мадора билан бартараф этиш воситасига айланди»¹. Айнан шу мақсадда жамиятдаги турли-туман ижтимоий манфаатларни аниқлаш, уларни ўзаро мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш ва пировардида консенсус асосида ягона иродага айлантирувчи давлат ҳокимият механизми вужудга келтирилади.

Давлат ҳокимиятининг функционал талқини. Давлат ҳокимиятининг амал қилиши, ишлаши, яъни функционал ҳолати ҳокимият механизмини янада яққолроқ тасаввур этиш имконини беради. Унга функционал ёндашув нафақат давлат ҳокимиятининг таркибини, элементларини аниқлаб олишни, балки бу қисмларнинг биргаликдаги, ягона агрегат тарзидаги ҳаракатланишини ўрганишга кўмаклашади.

Функционал ёндашувда давлат ҳокимияти иродасининг тобе объект иродасига ўтказилиши (бўйсундирилиши), шу тариқа бошқарувнинг амалга ошиши, белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва қўзланган сиёсий мақсадга эришилиши билан боғлиқ жараён тарзида талқин этилади. Мазкур ёндашув доирасида давлат ҳокимиятининг горизонтал ва вертикал функционал ҳаракатланиши хусусида фикр юритиш мумкин.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: 1996, 77-бет.

Ҳокимият муносабатларининг горизонтал ҳаракатланишига ҳокимиятлар тақсимланиши ва улар ўртасида мувозанатни таъминлаш тизими орқали тушунтирилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти – Олий Мажлиси – Вазирлар Маҳкамаси – Конституциявий суди ўртасидаги ўзаро конституциявий муносабатлар республика давлат ҳокимияти субъектлари ўртасидаги горизонтал муносабатларни акс эттиради. Уларнинг ҳар бири ўзининг конституциявий ваколатлари доирасида ҳаракатланади ва ўзаро муносабатларга киришади.

Вертикал ҳокимият муносабатлари давлат ҳокимиятининг республика органлари билан маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида амалга ошади. Бу ерда давлат иродасининг юқоридан қуйи-га қараб тарқалиши юз беради. Шу асосда умумий давлат бошқаруви амалга оширилади. Ҳокимиятнинг вертикал амал қилиш механизмида сиёсий бошқарув билан маъмурий бошқарувни фарқлаш лозим. Сиёсий мазмундаги давлат бошқаруви мамлакат миқёсида умумий сиёсат юритилишини, жамиятга ялпи давлат раҳбарлигини, жамият ривожланишининг умумий йўналтирилишини англатади. Бошқарувнинг жамият ҳаёти ижтимоий тармоқлари (вазирликлар) доирасида, давлат ҳудудий тузилмалари доирасида амалга оширилиши эса, маъмурий бошқарув ҳисобланади. Адабиётларда «давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизмини ҳам яхлит бир тизим» тарзида талқин этиш ҳоллари мавжуд¹. Ушбу механизмга функционал жиҳатдан, яъни ҳаракатланиш тартиби, босқичлари ва эришадиган натижаси нуқтаи назаридан баҳо бериш лозим. Давлатнинг функциялари билан унинг механизми, яъни давлат ҳокимиятини амалга оширувчи ташкилий тузилмалар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд².

Юридик фанда «давлат функцияси» категорияси мукаммал ишланган. Шу билан бирга, «давлат ҳокимиятининг функцияси» ҳақида ҳам алоҳида гапириш мумкин, деб ҳисобланади. Чунки, баъзи олимлар давлат ҳокимиятининг функцияси билан дав-

¹ Қаранг: Аҳмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва ҳукуки назарияси муаммолари. – Т.: 2006, 56-бет.

² Ўша жойда, 58-бет.

лат функцияси тушунчалари ўртасида фарқ бор, дейишади. Масалан, И.Г. Побирченконинг фикрича, давлат ҳокимияти вакиллик, бошқарув, одил судлов ва прокурор назорати функцияларини бажаради¹. Л.А. Григорян давлат ҳокимиятининг регулятив, ташкилотчилик ва муҳофазалаш функцияларини эътироф қилади². Шунингдек, адабиётларда давлат ҳокимиятининг сиёсий ҳукмронлик ва сиёсий раҳбарлик³, жазолаш⁴, раҳбарлик ва бошқариш⁵ функцияларини ажратиб кўрсатиш мавжуд. Яна бир нуқтаи назарга кўра, давлат ҳокимияти эмас, балки давлат органлари ҳокимиятни функционал жиҳатдан тавсиф этадилар⁶.

Фикримизча, охирги позицияни қувватлаб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Оммавий – сиёсий ҳокимиятнинг мавжудлиги давлатнинг фақат битта асосий белгиси ҳисобланади, демак, давлатнинг функцияси давлат ҳокимиятининг функцияси деган ҳодисани ҳам ўз қамровига олади.

Давлат ҳокимиятининг табиатини англаб етишда унинг фаолият юритиш принциплари ҳам муҳим ўрин тутади. Бундай принциплар қаторига адабиётларда қуйидагиларни кириштириш тақдир этилади: 1) ҳокимиятнинг ўзини ўзи барқарорлаштириши (ҳокимиятни сақлаб туриш учун интилиш); 2) ҳокимиятнинг таъсирчанлиги ва самаралилиги (ҳокимият ҳар доим ўз фаолиятининг натижадорлигини кўрсатишга интилади); 3) легитимлик (ҳар қандай давлат ҳокимияти ўзининг қонуний асосда қарор топгани ва фаолият кўрсатишини

¹ Каранг: Побирченко И.Г. Хозяйственная юрисдикция. Общее учение. Киев, 1973, 120, 121-бетлар.

² Григорян Л.А. Народовластие в СССР. – М.: 1972, – 90-бет; Байтин М.И. Государство и политическая власть. – Саратов, 1982. – 134–137-бетлар.

³ Усачев В.Л. Функции и структура политической власти. – М.: Вести МГУ. Сер. Право, 1977, № 3, 21-бет.

⁴ Алексюк Р.П. Аппарат управления и власть как общесоциологическая категория. – Воронеж, 1974. – 99–102-бетлар.

⁵ Ашин Г.К. Бельский В.Х., Кубова Л.Ф. Субъект власти и субъект управления. – Сов.гос. и право, 1975, № 8, 116-бет.

⁶ Корольский В.М. О структуре государственной власти. – В кн.: Актуальные проблемы политической организации общества. – Свердловск, 1974, 74-бет.

исботлашга интилади); 4) ҳокимиятни амалга оширишда қатъийлик; 5) демократия талаб ва қадриятлари асосида фаолият юритиш; 6) қарор қабул қилишда турли манфаатлар уйғунлаштирилиши; 7) ҳокимиятни амалга оширишга муайян маърифий ва маданий тус бериш; 8) ўз қарорлари ва хатти-ҳаракатлари натижаси учун масъулиятни англаш¹; 9) демократик жамиятда давлат ҳокимияти адолатлилик, қонунийлик, инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш, ошкоралик, сиёсий плюрализм, инсонпарварлик, толерантлик, ҳокимиятлар тақсимланиши, жамоатчилик фикрини инobatга олиш каби принциплар асосида фаолият юритади.

Давлат бошқарувини модернизация қилиш муаммолари. Ҳозирги глобаллашув ва шиддатли ривожланиш шароитида давлат бошқарувини замонавий жамият эҳтиёжларига мос равишда модернизациялаш ўта долзарб мавзу сифатида кун тартибига чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида салмоқли ислохотлар амалга оширилди. «Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, ҳўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди»².

Ҳар бир мамлакатнинг давлат бошқарув тизими унинг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маъмурий маданиятининг узвий қисмидир. Бошқарув маданияти бир қатор тарихий, миллий, жўғрофий, маънавий ва бошқа омиллар таъсирида шакллана-

¹ Қаранг: Философия власти / Под ред. В.В. Ильина. – М.: 1993, – 26–36-бетлар.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 8-бет.

ди. Бошқарув маданияти давлат бошқаруви тузилмаларига нисбатан анчайин барқарор ва турғундир. Шу туфайли сиёсий (давлат) бошқарув маданиятини тарихан қисқа вақт ичида ўзгартириш бирмунча мушкул. Масалан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини қонунчилик ислоҳоти воситасида тарихан қисқа муддатда ўзгартириш (янгилаш) мумкин, аммо бошқарувга боғлиқ мафқурани, менталитетни, онгни ва маданиятни дарҳол ўзгартиришнинг иложи йўқ.

Табиийки, давлат бошқарувини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган принциплар ҳамда талаблар асосида амалга оширилади. Шу билан бирга, бу борада фуқароларнинг яна бир муҳим ҳуқуқига эътибор қаратиш лозим. 2005 йилда Европа иттифоқига тасдиқлаш учун тақдим этилган Европа Конституцияси лойиҳасида инсон ва фуқароларнинг ижобий бошқарувга бўлган ҳуқуқи назарда тутилган. Унга кўра, ҳокимият органлари фуқаронинг мурожаатларини холис ва адолатли, пайсалга солмай моҳияти бўйича кўриб чиқиши, сайлаб қўйилган вакиллар ва маъмурият аҳоли манфаатлари йўлида фаолият юритиши лозим.

Фуқароларнинг давлат бошқарувига кенг жалб этилиши, демократик давлат бошқаруви ғоялари бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида қўйидаги қоида эътироф этилган: «Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга ... Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим» (21-модда). Янги Европа учун Париж хартияси ЕХҲКнинг 1990 йил 21 ноябрдаги Саммити ҳужжатида шундай сатрлар бор: «Демократик бошқарув эркин ва адолатли сайловлар пайтида мунтазам равишда ифодаланадиган халқ хоҳиш-иродасига асосланади. Демократиянинг асосини инсон шахсига бўлган ҳурмат ва қонун устуворлиги ташкил этади».

Ижтимоий-сиёсий ва юридик адабиётларда давлат бошқаруви жамиятга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга жорий этишга йўналти-

рилган маъмурий-ташкилий фаолият тарзида таърифланади. Ушбу ёндашув давлат бошқарувини жамиятга сиёсий раҳбарлик қилиш ва мамлакат ҳаётида маъмурий (бошқариш) фаолиятини амалга оширишдан иборат икки жабҳага ажратишни келтириб чиқарди. Шунга кўра, давлат бошқарувини кенг маънода ва тор талқинда тушуниш шаклланди. Кенг маънодаги давлат бошқарувига мамлакат Президентининг давлат сиёсий фаолияти, парламентнинг қонунлар воситасида жамиятни бошқаришдаги иштироки, Ҳукуматнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолияти киради. Тор маънодаги давлат бошқаруви доирасига эса, давлат бошқарув (ижро этувчи) органларининг ижроия-фармойиш берувчи фаолияти, шунингдек ваколатли давлат органларининг маъмурий бошқарувчилик фаолияти киради.

Давлат бошқарув фаолиятининг ижтимоий мақсади, асосан қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

- меъёрий ҳужжатлар, одамларнинг хатти-ҳаракат қоидаларини қабул қилиш билан боғлиқ мувофиқлаштириш вазифаси;
- қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайдиган ташкилотчилик вазифаси;
- ҳуқуқ-тартибот, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат муҳофаза вазифаси.

Жамиятни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида давлат бошқарувини модернизация қилишнинг бир қатор йўналишлари ва вазифалари ҳақида фикр юритиш мумкин. *Аввало*, демократик давлат бошқарув мезонларини белгиловчи принципларни ҳаётга собитқадамлик билан жорий этиб бориш. Булар бошқарувда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши (шу жумладан, давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар ўртасида ваколатларнинг оқилона тақсимланиши), қонун устуворлиги, давлат бошқарувига халқ оммаси ҳамда фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралиги ва очиқлиги кабилардир.

Иккинчидан, давлат бошқарувини модернизация қилиш ва маъмурий ислохотлар самарасини оширишда тегишли ваколатли органлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини (регламентларини) изчил такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида Маъмурий процессуал кодекснинг, «Маъмурий процедуралар тўғрисида»ги ва «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, ижроия ҳокимияти тизимидаги бошқарув билан шуғулланувчи органлар структураси ва функцияларини рационаллаштириш маъмурий ислохотнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бунда давлат бошқарувида мувозий тузилмаларнинг бўлиши ва бир-бирининг функцияларини такрорлашнинг мавжуд бўлишини бартараф этиб бориш талаб этилади. Мазкур иш илмий асосланганлик ва мақсадга мувофиқлик негизда амалга оширилиши лозим.

Тўртинчидан, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини таъминловчи самарали механизмларни яратиш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини фаоллаштириш зурур.

Бешинчидан, давлат бошқарув аппарати фаолиятининг қонунчилик, ҳуқуқий базасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ. «Давлат бошқаруви асосини қонунлар ташкил этар экан, – деб таъкидлади Президент Ислом Каримов, – қонун ижодкорлиги соҳасида фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этиши зарур. Шу муносабат билан бу борадаги ишларнинг очиклигини таъминлаш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади»¹.

Олтинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини рационал ташкил этишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Президент И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палтаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси/Халқ сўзи, 2015 йил 25 январь.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади¹.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари мобайнида жамиятнинг ахборотлашатириш, фуқароларнинг ахборот олиш (ундан фойдаланиш, тарқатиш) эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва мезонларга тўла мос келадиган мустақкам қонунчилик базаси яратилди. Бу даврда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид ахборотни фуқароларга етказишга, оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг мақсадли ва натижали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган ўндан зиёд қонунлар қабул қилинди.

Давлат бошқарувида электрон ҳукумат тизимини янада кенгроқ жорий этиш лозим. Бу тизим воситасида давлат идораларо ва бошқарув жараёнида иштирок этувчи субъектлар ўртасида электрон ҳужжат айланиши, автоматлаштирилган ахборот-маълумот тизими, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сервиси ҳамда ахборот ресурс базаларидан самарали фойдаланиш амалга оширилади. Натижада, давлат бошқаруви тизимида маъмурий процедуралар ва давлат хизматларини кўрсатиш электрон шаклда амалга оширилиши йўлга қўйилади. Электрон ҳукумат қўйидаги принциплар асосида фаолият юритади: давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, давлат хизматларининг ҳаммабплиги, ахборотнинг муҳофазаланганлиги, маъмурий ахборотнинг электрон таҳлил этилиши, давлат органларининг ўзаро келишилган тарзда ҳаракатланиши, давлат органлари фаолиятининг сифат жиҳатидан муттасил яхшиланиши ва ҳ.к.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 28-бет.

Электрон ҳукумат инфраструктурасида Ягона интерактив давлат хизматлари кўрсатиш портали амал қилади. Қабул қилиниши мўлжалланаётган қонун электрон ҳукумат билан мулоқотга киришганда фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатларини белгилайди.

Еттинчидан, давлат бошқаруви идораларининг аҳоли билан алоқадорлигини кучайтириш, ҳамкорлик механизмларини яратиш муҳим. Бир томондан, аҳолини давлат бошқарув органлари фаолиятдан мунтазам равишда хабардор қилиб туриш, иккинчи томондан, маҳаллий давлат бошқарув органлари қарорларини қабул қилишга (қарорлар лойиҳасининг муҳокамасига, маҳаллий референдумларга) кенг жалб этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, давлат бошқаруви билан корпоратив бошқарувни яқинлаштириш, улар нисбатининг оқилона мезонларини белгилаш муҳим ўрин тутди.

Маълумки, 2014 йил 5 майда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. *Ушбу қонуннинг мақсади* – давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини, улар фаолияти ҳақидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг (ахборотдан фойдаланувчиларнинг) кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган.

Қонуннинг *асосий вазифалари* – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг эркин фойдаланишини таъминлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотларни олишга бўлган ҳуқуқни кафолатлаш; давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотларнинг тарқатилиши тартибини белгилашдан иборат. Шунга мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлиги, улар устидан жамоатчилик назорати улар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни таъминлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар қабул қилиш орқали таъминланади.

Шундай қилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини эркинлаштириш, уларни халқ эҳтиёжлари ва манфаатларига яқинлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик ва ҳамкорлигини ривожлантириш пировардида, шубҳасиз, давлат аппарати фаолияти самарадорлигини оширишга, давлатни жамият манфаатларига янада кўпроқ хизмат қилувчи институтга айлантиришга салмоқли имконият яратади.

Давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қиёфаси. Давлат билан ҳуқуқнинг ўзаро узвий боғлиқлиги юриспруденциянинг муҳим методологик қондасидир. Қадимдан ҳуқуқни давлат яратади, деб таъкидлаб келинарди. Демократик давлат, ҳуқуқий давлат концепциялари шакллангач, давлат ҳокимиятининг янги сиймоси (образи), ҳуқуқий қиёфаси (мас., қонуний давлат, қонунийлик давлати, конституциявий давлат ва бошқ.) хусусида талқинлар, таълимотлар пайдо бўлди. Уларга кўра, давлатнинг ўзи ҳам ҳуқуқ ёрдамида расмийлашади. Маълумки, барча мамлакатларда давлат ҳокимияти сиёсий ҳокимиятнинг алоҳида устувор шакли сифатида расмийлаштирилган экан, бу ҳуқуқий воситалар, аввало, конституция воситасида амалга оширилади. Давлат ҳокимиятининг легитимлиги, ҳуқуқий мезон, принцип ва меъёрлар асосида қонунийлаштирилганлиги энг муҳим демократик талаблардандир. Бошқача айтганда, давлат ҳокимиятининг ҳуқуқ билан чамбарчас алоқадорлиги унинг халқчиллиги, демократик ҳамда адолатлилигининг қафолати деб баҳоланади.

«*Давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қиёфаси*» категорияси «*ҳуқуқий давлат*» концепциясига яқин ёки ўхшаш кўринса-да, улар айнан бир маънодаги, синоним тушунчалар эмас. Умум эътироф этилган нуқтаи назарга кўра, ҳуқуқий давлат – фуқаролик жамиятининг сиёсий шакли бўлиб, жамият ҳаётида демократик институтларнинг ривож топиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими мавжудлиги билан тавсифланган, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини устувор таъминлайди, ўз фаолиятини ҳуқуқ асосида ташкил этадиган давлатдир. Шунингдек, ҳуқуқий давлат ҳуқуқ ва қонуннинг устунлиги, қонун ва суд олдида барчанинг тенглиги таъминланадиган, фуқаро-

ларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, давлат ҳокимияти ваколатлари демократик тақсимлаш асосида ташкил этиладиган адолатли давлат сифатида тавсифланади.

«Давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қиёфаси» деганда, давлат аппаратининг (оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг) мамлакатда мавжуд ҳуқуқий воситалар, қонунлар ёрдамида, қарор топган реал ҳуқуқий макон руҳида расмийлаштирилганлиги, давлат тузилмаларига муайян ҳуқуқий шакл бахш этилганлиги тушунилади. Давлат ҳокимиятининг реал ҳуқуқий қиёфаси ҳали ҳуқуқий давлат талабларига етиб бормаган бўлиши ҳам мумкин.

«Ҳуқуқий давлат» таълимотига яқин концепциялардан яна бирини профессор А. Матюхин таклиф этади. Бу ёндашувнинг формуласи қуйидагича: «*Ҳуқуқ қамровидаги давлат*». Бу борада олим қуйидаги фикрларни баён этади: «Ҳозирги замон давлат қурилишининг, унинг замонавий цивилизация устувор қадриятларига мақсадли йўналтирилганлигининг барча жиҳатларини комплекс таҳлил этишда давлатнинг генезиси, унинг муайян мамлакат ва халқнинг, аниқ этнососоциал бирликнинг ижтимоий-маданий маконида жойлашганлигини, энг аввало, устувор ҳуқуқий ғоялар ва принциплар мавжудлиги ҳамда ҳуқуқ соҳасининг ривожланганлик даражаси билан боғлиқлигини эътироф этиш лозим. Давлат ҳуқуқ соҳасининг, ҳуқуқ маконининг элементидир»¹. Давлат муайян халқнинг ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурлари, ҳуқуқий анъаналари ва ҳуқуқий маданияти асосида шакллантирилади. Давлат тарихий зарурият туфайли вужудга келган, шаклланган ва мавжуд ҳуқуқий маконда (майдонда) ўзининг турли ижтимоий-маданий шаклларида амал қиладиган феномендир.

Ҳозирги Ўзбекистон Республикасида қарор топган ва фаолият юритаётган давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қиёфаси умумий тарзда мамлакатнинг Конституциясида ўз ифодасини топган. Айнан Конституцияда давлатнинг моҳияти, ижтимоий вазифаси, фаолият принциплари, давлат органларининг ваколатлари, жамият ва фуқаролар олдидаги масъулияти (мажбурият-

¹ Қ.: Матюхин А. Государство в сфере права: институциональный подход. – Алматы: ВШП «Эділет», 2000. – 10-бет.

лари) белгилаб берилади. Конституцияга кўра, Ўзбекистон суверен демократик республикадир (1-модда). Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар (2-модда). Халқ давлат ҳокимиятининг бирданбир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади.

Дикқатга сазовор муҳим жиҳат шундаки, давлат ҳокимияти идораларининг ваколоти, фаолият доираси инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кўлами билан чегарланади. Ушбу фикр Конституциянинг 2, 13 ва 14-моддаларининг уйғунликдаги талқинидан келиб чиқади. Конституцияда эътироф этилишича, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўз навбатида, давлат органлари ва мансабдор шахслар ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Мазкур конституциявий қондалар мазмунидан инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг устуворлиги тамойили келиб чиқади.

Асосий қонунимизнинг барча қондалари мажмуи тафаккур қилиб кўриладиган бўлса, мамлакатимизда мустақиллик даврида вужудга келтирилган ва амал қилаётган давлат – **конституциявий давлатдир**, деган хулоса чиқариш мумкин.

Конституциявий давлат деганда, давлат ҳокимияти идоралари Конституцияда белгиланган тартиб ва тамойиллар асосида шакллантириладиган ва конституциявий нормаларга қатъий риоя этган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширадиган давлат аппарати тушунилади.

Конституциявий давлат – мамлакатнинг бутун худудида ва давлат фаолиятининг барча соҳаларида Конституция устуворлиги, қолаверса, жорий қонунларнинг устуворлиги таъминланган давлатдир. «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахс-

лар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» (15-модда). Мамлакатда чиқариладиган бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (16-модда).

Конституциявий давлатда ҳокимиятнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилади. Конституцияда назарда тутилмаган ҳокимият органларини ташкил этиш мумкин эмас. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади (7-модданинг иккинчи қисми). Давлат ҳокимияти ваколатларини Конституцияда назарда тутилмаган тартибда ўзлаштириш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади (7-модданинг учинчи қисми). Конституция Ўзбекистон халқи номидан гапириш ва иш олиб бориш ҳуқуқини фақат сайланган иккита органга, яъни: Олий Мажлис ва Президентга беради (10-модда). Шу билан бирга, Президент ўз конституциявий ваколатларини бажариш ҳуқуқини бошқа давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас (93-модда).

Барча давлат органлари Конституция асосида ташкил этилади ва ўз фаолиятини конституциявий ваколатлар ҳамда шу асосда қабул қилинадиган қонунларда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамландиган ваколатларга мувофиқ ҳолда амалга оширадилар. Шунга мувофиқ, конституциявий давлат, энг аввало, давлатнинг Конституция ва қонунлар билан ҳуқуқ билан узвий боғлиқлигидир. Конституция эса, инсон ва фуқаронинг шу ҳокимият томонидан кафолатланган ҳуқуқларини мустаҳкамлайди ва ана шу ҳуқуқларга мутаносиб тарзда давлат ҳокимиятини чегаралайди. Бошқача айтганда, Конституция – давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолият юритишининг ҳуқуқий расмийлаштирилиши бўлиб, бу ҳокимиятнинг фуқаролик жамияти бошқа субъектлари билан муносабатини меъёрлайди.

Демократик конституциявий давлатда эркинлик, мустақиллик ва мулкка эгалик қилишнинг кафолатлари тизими Конституцияда мустақамланган бўлиши лозим. Ва, конституциявий нормалар бевосита ҳаракатланувчи ҳуқуқий қоидалар бўлиши ҳамда бу борада конституциявий назоратнинг самарали механизми мавжуд бўлиши талаб этилади.

Юқоридаги фикрларга яна шуни қўшимча қилиш лозимки, давлат ҳокимияти ҳуқуқий қиёфасининг ялпи умумий манзараси конституциявий қонунчиликдан ташқари, бошқа тармоқ қонунчилигида (соҳавий кодекслар, қонунларда) тўлатўкис намоён бўлади. Масалан, фуқаролик қонунчилиги (фуқаролик кодекси)га мувофиқ, давлат, унинг органлари мулкӣ (мерос, ижара) ва номулкӣ муносабатларнинг тенг субъекти (юридик шахс) сифатида; Меҳнат кодексига биноан, иш берувчи маъмурият, меҳнат муносабатларини давлат йўли билан тартибга солувчи, ижтимоӣ ҳимояни таъминловчи субъект сифатида; Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Солиқ кодекси ва Божхона кодексларида мустақамланган нормаларга мувофиқ, тегишли ваколат ва мажбуриятларни адо этувчи императив субъект сифатида; Оила кодексига кўра, оилани, оналик, оталик ва болаликни муҳофазаловчи, оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи субъект сифатида майдонга чиқади ва ҳоказо.

Давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қиёфаси мазмунига жамиятда шаклланган ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маънавият ва маърифийлик, ижтимоӣ адолат мезонлари, талаб ва фазилатлари ўз таъсирини ўтказади. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, ижтимоӣ-сиёсий, ҳуқуқий жабҳалардаги барча саъй-ҳаракатлар, пировардида, ҳозирги ҳуқуқий қиёфадаги давлатчилигимизни том маънодаги демократик ҳуқуқий давлатга айлантиришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш, янада модернизациялаш халқчил, инсонпарвар, ижтимоӣ масъулиятли давлат ҳокимиятини қарор топтиришга шарт-шароит ва имконият яратади.

**ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ
МУАММОЛАРИ, ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
НАТИЖАДОРЛИГИ ВА АМАЛИЁТГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИГИ**

Ҳуқуқшунослик фан ва амалий машғулоти тури, нуфузли фаолият соҳаси сифатида қадимдан эъзозланиб келади. Ҳуқуқшунос-юристлик касбига жамиятда эътибор ва эҳтиёж ҳамиша юқори бўлган. Ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси кун тартибида турган бугунги шароитда эса, ҳуқуқшунослик илми ва юристлик касби алоҳида аҳамият касб этиши табиий.

Юристлар мураккаб ҳаётий вазиятларни, жумбоқ ва низоларни ҳуқуқ асосида, ҳуқуқий воситалар ёрдамида ҳал этувчи мутахассислар саналади, уларнинг фаолиятига ҳамиша юксак ижтимоий эҳтиёж мавжуд. Нафақат қадимги Рим юристларининг, балки дунёвий тараққиёт бешиги бўлган Шарқ ҳуқуқшуносларининг ҳам мураккаб ҳаётий казусларга ҳуқуқий ечим топиш бобида катта маҳоратга эришганликлари тарихдан маълум. Мукамал юриспруденция ҳам юридик амалиёт жабҳасини, ҳам ҳуқуқшунослик илмини мужассам ифода этади. Машҳур давлат арбоби М.Т. Цицерон таъкидлаганидек, ҳақиқий юрист (қонуншунос) – «қонунлар ва амалдаги ҳуқуқнинг билимдони бўлган, ... маслаҳат бера оладиган, ишларни юрита оладиган ва ўз мижозининг манфаатларини ҳимоя эта оладиган кишидир»¹.

Ҳуқуқий тафаккур (билим) ва маданиятнинг даражаси миллатнинг етуқлиги ҳамда инсон баркамоллигининг энг муҳим мезони ҳисобланади. Халқнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси қанчалик баланд бўлса, жамиятнинг маърифийлик (цивилизация) борасида эришган кўрсаткичи шунчалик салмоқли бўлади.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

¹ Қаранг: Цицерон. Три трактата об ораторском искусстве. – М.: «Наука», 1972. – 116-бет.

Ҳозирги давр руҳи ва талабларидан келиб чиқиб таърифлаганда, *ҳуқуқшунослик* – аввало, жамиятимиз ҳаёти ҳуқуқий қиёфасининг илмий тавсифи, иккинчидан, ҳуқуқий тафаккуримиз маҳсули, учинчидан, ҳуқуқий турмушимиз ички мантигининг ифодаси, ҳуқуқий ривожланиш қонуниятларининг инъикоси. Бошқача айтганда, давлат-ҳуқуқий воқеликнинг, юридик ҳаётнинг илмий ифодаланиши, назарий талқинидир. Бугунги ўзбек ҳуқуқшунослиги *янги ҳуқуқий доктрина* асосида қарор топди.

Замонавий ҳуқуқий доктрина – янгича демократик ҳуқуқий тафаккур маҳсули, илғор ҳуқуқий қарашлар, назарий умумлашма ҳамда қоидалар тизими. *Ҳуқуқий доктрина* – муайян тизимга келтирилган юридик мазмундаги таълимот, таркибий қисмлари бир-бири билан чамбарчас боғланган концепция, тамойиллар йиғиндиси¹. Ҳозирги Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг ўзагини ташкил этаётган ҳуқуқий доктрина табиий ҳуқуқ таълимоти, умуминсоний, умумбашарий ҳуқуқий қадриятлар билан халқимизнинг бир неча минг йиллардан бери сайқалланиб келаётган тарихий, миллий, ҳуқуқий ва маънавий қадриятларининг ҳамоҳанглиги асосида яратилди.

Миллий ҳуқуқшунослик ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тафаккурнинг қарор топиши ҳамда ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. У ўз нуфузи ва мартабасига кўра ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётни четдан кузатувчи, шунчаки ўрганувчи, ҳисобини юритувчи «бетараф нозир» эмас, балки ислохотлар жараёнини илмий баҳоловчи, изоҳловчи ва ўз тавсияларини ишлаб чиқувчи ҳуқуқий тизимнинг узвий бўғини тарзида майдонга чиқмоқда.

Ҳуқуқшунослик фани – давлат ва ҳуқуқнинг барча жиҳатларини ўрганиш асосида ҳосил қилинадиган илмий билимлар тизимидир. Янада муфассалроқ тавсифланса, ҳуқуқшунослик ўта мураккаб ижтимоий ҳодисалар бўлган давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши истиқболи, моҳияти, вазифаси ва функцияларининг намоён бўлиш

¹ Қаранг: Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: 2004. – 114-бет.

қонуниятларини, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза этиш жараёнларини, юридик қонунларни яратиш, низоларни ҳуқуқий ҳал этиш тизими ҳамда тартиб-таомилларини ўрганувчи, ҳуқуқий тафаккур ва дунёқарашни шакллантирувчи фандир. Замонавий ҳуқуқшуносликнинг таҳлил доирасига, шунингдек, давлат ҳокимиятини оқилона ташкил этиш, демократияни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ҳуқуқий тизимни либераллаштириш, қонунчилик ва юридик амалиётни такомиллаштириш, ҳуқуқий маданият ва тарбияни юксалтириш каби муаммоларини тадқиқ этиш кирилади.

Ҳуқуқшунослик предмети ҳажмдор, анчагина мураккаб ва серқирра. Унинг мазмунини юридик билимлар (ҳуқуқий хусусиятга эга масалалар мажмуи талқини), юридик воқеликлар мушоҳадаси нуктаи назаридан қўйидаги уч элементдан иборат тарзда тавсифлаш мумкин:

- давлат ва ҳуқуқнинг қонуниятлари;
- давлат ҳокимияти ҳамда ҳуқуқ тизимини ташкил этувчи тармоқларнинг норматив-юридик мазмуни;
- юриспруденциянинг технологиялари, яъни: юридик техника, ҳуқуқ яратиш, уни қўллаш, шарҳлаш, муҳофаза қилиш амалиётидаги восита ва усуллар.

Ҳуқуқшунослик нафақат назарий билимлар тизими, балки давлат-ҳуқуқий амалиётни таҳлил этувчи фан сифатида салмоқли амалий салоҳиятга ҳамда ҳаётий аҳамиятга эга. Юридик амалиётда фаолият юритувчи ходимлар (судья, прокурор, терговчи, юрисконсулт) юксак ҳуқуқий тафаккур қобилиятига ва тегишли билимга (қонунчиликни мукамал билиш), юқори ҳуқуқий маданиятга, юридик техникани қўллаш кўникмаларига ҳамда амалий тажрибага эга бўлиши лозим. Амалиётчи юристлар ҳар қандай масалани ҳал этишда юридик қадриятлардан, адолат тамойиллари ва ҳуқуқ принципларидан келиб чиқиши; ҳуқуқий тартибга солишнинг синалган механизмларидан фойдалана олиши; реал факт (муаммоли вазият)ларни юридик тушунча ва назарий конструкциялар орқали талқин эта олиши лозим.

Сўнги йилларда ҳуқуқшуносликнинг ҳолатига оид ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фаннинг илдам ривожланишига ҳалал бераётган омиллар ва муайян камчиликлар мавжуд. Булар қаторида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

1. Ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг гносеологик ва методологик асослари бўш, диссертацияларнинг *илмий аппарати* ҳамда *таҳлил савияси анча саёз*.

2. Тадқиқотларда *илмий баҳс* ва *мунозара деярли йўқ*, борлари ҳам нисбатан юзаки. Кўпинча муаллифнинг мустақил позицияси, нуқтаи назари аниқ кўринмайди.

3. Илмий изланиш ва ишланмаларимиз мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлардан, модернизациялаш жараёнларидан *ортда қолмоқда*. Баъзи квазиилмий таклиф ва тавсияларимиз *амалиёт учун аҳамиятсиз ёки кам аҳамиятли бўлиб қолмоқда*.

4. Диссертация *тадқиқотлари* билан юридик (ижтимоий) *амалиёт ўртасида муайян узилиш мавжуд*, яъни илмий ишларнинг *эмпирик базаси бўш*, уларнинг аксарияти социологик тадқиқотларга асосланмайди. Илмий тавсияларни *амалиётга жорий этиш механизмлари такомиллашмаган*.

5. Юридик таълим жараёнини ҳуқуқшунослик илмининг сўнги ютуқларига асосланиб, давлат таълим стандартларига мувофиқ тайёрланган махсус адабиётлар билан таъминлаш борасида ҳам жиддий оқсашлар мавжуд.

Давлатчилигимиз ва ҳуқуқий тизимимизда жўшқин ислохотлар амалга ошаётган, жамиятимиз демократик тарзда янгиланаётган ҳозирги паллада рўй бераётган барча воқеа ва жараёнларни ҳуқуқий мушоҳада этиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлаш ва уларни юридик тилда ифодалаш ўзбек ҳуқуқшунослик фанининг муҳим вазифасидир.

Ҳуқуқшунослик фанининг бугунги кундаги *асосий вазифаси*, аввало, Ўзбекистонда қарор топаётган янги демократик давлатчиликнинг моҳиятини, унинг келгусида ҳуқуқий давлатга айланиши қонуниятларини, мазкур мақсад йўлидаги исло-

ҳотлар мазмуни ва асосий йўналишларини чуқур илмий таҳлил ҳамда талқин этишдан иборат. Шу билан бирга, миллий ҳуқуқий таълимотни шакллантириш, ижтимоий муносабатларнинг қонуниятларини ва ҳуқуқий воқеликларни ўрганиш, уларга илмий баҳо беришда янги жамиятнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ва амалиёт учун мукамал асосланган назарий ҳулосалар, таклифлар бериш ҳисобланади. Бу эса, юридик фан соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва ташкил қилишда жиддий ўзгаришлар ясашни, янги шакл ва усулларни ўзлаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «фаннинг вазифаси – келажакимизнинг шаклшамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, уларнинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат».

Мазкур мақолада асосан давлат ва ҳуқуқ назариясининг долзарб муаммолари таҳлилига, шунингдек конституциявий ҳуқуқ, давлат қурилиши ва маъмурий ҳуқуқнинг баъзи эътиборли масалаларига тўхталамиз.

Эътироф этиш жоизки, *давлат ва ҳуқуқ назарияси* ҳуқуқшуносликнинг (юриспруденциянинг) илмий-назарий пойдеворини, фундаментал йўналиши сифатида унинг методологик асосини ташкил этади. Мазкур фан ижтимоий-ҳуқуқий ҳаёт илгари сураётган қатор янги ҳодисалар, юридик категорияларнинг илмий таърифларини яратади, хосса-хусусиятларини очади, функционал тенденциялари ва ҳаракатланиш механизмларини изоҳлайди.

Бугунги кунда давлат ва ҳуқуқ назарияси замонавий демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги тамойиллари, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ҳодисалари, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи каби умумбашарий ғоя ва таълимотларни янгича ҳуқуқий тафаккур асосида қайта мушоҳада этмоқда.

Фанимиз ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ҳодисаларининг моҳияти, мазмуни, муҳим белгилари ҳамда хусусиятларини кенг тадқиқ этиш билан шуғулланмоқда. Бирок,

«хукукий давлат» билан «фуқаролик жамияти»ни диалектик жуфт категориялар сифатида, яъни «мазмун» билан «шакл»нинг нисбати тарзида талқин қилиш ҳанузгача долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Хукукий давлат ҳокимиятни оқилона демократик ташкил этиш маҳсули сифатида фуқаролик жамиятининг *сиёсий шаклини*, сиёсий моҳиятини ифода этади. Хукукий давлат фақат фуқаролик жамиятидек ижтимоий макондагина қарор топиши ва фаолият юритиши мумкин. Айни вақтда, фуқаролик жамияти тўла маънода қарор топишининг шак-шубҳасиз шарти хукукий давлат мавжуд бўлишидир. Бу ҳодисаларнинг бирини иккинчисидан ажратиб тасаввур этиш мумкин эмас.

Фуқаролик жамияти билан хукукий давлатнинг ўзаро нисбатини, *бир томондан*, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси, *иккинчи томондан*, сиёсий муносабатлар мажмуининг нисбати тарзида изоҳлаб, тадқиқ этиш ҳам долзарбдир. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари тегишли бошқарув тизими, демократик сиёсий тузилмалар, хукукий норма ва институтлар мавжуд бўлишини тақозо этаётганлигини англаш лозим.

Хуқуқшуносликка оид изланишлар фаол олиб борилаётганлигига қарамасдан, тадқиқотчиларнинг аксарияти ҳали «*ҳокимият*» феноменини теран англаб ета олганлари йўқ. Масалан, ҳокимиятнинг бўлинмас, ягона воқелик эканлиги билан унинг «бўлиниши» ўртасидаги фарқни, ҳокимият ҳодисаси билан ҳокимият ваколатлари ўртасидаги нисбатни аниқлаш муаммолари ҳануз илмий ечимини топгани йўқ. Ҳокимиятнинг ягоналиги ва тақсимланиши давлат ҳокимияти тармоқларининг диалектик ҳолатидир. Ягоналикка диалектик мувозанат орқали, ҳокимият идораларини оқилона уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш ёрдамида эришилади.

Ҳокимият шундай ижтимоий-иродавий муносабатки, бунда ҳукмрон ироданинг устунлиги ҳамда белгиловчи, йўналтирувчи роли намоён бўлади. Давлат иродаси туфайли давлат ҳокимияти намоён бўлади ва натижада жамиятни бошқариш амалга ошади. Давлат бошқаруви *вертикал* ҳокимият муноса-

батлари бўлса, фуқаролик жамиятининг моҳиятини очиш учун ундаги *горизонтал* муносабатлар тизими ва мантиғини англаб етиш лозим.

Жамиятни модернизациялаш шароитида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқаролик жамияти тузилмаларининг ҳамкорлиги ҳамда *ижтимоий шериклигини* таъминлаш ҳам ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари, субъектлари ва шахслар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мазмуни тубдан ўзгариб бораётганлигини ҳам эътиборга олиш лозим. *Ҳуқуқий тартибга солиш механизмини* тадқиқ этиш ва уни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш хусусида гап борганида, бу жараёни эркинлаштириш, модернизациялаш хусусиятларини чуқур мушоҳада этиш муҳимдир. Нафақат ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида, балки мамлакатимизнинг бутун ҳуқуқий тизимида рўй бераётган либераллаштиришнинг асосий мазмуни – барча ҳуқуқий мезонларни, тақиқ ва чекловларни адолат тамойиллари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, уларни оқилона мўътадиллаштириш, инсон манфаатларини таъминлайдиган ҳуқуқий стандартларни жорий этишдан иборат.

Ҳуқуқий тизимимизда устуворлик мавқеини эгаллаб бораётган либераллаштириш тенденциясини янада чуқурлаштириб бориб, қонунчилигимизда собиқ совет тузумидан мерос қолган *«ман этувчи»*, *«тақиқловчи»*, *«мажбурловчи»* мазмундаги нормаларнинг босқичма-босқич бартараф этилишига эришиш лозим. Бундай ҳуқуқий нормалар ўрнига *тавсия берувчи*, *имтиёз берувчи*, *рағбатлантирувчи нормаларни* қонунчилигимизга қатъият билан киритиш мақбулдир. Ушбу йўналишни ***императив*** (буйруқ асосида) тартибга солишдан ***диспозитив*** (эркин ихтиёрий асосда) ҳуқуқий тартибга солишга ўтиш *тенденцияси* деб аташ мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатлардан ташқари, ҳуқуқий тизим ва қонунчилик тизими ривожланишида намоён бўлаётган бевосита юридик мазмундаги *тенденция* ва *хусусиятлари* ҳам эътироф этиш мумкин:

1) *Конституция ва қонуннинг устунлиги* тамойили мустақамланиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида қонуннинг нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Бу борадаги навбатдаги вазифа: инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига оид барча масалалар қонуности ҳужжатларда эмас, балки фақат қонун даражасида мустақамланишига эришишдан иборат;

2) *қонунчиликда ихтисослашиш тенденцияси* анча кучли сезилиб бормоқда, унда кодекслаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, кўпгина қонунчилик соҳалари бўйича *шоҳ қонун – кодекслар* қабул қилинди;

3) қонунчиликнинг интенсив (жадал) ривожланиши кузатилмоқда, айни вақтда, уни *унификациялаш* жараёнлари авж олмоқда;

4) қонунчиликнинг моддий тармоқларига ҳамоҳанг тарзда унинг *процессуал соҳалари* ҳам ривож топиб бормоқда. Айни вақтда, фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашнинг процессуал механизмларини янада такомиллаштириш лозим;

5) қонунчилик ҳужжатларида юридик техникага оид нормалар салмоғи ортиб бормоқда, айни вақтда, қонун чиқариш жараёнида ҳам *юридик техника* ва *янги қонунчилик технологияларини янада ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда*.

Қонунчилигимиз ривожланишидаги муҳим тенденциялардан яна бири унинг тобора *халқаро ҳуқуқий стандартларга мослашиб* бораётганлигидир.

Жамият ривожланиб боргани сайин давлат ва ҳуқуқ ҳам такомиллашиб боради. Шундай экан, табиий равишда давлат, ҳуқуқ, демократия, ҳокимият, қонун ва бошқа ҳуқуқий ходисалар (институтлар) ҳақидаги фундаментал билимлар ҳам тадрижий тарзда ўзгариб боради. Ҳозирги глобаллашув ва жамиятни модернизациялаш шароитида бошқа юридик фанлар қатори давлат ва ҳуқуқ назарияси фани доирасида ҳам давлат – ҳуқуқий материя хусусида янги билимларни тўплаш ва изоҳлаш жараёни кечмоқда.

Таҳлил этилаётган мавзу доирасида давлат ва ҳуқуқ назариясининг бир қатор долзарб муаммоларига тўхталиб ўтиш муҳимдир. Фан ниҳоятда кенг қамровли, фундаментал бўлганлиги боис мавжуд муаммоларни англаш ва тасаввур этиш қулай бўлиши учун уларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) фундаментал, методологик муаммолар;
- 2) умумназарий муаммолар;
- 3) хусусий-назарий муаммолар.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг долзарб муаммоларини мазкур таснифий гуруҳлаштиришга мос кетма-кетликда баён этамиз.

1. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методологик муаммолари

1.1. Мустақиллик йилларида давлат ва ҳуқуқ назариясининг предметига янги мавзулар қўшилди, хусусан: «ҳуқуқий давлат», «фуқаролик жамияти», «инсон ҳуқуқлари», «давлат ва ҳуқуқнинг социологик ҳамда аксиологик талқини», «ҳуқуқий сиёсат», «юридик конфликтология», «ҳуқуқий жараёнлар ва процедуралар», «суд прецедентини ҳуқуқнинг манбаи деб қабул қилиш», «ҳуқуқий нигилизм ва идеализм», «ҳуқуқий қадриятлар ва ҳуқуқда шахс кадр-қиммати», «ҳуқуқда имтиёз ва рафбат», «юридик антропология» ва бошқалар. Табиийки, мазкур мавзуларни илмий тадқиқ этиш, «ўзлаштириш» вазифаси долзарб бўлиб турибди.

1.2. Давлат ва ҳуқуқни ижтимоий институтлар сифатида, сиёсий тизим элементи, юридик ҳаётнинг марказий воқелиги тарзида, демократик ва маънавий-ахлоқий қадриятлар шаклида талқин этишга бағишланган саъй-ҳаракатлар, илмий изланишлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Бирок, фикримизча, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва мавқеини янада чуқурроқ англашнинг калити *давлат ва ҳуқуқни фалсафий категориялар ва диалектика қонунлари* воситасида таҳлил этишдан иборат. Шубҳасиз, давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларининг ҳар бири-

ни, яъни давлатнинг моҳияти, давлат функцияси, давлат аппарати, давлат сиёсати, давлат ҳокимияти, шунингдек, ҳуқуқнинг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий норма, ҳуқуқий принциплар, ҳуқуқнинг функциялари, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқ бузилиши, қонунийлик, юридик жавобгарлик каби ва бошқа кўплаб институтлар (категориялар)ни фалсафий методологик усул ва воситалар ёрдамида талқин қилиш, илмий тадқиқ этиш янада кенг қўламли ҳамда бой билимлар тизимини яратишга кўмаклашиши шубҳасиз.

Масалан, давлат ва ҳуқуқ моҳиятини фалсафанинг «моҳият» хусусидаги ёндашув ва илмий арсеналидан ҳоли тарзда тўла англаш мушкул. Ёки ҳуқуқда «мазмун» ва «шакл» масалалари, ҳуқуқда «зарурият ва тасодиф» нисбати, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида «инкорни инкор қонуни» қандай амал қилаётганлигини, ҳуқуқий муносабатларнинг самарали амалга оширилишида «воқелик ва имконият» ифодаси, ҳуқуқ бузилиши ва юридик жавобгарликни талқин этишда «қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши» каби фалсафий категория ҳамда қонунлар қандай номоён бўлишини тадқиқ этиш ниҳоятда долзарб масаладир.

1.3. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг марказий масалаларидан бўлган *ҳуқуқ нормаларини яратиш, қонун ижодкорлиги* методологиясини таҳлил этиш ҳам муҳим назарий ва амалий самара беради. Ҳуқуқ ижодкорлигини, унинг асосий шакли бўлган қонун ижодкорлигини диалектик дунёқараш, жумладан, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтиши, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, инкорни инкор қонунлари, шунингдек, яқкалик, хусусийлик ва умумийлик, моҳият ва ҳодиса, система (тузилма) ва қисм, мазмун ва шакл нисбати, сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик каби категориялари орқали талқин этиш мазкур мураккаб ижтимоий ҳодисалар хусусида теран ва бой илмий билим ҳосил қилиш имконини беради. Хусусан, ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги зиддиятлар ҳуқуқ яратувчи орган билан реал воқелик ўртасида, сиёсий тизим демократлашуви билан бозор иқтисоди муносабатлари шаклланиши ўртасида, янгича иқтисодий ривож

ланиш талаблари билан амалдаги ҳуқуқий нормалар ўртасида, давлат қурилишини модернизациялаш билан янги технологиялар суи жорий этилганлиги ўртасида, ҳуқуқий нормаларнинг барқарорлиги билан ҳуқуқ воситасида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг динамикаси (ўзгарувчанлиги) ўртасида, ҳуқуқ нормасида моделлаштирилган хулқ-атвор қондаси билан фуқароларнинг эски, носоғлом одатлари, юриш-туриш стереотиплари ўртасида намоён бўлиши кузатилади.

1.4. Ҳозирги замонда ижтимоий воқеалар жўшқин ривожланаётганлиги, сиёсий ва ҳуқуқий жараёнлар эса, муттасил мураккаблашиб бораётганлиги боис давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларининг илмий таҳлилига *тизимли (системали) ёндашиш* алоҳида долзарблик касб этмоқда. Тизимлилик, системалилик намоён бўлиши жамиятнинг табиий ҳолати ва мавжудлигининг зарурий шартидир. Ижтимоий тизимларни тадқиқ этганда улардаги ички зиддият ва диалектик қарама-қаршилиқ хусусиятларини инобатга олиб иш тутиш лозим¹. Тизимли ёндашув ижтимоий (ҳуқуқий) тадқиқотлар методологиясини яратишнинг энг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Воқеа ва ҳодисаларни тизимли ўрганиш илмий ҳақиқатга эришиш йўлини осонлаштиради.

Давлат-ҳуқуқий муносабатлар ва барча ҳуқуқий воқеликларни системали ўрганиш уларни яхлит тизим сифатида тасаввур этиш имкониятини беради. Давлат ва ҳуқуқни сиёсий тизим ёки ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми, шунингдек ҳуқуқий тартибга солиш механизми (тизими)нинг таркибий бўғини сифатида таҳлил этиш уларнинг илгари англаб етилмаган янги бой ва сержило қирраларини очишга қўмаклашади. Масалан, давлат сиёсий тизимнинг бир элементи бўлиб, бу тизимнинг бошқа элементлари билан институционал, иерархик, функционал ва бошқа ўзаро таъсир ҳамда алоқадорлик муносабатларида бўлади. Айни вақтда, давлатнинг ўзи ҳам турли органлар, муассаса ва ташкилотларнинг мажмуи сифатидаги ягона бир бутун тизим (система) сифатида ягона ва яхлит ҳолда ҳаракатланади. Ушбу

¹ Қаранг: Афанасьев В.Г. Системность и общество. – М.: 1980. – 17-бет.

ёндашув ҳуқуққа ҳам тўла тааллуқлидир. Тизимли таҳлил воситасида давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини статик ҳамда динамик ҳолатларда кенг тавсифлаш мумкин.

1.5. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг методологик муаммолари қаторида давлат ва ҳуқуқ воқеликларини *моделлаштириш* ҳамда зарурият туғилганда сиёсий ва *ҳуқуқий экспериментлар* ўтказиш ҳам муҳим ўрин тутди. Табiiйки, қонун чиқарувчи идора, ҳуқуқ ижодкорлиги субъекти ҳуқуқий нормалар воситасида кўзланаётган ҳуқуқий хулқ-атворнинг модели яратади, жумладан, ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий хулқ-атворнинг модели асосида кечади, деб эътироф этилиши мумкин. Шунингдек, ҳуқуқни кўллаш жараёнида ҳам тегишли хулқ-атвор ва ҳуқуқий тартибга солиш механизми моделлаштирилади. Ана шундай ҳуқуқий моделлаштиришнинг илмий ва социологик жиҳатларини тадқиқ этиш ва ҳаётга жорий этиш амалиётда салмоқли самаралар келтириши мумкин. Кейинги йилларда ҳуқуқий эксперимент ўтказишга эътибор берилаётгани таҳсинга лойиқ¹.

1.6. Давлат ва ҳуқуқнинг талқинига *функционал ёндашув* хануз ўзбек ҳуқуқшунослигининг эътиборидан четда қолиб келмоқда. Анъанавий ёндашувга кўра, давлатнинг ички функциялари ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига боғлиқ ҳолда иктисодий функция, ижтимоий функция, сиёсий функция, маданий-тарбиявий функция, экология функцияси кабиларга ажратилади. Мустақиллик йилларида ҳокимиятлар тақсимланиши принципи конституциявий даражада жорий этилганлиги муносабати билан давлатнинг қонун чиқариш функцияси, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш функцияси, одил судловни амалга ошириш функцияси тарзида таснифлаш муайян мантиқ касб этмоқда. Демак, фанимиз олдида давлат функцияларини таснифлаш мезонларини янада чуқурроқ тадқиқ этиш ва аниқлаш вазифаси турибди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти 2013 йил 20 мартда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида фармойиш қабул қилди.

Гувоҳи бўлганимиздек, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози давлат ва ҳуқуқ функцияларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кун тартибига қўйди. Зеро, давлатнинг банк, кредит, пул тизими устидан назорат функциясини амалга оширишнинг оқилона меъёрларини аниқлаш зарурати келиб чиқди. Давлатнинг бу борадаги функциясини хусусий сектор ихтиёрига ўтказишда ҳам муайян чегара бўлиши лозим экан. Шунингдек, сўнгги йилларда давлатнинг таълим функцияси, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш функцияси, жамиятни ахборотлаштириш ёки замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш функцияси, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш функцияси каби янги функциялари намоён бўлмоқда.

Ҳуқуқнинг функцияси ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этишнинг асосий йўналиши (услуги) сифатида тушунилади. Унга кўра, ҳуқуқнинг динамик, статик ва кўриқловчи функциялари фарқланади. Аммо, *ҳуқуқий тизимнинг функцияси, ҳуқуқий сиёсатнинг функцияси, ҳуқуқий маданиятнинг функцияси, ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг функцияси* тарзида таснифланганда юқоридаги методологик мезон ўзгариб кетиши кузатилмоқда. Ҳуқуқий тизимнинг функционал жиҳатлари таҳлил этилганда унинг таркибий қисмларининг ҳам функционал намоён бўлиш хусусиятларига жиддий эътибор қаратиш лозим. Ҳар бир ҳуқуқий ҳодиса (институт)нинг функционал намоён бўлиши, кенг социологик тадқиқотлар натижалари (маълумотлари) билан асослантирилиши уларнинг илмийлигини таъминлайди.

II. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг умумназарий муаммолари

2.1. Сўнгги йилларда давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг умумназарий арсенали янги категориялар ҳисобига бойимокда. Жумладан, «ҳуқуқий макон», «ҳуқуқий муҳит», «ҳуқуқий майдон», «ҳуқуқий сиёсат», «ҳуқуқий стратегия», «юридик жа-раён», «юридик прогнозлаш», «юридик амалиёт» каби тушун-

чалар фанамиз таҳлил доирасига кириб, унинг илмий аппарати янада ривожлантирмоқда. Уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида диссертация тадқиқоти учун мавзу бўлиши мумкин.

2.2. Мамлакатимиз ҳуқуқий тизимида *рўй бераётган либераллаштириш жараёнлари тенденцияларини*, унинг қонуниятлари ва устувор йўналишларини илмий таҳлил қилиш, шунингдек ҳуқуқ ва қонунчиликнинг барча соҳаларини янада либераллаштириш, инсонпарварлаштириш соҳасида ҳали фойдаланилмаган салоҳият ва янги имкониятларни излаб топиш борасида тадқиқотлар олиб бориш лозим. Ҳуқуқий ислохотлар ва ҳуқуқий сиёсатнинг илмий концепциясини (Давлат дастури) яратиш мақсадга мувофиқ.

2.3. Ижтимоий ҳаётимизда ҳуқуқий ғоялар ва идеаллар норматив тарзда расмийлаштирилган *ҳуқуқий принциплар* сифатида намоён бўлади. *Ҳуқуқий принципларнинг* қарор топиши ва ҳаётий муносабатлар мазмунига жорий этилиши, сингдирилиши ҳамиша долзарблик касб этади. Барча ҳуқуқий принципларни тизимли, комплекс тадқиқ этиш билан бир қаторда, биз учун ўта муҳим бўлган *«ҳуқуқ устуворлиги»* ва *«қонуннинг устунлиги»* принципларининг нисбатини илмий-назарий исботлаш ҳуқуқий тафаккуримизни янги босқичга кўтаради. Шу билан бирга, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашнинг юридик, ижтимоий, ғоявий механизмларини таҳлил этиш ниҳоятда долзарб бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик.

2.4. Пухта ўйланган, оқилона, барқарор ҳуқуқий сиёсат ҳамиша илмий асосланган изчил *юридик прогнозлашга* асосланади. Мамлакатимизда юритилаётган ҳуқуқий сиёсатни тавсифлашда қўйидаги муҳим жиҳатларни қайд этиш мумкин. Қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқувчи субъектларнинг ҳуқуқий сиёсат изчиллигига оид илмий тавсияларга эътиборини кучайтириш ва ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишда юридик прогнозлашдан самарали фойдаланиш зарур. Юридик прогнозлаш (айниқса, ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги прогноз) жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий негизи, ҳуқуқий ходисаларга башорат тарзида баҳо бериш усуллари ва методларини такомиллаштириш долзарб вазифадир.

2.5. Давлат қурилиши соҳасини эркинлаштириш, сиёсий ва ҳуқуқий тизимларни модернизация қилиш, шу жумладан, суд-ҳуқуқий тизимни либераллаштиришнинг илмий асосланган оқилона механизмларини, ҳаётий шакл, усул ва йўлларини излаш, тегишли илмий-назарий ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ўта аҳамиятли вазифадир. Шу билан бирга, давлат бошқарувини янада оптималлаштиришга йўналтирилган *маъмурий ислоҳотларнинг* моҳиятини англаш, бундай ислоҳотнинг илмий асосланган истиқболли дастурини яратиш долзарб масалалар сирасига киради.

2.6. Миллий ҳуқуқшунослигимизда *янги ҳуқуқ соҳалари пайдо бўлаётганлиги даврнинг муҳим тенденциясидир*. Жумладан, сўнгги вақтларда экология ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, банк ҳуқуқи, корпоратив ҳуқуқ каби қатор янги ҳуқуқ соҳалари «шакллантирилмоқда». Бунда баъзан субъективизм устунлик қилиб, ҳар бир ҳуқуқ соҳасини ажратиш ва алоҳида расмийлаштиришда заминдор мезон ҳисобланмиш: «*ҳуқуқий тартибга солиш предмети*» ва «*ҳуқуқий тартибга солиш усули*»ни «ажралиб чиқаётган» янги ҳуқуқ соҳасига татбиқан аниқлашга етарли эътибор берилмаяпти ёки тегишли назарий малака етишмаяпти.

Шунингдек, ҳуқуқшунослигимизда «ҳуқуқ» билан «қонун»ни бир-биридан фарқламаслик ҳолатлари мавжуд. Ундан келиб чиқиб, кўпчилик тадқиқотчилар «*ҳуқуқ соҳаси*» ва «*қонунчилик соҳаси*» ҳодисаларини етарлича фарқламайдилар. Бу назарий уқувсизлик оқибатида баъзи олимларимиз «ҳуқуқнинг комплекс соҳаси» бор, деб даъво қилмоқдалар. Аслида эса, комплекс соҳалар фақат қонунчиликда мавжуд бўлиши мумкин (масалан, транспорт қонунчилиги, капитал қурилиш қонунчилиги ва бошқалар).

2.7. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларига *аксиологик ёндашув*, яъни *қадриятлар тизими* мезонлари асосида баҳо бериш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Қадриятли талқин туфайли давлат ва ҳуқуқнинг янги қирраларини, жамиятни уюштирувчи, ривожлантирувчи жиҳатлари, бунёдкорлик салоҳияти очилади. Шу йўналишда из-

ланишлар олиб бориб, *фуқаролик жамиятига мос ҳуқуқий қадриятлар тизимини* шакллантириш, ҳуқуқнинг (қонуннинг) юсак нуфузли ижтимоий қадрият эканлигини илмий жиҳатдан исботлаш, шунингдек давлат ва ҳуқуққа қадрият тарзида ёндашувчи *юримдик аксиология* илмий йўналишини ривожлантириш лозим. Ҳуқуқни (қонунни) ўрганишнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини теран таҳлил этиш, аҳоли турли қатламлари ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг социологик негизларини мустаҳкамлаш йўллари излаш, сиёсий фаоллик, сиёсий маданият билан ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро нисбатини аниқловчи тадқиқотларни амалга ошириш ҳам муҳимдир.

2.8. Хорижий мамлакатлар юриспруденциясида ҳуқуқ ходисасининг *социологик таълимига* катта эътибор қаратиб келинаётганлиги маълум. Афсуски, мамлакатимиз юриспруденциясида *ҳуқуқ амал қилишининг социал механизми* таҳлилига, ҳуқуқ ижодкорлиги (шу жумладан, қонун ижодкорлиги)ни социологик таъминлаш масалаларига, ҳуқуқни қўллашнинг ижтимоий омилларига лозим даражада эътибор қаратилмаяпти. Ваҳоланки, ижтимоий ҳаёт билан боғламасдан туриб, давлат ходисалари ва ҳуқуқий институтларнинг ҳаракати ҳамда ривожланишини тўла тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, «ҳуқуқий сиёсат социологияси», «қонунчилик социологияси», «ҳуқуқий онгнинг социологик таҳлили», «ҳуқуқий муносабатлар социологияси», «ҳуқуқий тарбиянинг социал жиҳатлари», ҳуқуқбузар шахснинг социал портретини яратиш (профайлинг усулига эътибор қаратиш), «қонунни қўллашнинг социал механизми» каби долзарб мавзулар устида илмий тадқиқот ишларини фаоллаштириш лозим.

III. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг хусусий-назарий муаммолари

3.1. Замонавий *давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қиёфасини тавсифлаш*, давлат ҳокимиятини модернизация қилиш, оптималлаштириш, ҳокимиятни амалга оширишнинг оқилона

механизмларини яратиш фанимизнинг доимий диққат марказидаги жиддий масалалардир. Шу ўринда «ижтимоий давлат» концепциясига ҳам эътибор қаратиш лозим.

3.2. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнларига ҳамоҳанг тарзда «мамлакат аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий-ҳуқуқий онги даражаси ўсиб бориши... юзага келмоқда... Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда»¹, – деб таъкидланди. Кишиларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданияти қанчалик юқори бўлса, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилган ислохотлар шунчалик самарали бўлади. Шу боис аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳамда уни муттасил юксалтириш, янги ҳуқуқий доктринани, ҳуқуқий мафқурани ижтимоий онгга сингдириш шакл ва усулларини илмий-назарий тадқиқ этиш фанимизнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Мазкур вазифаларни ҳал этиш орқали аҳолимизнинг, ҳар бир *шахснинг ҳуқуқий жиҳатдан ижтимоийлашуви*га эришиш мумкин.

Маълумки, жамият аъзоларининг, ҳар бир шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви масалаларини илмий тадқиқ этиш давлат ва ҳуқуқ назарияси олдида турган янги долзарб муаммолардан биридир. *Ҳуқуқий ижтимоийлашув* – шахс (фуқаро)нинг ҳуқуқий тизим фаолиятига, ҳуқуқий муҳитга, ҳуқуқий муносабатларга фаол жалб этилиши бўлиб, унинг жамиятда шаклланган ҳуқуқий кадриятлар ва маданият меъёрларини, намуналарини ва ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор стереотипларини (андозаларини) ўзлаштириши, ҳуқуқий талаблар, қондалар ҳамда принципларни кенг англаши, уларни ўз фаолиятида қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиши жараёнидир.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон». 2010. – 16-бет.

3.3. *Ҳуқуқий тартибга солишининг юридик, социал ва маънавий-руҳий механизмларини* чуқур тадқиқ этиш алоҳида долзарб масаладир. Бу борада, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш ёки ҳуқуқни (қонунни) қўллаш алгоритминини ўрганиш янги назарий билим ва амалий натижалар бериши мумкин.

3.4. *Қонунни амалга ошириш механизминини* такомиллаштириш давлат сиёсати даражасига қўтарилган масала ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари 2015 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида шундай деб таъкидлади: «Ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигинини албатта ўрганишни ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш – бугунги кунда долзарб вазифага айланиши даркор»¹.

Қонунни амалга оширишда самарага эришиш учун «*қонуннинг ички механизми*» ва «*қонунни амалга оширишнинг ташқи механизми*» уйғунлигинини таъминлаш жуда зарур. Қонуннинг ички имеханизми мукамал бўлиши учун ундаги норма (модда) ва қоидалар матнида ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзаро мутаносиблигига эришиш лозим. Унинг ташқи механизми эса, қонуннинг ижросини таъминлаш учун зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, институционал-ташкилий чора ва процессуал механизмлар яратилишининг талаб этади. Бунда, шунингдек, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий (жамоатчилик назорати) ва юридик қафолатларга, ҳуқуқий маданият омилларига таянилади.

3.5. *Ҳуқуқий презумпциялар* фанимиз диққат эътиборидан четда қолаётган муҳим мавзулардан биридир. Масалан, айбсизлик презумпцияси мавзуси нисбатан тадқиқ этилган бўлса, фуқароларнинг ҳуқуқни билиши презумпцияси ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлиги презумпцияси (шунингдек, уларнинг қонунларга мослиги презумпцияси),

¹ Халқ сўзи, 2015 йил 24 январь.

шартномага ихтиёрий амал қилиш ёки мажбуриятни ихтиёрий бажариш презумпцияси каби масалалар ҳали етарли ўрганилмаган. Презумпция ҳуқуқни қўллаш жараёнида юридик аҳамиятли ҳолат (ҳодиса)ларнинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги эҳтимолини англатади.

3.6. Ҳуқуқий ҳаётда, юридик амалиётда учраётган *юридик зиддиятлар*, ўз ҳуқуқий ечимини топмай қолаётган муаммолар ҳамда камчилик (қарама-қаршилик)ларнинг кўлами давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидан «*юридик коллизия*» ва «*юридик конфликт*» категориялари маъно-мазмунини илмий таҳлил этиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Юридик ихтилофлар (коллизиялар) ўхшаш (аналогик) муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги номутаносиблик ёки ҳуқуқни қўллаш жараёнида субъектларнинг ваколатлари ўртасидаги қарама-қаршилик тарзида намоён бўлади.

3.7. Ҳуқуқни амалга ошириш (ҳуқуқнинг ҳаракатланиши) ёки *ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини* ошириш ҳам долзарб муаммо саналади. Бу борада «*ҳуқуқий норманинг самарадорлиги*», «*ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг самарадорлиги*» тushунчалари таърифини ойдинлаштириш, самарадорликни таъминлаш омиллари, воситалари ва усулларини илмий тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

3.8. *Ҳуқуқ нормасининг структураси билан қонуннинг моддаси (нормаси)нинг структураси* ўртасидаги нисбатни таҳлил этиш ҳам давлат ва ҳуқуқ назариясининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Назарий жиҳатдан ҳуқуқ нормаси уч элементдан: гепотиза, диспозиция ва санкциядан иборат деб эътироф этилади. Қонуннинг нормасида эса, бу уч элемент ҳамма вақт ҳам жамулжам ҳолда учрайвермайди. Масалан, Конституциянинг деярли барча нормалари принцип ёки диспозитив норма бўлиб, уларнинг аксариятида гепотиза учрамайди, конституциявий моддаларда аниқ санкция ҳам назарда тутилмаган. Шу боис ҳуқуқ нормаси билан қонун нормаси ўртасидаги диалектик нисбатни илмий тадқиқ этиш катта қизиқиш уйғотади.

Конституциявий ҳуқуқ фанининг долзарб муаммолари. Бу борада кўйидаги долзарб мавзулар ўзининг илмий таҳлилини кутмоқда:

- конституциявий ҳуқуқнинг назарий ва методологик муаммоларини чуқур ва тизимли таҳлил этиш;

- конституциявий ҳуқуқ таркибидан «парламент ҳуқуқи», «конституциявий юстиция назарияси», «муниципал ҳуқуқ», «ўзини ўзи бошқариш назарияси» каби ҳуқуқ соҳалари ва фан тармоқларининг ажралиб чиқишини илмий асослаб бериш;

- конституциявий қонунчилик моҳияти ва структурасини ўрганиш, уни системалаштириш мезонлари ва принципларини илмий таҳлил қилиш;

- конституциявий қонунларнинг ҳаракатланиш механизми (моделли)ни шакллантириш;

- Конституция нормаларини қўллаш амалиётини умумлаштириш ва ҳар бир нормани татбиқ этиш механизмларини илмий жиҳатдан моделлаштириш, конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш;

- конституциявий ҳуқуқ доирасида қиёсий ўрганишга оид тадқиқотларни жонлантириш, дунё конституционализи тажрибаларидан баҳраманд бўлиш, ана шу стандартлар асосида фанимиз муаммоларини таҳлил этишни йўлга қўйиш;

- сайлов ҳуқуқи ва сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилиш;

- конституциявий ҳуқуқда ички системали таҳлиллар йўқ. Масалан, давлат идораларининг ваколатлари ва ҳуқуқий мақоми солиштирма ўрганилмаётир, ижроия органлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатларининг илмий таҳлили, уларнинг қай даражада оқилоналиги ва уйғунлиги эътибордан четда қолмоқда.

- Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий ваколатлари, уларни амалга ошириш механизмлари ва шаклларини таҳлил этиш;

- Бош вазир номзодини кўрсатиш ва ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партиялар иштироки механизмларини ишлаб чиқиш;

- Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш процедура тартибларини мукамал ишлаб чиқиш;

- Ҳукумат устидан Парламент назоратининг ташкилий-ҳуқуқий ва процедура масалаларини тадқиқ этиш.

Давлат қурилиши ва маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги долзарб муаммолар. Давлат бошқаруви соҳасида эркинлаштиришга оид ислохотларни илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида тадқиқотлар деярли олиб борилмаяпти. Бу борада давлат органлари тизимида номарказлаштириш масалалари, бошқарув идоралари (республика ва маҳаллий) функциялари ҳамда ваколатларини оқилона меъёрлаш, уларнинг функцияларини қайта тақсимлаш, уларни марказдан маҳаллий бўғинларга ўтказиш муаммоларини илмий тадқиқ этиш ўз навбатини кутмоқда. Тобора авж олаётган *маъмурий ислохотлар* давлат бошқарувини оптималлаштириш, давлат аппаратини ихчам ва камҳаражат қилиш, давлат хизмати, маъмурий судлов ва маъмурий-процессуал қонунчиликни шакллантириш ҳамда такомиллаштириш муаммоларини долзарб мавзулар қаторига қўшмоқда. Ушбу ва шу каби бошқа муҳим муаммоларни маъмурий ҳуқуқ фани ўз тадқиқотлари қамровига олиши лозим.

Аввало, демократик давлат бошқарув мезонларини белгиловчи принципларни ҳаётга собитқадамлик билан жорий этиб бориш зарур. Булар бошқарувда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши (шу жумладан, давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар ўртасида ваколатларнинг оқилона тақсимланиши), қонун устуворлиги, давлат бошқарувига халқ оммаси ҳамда фқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралиги ва очиклиги кабилардир.

Иккинчидан, давлат бошқарувини модернизация қилиш ва маъмурий ислохотлар самарасини оширишда тегишли ваколатли органлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини (регламентларини) изчил такомиллаштириш алоҳида аҳамият қаб этади. Бундай ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида Маъмурий процессуал кодекснинг, «Маъмурий процедуралар тўғрисида»ги, «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, ижроия ҳокимияти тизимидаги бошқарув билан шуғулланувчи органлар структураси ва функцияларини рационаллаштириш маъмурий ислохотнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бунда давлат бошқарувида мувозий тузилмаларнинг бўлиши ва бир-бирининг функцияларини такрорлашнинг мавжуд бўлишини бартараф этиб бориши талаб этилади. Мазкур иш илмий асосланганлик ва мақсадга мувофиқлик негизда амалга оширилиши лозим.

Тўртинчидан, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини таъминловчи самарали механизмларни яратиш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини фаоллаштириш зарур.

Бешинчидан, маъмурий ислохотларнинг илмий Концепциясини ишлаб чиқиш керак.

Давлат бошқарувини оптималлаштириш, ижроия ҳокимияти тузилмалари фаолияти самарадорлиги мезонларини (талабларини) аниқлаш, уни илмий асослантириш лозим.

Олтинчидан, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усул ва шаклларини илмий таҳлил этиш, амалиётга таклиф ва тавсиялар бериш зарур.

Еттинчидан, давлат бошқаруви тизимида замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, «электрон ҳукуматни шакллантириш», умуман, «Ахборот жамиятини» қарор топтириш муаммоларини тадқиқ этиш, Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ягона тизими ҳаракатланишининг ҳуқуқий ва методологик базасини яратиш устида чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозим.

Албатта, бу борада *ахборот хавфсизлигини* таъминлаш, ахборот алмашинуви муносабатларининг ҳуқуқий режимини кафолатлаш алоҳида эътиборни талаб этади.

Ўзбекистонда ахборот эркинлигини таъминлаш борасида қуйидаги устувор йўналишларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) ахборот тармоқларини ривожлантиришда глобал ҳамкорлик; 2) электрон кутубхоналарни шакллантириш; 3) электрон музейлар ва галереяларни яратиш; 4) атроф-му-

ҳит ва табиий ресурслар электрон базасини яратиш; 5) фавқулодда ҳолатларни электрон бошқариш; 6) соғлиқни сақлашда инфор­мацион технологияларни кенг қўллаш; 7) электрон ҳуку­матни шакллантириш; 8) кичик ва ўрта бизнес учун виртуал бозорни яратиш.

Саккизинчидан, давлат қурилишини эркинлаштиришда давлат бошқаруви органларининг хўжалик юритувчи субъект­лар, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар хусусий фаолия­тига аралашувини чеклаш, унинг меъёр ва мезонларини аниқ­лаш ҳам жиддий таҳлил­талаб мавзудир.

Тўққизинчидан, мамлакат миқёсида «*бошқарув мада­ния­ти*», «*маъмурий маданият*»ни шакллантиришга ҳам ус­тувор аҳамият бериш керак.

Ўнинчидан, давлат бошқаруви органлари билан фуқаро­лик жамияти институтларининг ҳамкорлиги усул ва шаклла­рини такомиллаштириш муҳим.

Ўн биринчидан, давлат бошқаруви органлари томонидан фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг *мурожаатларини кўриб чиқиш* тизимини такомиллаштириш лозим.

Ўн иккинчидан, давлат бошқаруви органлари устидан *жамоатчилик назоратини* таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини ўрганиш зарур.

Ўн учинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқару­ви органлари фаолиятига аҳолини кенг жалб этишда умумий муҳокамалар ва *маҳаллий референдум* институтини илмий таҳ­лил этиш ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, давлат ва ҳуқуқ назариясининг мето­дологик, фалсафий талқин этилишига эътибор қаратиш маз­кур воқеликларнинг янги қирраларини, ҳали илмий таҳлил объектига айланмаган жиҳатларини очиш ва улар хусусида му­камал илғор билимлар ҳосил қилиш, улар билан тафаккури­мизни янада бойитиш имкониятини беради.

Юқорида ҳуқуқшуносликнинг баъзи долзарб муаммолари­га эътибор қаратилди, холос. Аммо, бу билан фанда мавжуд барча илмий ва амалий муаммолар қамраб олингани йўқ. Фа­нимизнинг таҳлил мавзуси ва муаммолари ниҳоятда кенг. Бу

эса, фан фидойиларидан катта сафарбарликни, туганмас кучгайрат ва ташаббусни талаб этади.

Шундай қилиб, ҳозирги шароитда жамиятда рўй бераётган туб ислохий ўзгаришлар туфайли ҳуқуқшунослик фанимиз олдида янги уфқлар очилмоқда. Илмий муаммоларнинг ҳал этилиши эса, ўз навбатида, ижтимоий ҳаёт соҳасида жўшқин ривожланиш имкониятлари кенгайишига олиб келади. Юридик амалиёт билан ҳуқуқшунослик фанининг узвий алоқадорлик диалектикаси ана шундай. Демак, олимларимиз олдидаги асосий вазифа: ҳуқуқшунослик фанининг ижтимоий нуфузи юксак бўлишига, унинг жамият тараққиёти ва мамлакатимиз равнақиға самарали хизмат қилишиға эришишдан иборат. Ҳуқуқшунослик фани ижтимоий ҳаёт қонуниятларини аниқ англашға асосланган ва истиқболға йўналтирилган хулоса ҳамда тавсияларни шакллантириб бера олсағина, ўзининг юксак ижтимоий вазифасини адо этган ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚАДРИЯТЛАР – ЖАМИЯТДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАДАНИЯТНИ ҚАРОР ТОРТИРИШ МЕЗОНИ

Жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси унда қарор топган қадриятлар тизими ва маданият мезонлари мажмуи билан тавсифланади. «Турли жамиятлардаги турфа қонунлар хилма-хил маданиятларга хос теран маърифий хусусиятларни ифода этади ва улар, одатда, ҳуқуқ воситасида мустаҳкамланади»¹. Ижтимоий индивидлар ўзлари ўзлаштирган қадриятлар ёрдамида «адолат» ходисасига баҳо берадилар. Зеро, умуминсоний мартаба касб этган ва конституция даражасида мустаҳкамланган қадриятлар адолат ҳақидаги чинакам, идеал тасаввурларни ўзида мужассам этади. Халқ эътиқоди, ижтимоий тафаккури кашф этган энг нуфузли қадриятлар, ахлоқий мезонлар, адолат давлатнинг Асосий қонун – Конституциясида ўзининг тасдиғини ва норматив ифодасини топади.

Конституция – жамият ҳуқуқий онги, дунёқараши ва тафаккури, маърифий тараққиёт тажрибаси ҳамда ҳуқуқий маданиятининг ҳосиласи, мужассам маҳсулидир. Ҳозирги замон дунё мамлакатларида амал қилаётган конституцияларнинг барчаси уларни ижод этган халқнинг, миллатнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури, маънавияти ва маданияти билан узвий боғлиқ.

Конституция демократик, маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий қадриятларни жамият аъзолари онгига сингдиришда, уларни ҳуқуқий расмийлаштириш ва муҳофазалашда беқиёс роль ўйнайди. Асосий қонун конституциявий қадриятларни муҳофаза этибгина қолмасдан, уларни янги мазмун билан бойитади, барча зоҳирий ва ботиний қирраларини очиш кафолатларини яратади.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

¹ Қаранг: Мурашко Л. Конституционализация как современная тенденция правообразовательных процессов // Конституционное правосудие: Вестник Конференции органов конституционного контроля стран новой демократии. Выпуск 4 (54), 2011, 34-бет.

Табиийки, ҳар бир Конституция ўз мазмунида жамиятнинг, миллатнинг маънавий-маданий қадриятларини, унинг тарихан шаклланган анъаналари, урф-одатлари ва табиатини акс эттиради. Бир сўз билан айтганда, конституциявий қадриятлар жамият маърифий тараққиётининг якуний маҳсули сифатида майдонга чиқади¹. Улар давлатнинг фуқаролари учун умумий ва муштарак бўлган бошқа барча қадриятларнинг ўзагини ташкил этади. Конституция воситасида жамият ва давлат ўзи учун муҳим бўлган қадриятлар ва устуворликларни эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий тизими мазмунини белгилаб бермоқда. Шу билан бирга, у демократия ва адолат принципларини, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, маънавий қадриятларимизнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаган ҳужжат сифатида намоён бўлмоқда. Маълумки, Конституция – халқ манфаати ва иродасини қанчалик тўла акс эттирса, ижтимоий қадриятларни шунчалик кўп қамрайди, улкан салоҳиятга эга бўлади, жамият ривожига рағбат берувчи таъсирчан омилга айланади. Унинг *аксиологик функцияси* айнан мана шунда ифодаланади.

Таъкидлаш жоизки, энг аввало, Асосий қонунимизнинг олий нуфузи, беназир кадр-қиммати шундаки, у инсон бахтсаодати учун яратилиб, унга хизмат қилмоқда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлаш гоёларини ижтимоий онгга сингдирмоқда. Унда давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул экани ҳақидаги асосий қоида мустаҳкамланган (2-модда). Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари

¹ Қаранг: Мурашко Л. Конституционализация как современная тенденция правообразовательных процесс-сов // Конституционное правосудие: Вестник конференции органов конституционного контроля стран новой демократии. Выпуск 4 (54), 2011, 35-бет.

олий кадрият ҳисобланади (13-модда). Зеро, Конституция яратилаётган чоғда унинг ижодкорлари «жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсондир», деган фалсафадан келиб чиқиб иш тутган эдилар.

Конституция шарофати билан ижтимоий онгимизга, ҳуқуқий тафаккуримизга замонавий демократик кадриятлар, принцип ва ғоялар жо бўлмоқда. Булар, энг аввало, суверен давлатчилик ва одил демократик жамият қуриш ғояларидир. Шунингдек, «қонун устуворлиги», «ҳокимият ваколатлари тақсимланиши», «сиёсий плюрализм», «кўппартиявийлик», «инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги ва устувор таъминланиши», «айбсизлик презумпцияси», «хусусий мулк ва унинг қонун билан муҳофазаланганлиги» каби принциплар сиёсий-ҳуқуқий тафаккуримиз маънавий мулкига айланди.

Сарчашма манба сифатида халқ маънавий-маданий кадриятларнинг ижодкоридир. Конституция, унинг принцип ва қоидаларини ҳам ана шундай ижоднинг бевосита самараси, меваси дейиш тўғри бўлади. Бошқа маданий ижодиёт маҳсуллари қатори конституциявий нормалар ҳам шахснинг ўзлигини англаши, ўз салоҳияти ва қобилиятини рўёбга чиқариши, пировардида фаол индивид тарзида майдонга чиқиши ҳамда ижтимоийлашуви учун кўмаклашади. Конституциявий-ҳуқуқий нормалар шахснинг ўз иқтидори ва истеъдодини намоён этишига шароит, яъни мўътадил норматив-ҳуқуқий муҳит яратади. Конституциявий нормалар ўз моҳиятига кўра, миллий маданиятнинг ижтимоий-норматив шаклидир. Уларга қатъий риоя этиш нафақат мустаҳкам ҳуқуқий тартиботни, балки юксак маърифийлик ва маданиятни ифода этади.

Конституциямиздан жой олган қуйидаги ҳуқуқий кадриятларга, ҳуқуқий неъмат даражасига кўтарилган қоидаларга эътибор қаратиш жоиз: «Ўзбекистон – суверен демократик республика» (1-модда); «Ўзбекистон халқининг мақсади – инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш» (Муқаддима); «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади» (2-модда); «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» (4-модда); «Халқ давлат ҳокимиятининг

биридан-бир манбаидир» (7-модда); «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади» (11-модда); «Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» (13-модданинг иккинчи қисми); «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади» (14-модда); «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади» (15-модданинг биринчи қисми); «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар» (18-модданинг биринчи қисми); «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» (24-модда); «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» (25-модданинг биринчи қисми); «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга» (31-модда); Фуқароларнинг Конституцияда эътироф этилган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳар бири алоҳида, айни вақтда, олий ҳуқуқий қадриятдир.

Конституциянинг матни — доимо жамият ва давлат учун энг аҳамиятли, ўта муҳим қадриятлар тўплами бўлиб, унда қонуний расмийлашган қадриятлар, тамойил ва қоидалар давлат мақомига эга бўлиб, ҳам давлат сиёсатининг объекти, ҳам давлат муҳофазалайдиган воқеликка айланади. Конституцияда акс этган қадриятлар улкан тартибга солувчи салоҳиятга эга бўлади.

Ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини муваффақиятли шакллантиришда конституциявий мезонларга мос ҳуқуқий муносабатларни ва тегишли конституциявий маданиятни қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг барқарор конституциявий-ҳуқуқий ри-

вожланишини, пировардида мустаҳкам конституциявий тузум ўрнатилишини кафолатлайди. Жамиятимизда юсак конституциявий тафаккур ва конституциявий маданиятнинг мавжуд бўлиши ижтимоий адолат ҳамда ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга ишончли замин яратади.

«Конституциявий маданият» нисбатан янги ижтимоий категория бўлиб, юриспруденциямизда унинг талқинига ҳозиргача етарли эътибор қаратилмаган. Сўнгги йилларда юридик адабиётларда мазкур ҳодисани ижтимоий аҳамиятли кадрият деб ҳисоблаш, унга илмий изоҳ беришга интилиш куртаклари пайдо бўла бошлади. Жумладан, проф. Г.Г. Арутюнян «конституциявий маданият» жамиятда демократик ҳуқуқий хулқ-атвор қоидаларини ўрнатиш ҳамда кафолатлаш жараёнида тарихан шаклланган, аждодлар ва бутун инсоният тажрибаси билан бойитилган, шу жамият ҳаётининг асосини ташкил этувчи муайян эътиқодлар, тасаввурлар, ҳуқуқий онгнинг кадриятли тизимидир¹, деб таърифлайди. Шу билан бирга, муаллиф таъкидлашча, конституциявий маданият мавҳум тушунча эмас, у қабул қилинган қонунларда ва бошқа норматив ҳужжатларда, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларига риоя этишда, жамият сиёсий тизимининг функционал ҳолатида, сиёсий институтлар ва ҳокимият органлари фаолиятида, уларнинг ўзаро алоқасида, шахснинг ижтимоий статусида, унинг ҳуқуқий лаёқатида (қобилияти ва солоҳиятида) ўзининг аниқ ифодасини топади.

Россиялик олим В.А. Кряжковнинг фикрига кўра, конституциявий маданият жамият конституциявий ҳаётининг муайян сифат ҳолати бўлиб, унда конституциявий кадриятларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланишнинг меъёри экс этади. Мазкур тушунча конституциянинг ривожланиш даражасида, қонунчиликнинг, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг, ҳуқуқий онгнинг конституциялашуви ҳолатида, шунингдек инсон ва фуқаролар

¹ Арутюнян Г.Г. Роль конституционной диагностики в обеспечении устойчивости общественного развития // Конституционное правосудие (Вестник Конференции органов конституционного контроля стран молодой демократии). 2010. № 4 (50). – 24–42-бетлар.

асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланишида намоён бўлади¹.

Конституциявий маданиятнинг адабиётлардаги тавсифи таҳлили асосида унинг қўйидаги белги ва хусусиятларини этироф этиш мумкин:

биринчидан, конституциявий маданият умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида унинг бошқа турлари, яъни иқтисодий, сиёсий, диний, маънавий ва бошқа кўринишлари билан узвий алоқадор;

иккинчидан, конституциявий маданиятни шакллантирмай туриб, жамиятда конституционализмни, мустаҳкам конституциявий тузумни қарор топтириш мумкин эмас. Конституционализм давлат ва жамият ҳаётининг Конституция асосида қатъий ташкиллаштирилганлигини назарда тутати. Маълумки, конституционализмнинг асосий белгилари: қонун устуворлиги, давлат тузуми ва сиёсий режимнинг конституциявий меъёрланганлиги, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий тан олинганлиги, фуқаро билан давлат ўзаро алоқаларининг ҳуқуқий характерга эгалигидан иборат;

учинчидан, инсон ҳуқуқларининг кафолатланганлик даражаси конституциявий маданият ҳолатининг асосий кўрсаткичидир². Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликларига устуворлик берилиши конституциявий маданиятнинг муҳим тавсифий белгиси бўлиб, шахснинг жамиятдаги мавқеини, ҳуқуқий мартабасини англашга кўмаклашади;

тўртинчидан, конституциявий маданият демократик ҳуқуқий давлат барпо этилишининг муҳим шарти бўлиб, у аввало, жамият ривожланишининг замонавий стандартларини қарор топтиришга, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий сиёсатни амалга оширишга, фуқа-

¹ Кряжков В.А. Конституционная культура в зеркале правосудия Конституционного суда РФ / журн. Конс. правосудие. 2008. № 3. – 38-бет.

² Қаранг: Воронович Т.В. Конституционная культура: роль конституционного правосудия в ее формировании // Вестник Конституционного суда Республики Беларусь, 2011, № 2, – 109-бет.

роларнинг давлат ишларида иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади;

бешинчидан, конституциявий маданиятда нафақат ҳуқуқий норматив ва маънавий, балки, сиёсий-меъёрий жиҳатлар, юридик фаолиятнинг ижобий натижалари, шунингдек, одамлар ва улар жамоалари учун ижтимоий-ҳуқуқий фаолият намуналари (мўлжаллари) ифодаланadi.

Конституциявий маданиятни илмий таснифлаш нуқтаи назаридан *конституциявий-сиёсий маданият* ва *конституциявий-ҳуқуқий маданият* турларига ажратиш мумкин.

Конституциявий-сиёсий маданият жамият умумий сиёсий маданиятининг олий кўринишидир. Ўз навбатида, сиёсий маданият сиёсий фаолият маданияти деб таърифланиши мумкин. Ушбу фаолиятнинг асосий мақсади – ижтимоий-сиёсий муносабатларни (шу жумладан, давлат бошқаруви муносабатларини), бинобарин, бутун жамиятни ижобий йўналишда ўзгартиришдан иборат. Сиёсий маданият жамият сиёсий тизимининг таркибий қисми бўлиб, у сиёсат (сиёсий ҳаёт) субъектларининг ўзаро муносабатларини, уларнинг онглилиги, фаоллиги ҳамда у ёки бу сиёсий ҳаракатларга тайёрлик даражасини, муайян масъулиятни зиммага олишга қобиллигини қамраб олади. Сиёсий маданият сиёсат соҳасидаги маънавий-амалий фаолият, шунингдек сиёсий билимлар, кадриятлар, сиёсий онг ифодаси ва сиёсий хулқ-атворни рўёбга чиқариш усули сифатида талкин этилади¹. Сиёсий маданият одамларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларни ўзгартириш ва такомиллаштириш борасидаги реал фаолияти ҳамда бу фаолиятнинг сиёсий кадриятлар, нормалар ва институтларда моддийлаштирилган ва мустаҳкамланган натижалари бирлигидир².

Юқоридаги мулоҳазалар асосида конституциявий-сиёсий маданиятни жамият ва давлат аҳамиятига молик сиёсий муносабатлар субъектларининг Асосий қонунда мустаҳкамланган сиёсий принциплар, кадриятлар, нормалар асосида фаолият

¹ Қаранг: Одилқориев Х.Т. Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. – Т.: 2004, – 51-бет.

Ўша манба. – 61-бет.

юритиши, жамият ва давлат бошқарувида иштирок этиши ҳамда қарор қабул қилиш қобиляти замирида намоён бўладиган сиёсий хулқ-атвор сифатида таърифлаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, конституциявий-сиёсий муносабатлар мамлакатда сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнида юзага келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддалари сиёсий институтлар, манфаатлар ва фикрлар хилма-хиллигига бағишланган (12-модда); ҳокимият халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилади (7-модда); жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилиши мумкин (9-модда); давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади (14-модда). Ушбу ва бошқа моддалар конституциявий-ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил этувчи институтларни, кадриятларни, принципларни, нормаларни мустаҳкамлайди ва ифода этади.

Халқ маънавий-маданий кадриятларнинг ижодкоридир. Конституция, унинг тамойиллари ва қоидалари ҳам ана шундай ижоднинг бевосита самараси, дейиш тўғри бўлади. Бошқа маданий ижодиёт маҳсуллари қатори конституциявий нормалар ҳам шахснинг ўзлигини англаши, ўз салоҳияти ва қобилятини рўёбга чиқариши, пировардида фаол индивид тарзида майдонга чиқиши ҳамда ижтимоийлашуви учун кўмаклашади. Конституциявий-ҳуқуқий нормалар шахснинг ўз иқтидори ва истеъдодини намоён этишига шароит, яъни мўътадил норматив-ҳуқуқий муҳит яратади. Конституциявий нормалар ўз моҳиятига кўра, миллий маданиятнинг, халқ маънавиятининг ижтимоий-норматив шаклидир. Уларга қатъий риоя этиш нафақат мустаҳкам ҳуқуқий тартиботни, балки юксак маданиятни, маърифийликни ифода этади.

Конституция ижтимоий онгнинг ижодий маҳсули ҳамда халқ маънавий мулки сифатида маданий алоқалар ва қоидалар тизимида алоҳида маънавий ҳамда ижтимоий кадрият тарзида намоён бўлади. Унинг амал қилиши натижасида жамиятда муайян конституциявий-ҳуқуқий маданият шаклланади.

Конституциявий-ҳуқуқий маданият жамият умумий ҳуқуқий маданиятининг муҳим таркибий қисми, унинг алоҳида шакли тарзида майдонга чиқади. Айни вақтда, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шу жамиятда ҳаракатда бўлган қонунлар билан, айниқса, Асосий қонун – Конституция билан, бевосита алоқадорликда намоён бўлади. Давлатимиз раҳбари ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти борасида қўйидаги методологик фикр-ни таъкидлаган эди: «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир»¹.

Конституциявий-ҳуқуқий маданият нафақат конституциявий нормалар мазмунида ёки моддий предмет ва рамзларда (байроқ, герб, мадҳия), балки давлат ҳокимияти идоралари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг тегишли хулқ-атворида ҳам намоён бўлади. Конституциявий ҳуқуқ субъектларининг конституция нормаларига муносабатида, уларга оғишмай қатъий риоя этишида муайян маданият акс этади. Бу конституциявий-ҳуқуқий маданият бўлиб, у жамият умумий ҳуқуқий маданиятининг негизини ташкил этади.

Конституциявий-ҳуқуқий маданиятнинг турли жиҳатлари (норматив асоси, ахлоқий жиҳати, ижтимоий-социологик ва ижтимоий-руҳий ва ҳоказо) ҳақида сўз юритиш мумкин. Бироқ, бу ўринда фақат унинг хулқ-атвор, кишилар ҳамда ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида, Конституциянинг реал ҳаракатланиши ва ҳаётга жорий этилиши ҳақида фикр юритилмоқда.

Конституция ҳуқуқ ва эркинликларимизнинг кафолати, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг замини бўлишдан ташқари, жамият аъзоларида янгича ҳуқуқий дунё-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятни ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 27-бет.

қараш, илғор ҳуқуқий тафаккур, демократик конституциявий маданият ва юксак онглиликни қарор топтиришнинг сарчашма булоғи сифатида майдонга чиқмоқда. Конституциямизнинг ҳар бир нормаси ўз мазмунига кўра, халқимизнинг қадимий бой маданияти ва маънавиятига бевосита ёки билвосита алоқадордир. Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, Асосий қонунимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий кадр-қиммати унинг инсон ва жамият манфаатларига тўла бўйсундирилганлигида, шунингдек, халқимизнинг бой маънавий дунёсини, ички руҳияти, менталитетини акс эттира олганлигида, унинг ўзига хос ахлоқий фазилатларини, миллийлигини ифода эта олганлигида намоён бўлади.

Жамиятда юксак конституциявий маданиятни шакллантириш катта аҳамиятга молик. Асосий қонунимизда белгиланган нормаларнинг ҳаётда амалий ифодасини топишида, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида кенг ҳуқуқий билимга эгаллиги, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги муҳим роль ўйнайди. Шуни айтиш керакки, фақат ҳуқуқий билимли бўлишнинг ўзи етарли эмас, шу билан бирга эгаллаган билимларни ҳаётда қўллай олиш маданиятини ҳам ёшларда тарбиялаб бориш лозим. Чунки, ҳуқуқий билим ва уни амалда қўллаш маданияти фуқароларимиз ҳуқуқий-маънавий қиёфасини белгиловчи муҳим мезондир.

Маълумки, конституциявий маданиятнинг субъектлари (соҳиблари) сифатида жамият, давлат органлари, мансабдор шахслар (масалан, судьялар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари), сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, ижтимоий ва касбий гуруҳлар ҳамда фуқаролар майдонга чиқадилар. Конституциявий муносабатлар иштирокчиларининг ушбу тоифаларига мувофиқ: конституциявий маданиятни қўйидаги турларга ажратиш (таснифлаш) мумкин: жамиятнинг ялпи конституциявий маданияти, давлат органларининг конституциявий маданияти, мансабдор шахсларнинг конституциявий маданияти, фуқаро (шахснинг)ларнинг конституциявий

маданияти. Албатта, ушбу маданият турлари бир-бирига таъсир кўрсатади, ўзаро бир-бирини тўлдиради, айтилган вақтда, уларнинг ҳар бирининг ўз ривожланганлик ва етуклик даражаси мавжуд.

Юқоридаги субъектлар талқинида ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг конституциявий маданиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, улар Конституция қоидалари ва унинг асосидаги қонунларни ҳаётга жорий қилиш орқали фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита амалга ошишини таъминлайдилар. Айтилган мана шу фаолиятда юқори савиядаги конституциявий маданият зарур. Айтилган шу тоифа муносабатларда ижтимоий адолат таъминланиши, кенг маънода қараганда бутун жамиятда конституциявий барқарорлик, сиёсий-ҳуқуқий тартибот таъминланиши лозим.

Т.В. Вороновичнинг таъкидлашича, конституциявий маданият Конституцияга мослик, конституциявий қадриятлар, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги билимларнинг оддийгина йиғиндиси эмас, балки бу билимларга муносабатдир: яъни, улар ҳаёт ва фаолиятнинг регуляторига (тартибга солувчи омилига) айландими ёки йўқми? Мана шу билимларга (маънавий бойликка – таъкид бизники – О.Х.) ижобий муносабат шакллансагина, конституциявий маданият мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин. Чунки, конституциявий маданият инсон ва жамият ҳаётида ижодий ва тартибга солувчи роль ўйнайди¹. Келтирилган иқтибосдан конституциявий маданият асосини юксак ривож топган конституциявий-ҳуқуқий онг ташкил этади, деган хулосани чиқариш мумкин. Шу билан бирга, жамият аъзоларида, давлат органлари ва фуқаролик жамияти тузилмаларида муайян конституциявий тафаккур, конституциявий дунёқараш қарор топиши лозим.

¹ Қаранг: Воронович Т.В. Конституционная культура: роль конституционного правосудия в ее формировании // Вестник Конституционного суда Республики Беларусь, 2011, № 2, 103-бет.

Жамиятда илғор конституциявий маданиятнинг шаклланишида, бир томондан, конституция нормаларини қўлловчи органлар, шахслар, ижтимоий тузилмаларнинг рисоладагидек фаолияти, иккинчи томондан, Конституциянинг муҳофазасини таъминловчи махсус орган Конституциявий суднинг фаолияти алоҳида ўрин тутаети. Конституциявий суд ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг ҳаётга жорий этилишини таъминлашда алоҳида роль ўйнайди. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги низоларни, зиддиятларни ҳал этишга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш орқали ижтимоий муросаи-мадорани, келишувни, қолаверса, мамлакатда сиёсий барқарорлик ва тинчликни таъминловчи орган, конституциявий қадриятлар ҳимоячиси ва конституциявий тузум қарор топишининг кафили сифатида намоён бўлади. Конституциявий суд қонунларнинг, Олий Мажлис палаталари қарорларининг, Президент фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон халқаро шартномаларининг Конституцияга мослигини аниқлаш юзасидан хулосалар ҳамда конституция ва қонунларнинг нормаларига шарҳ беради, ёхуд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, қонунни такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар киритади. Бу фаолият жамият ва фуқаролар онига, хулқ-атворида муайян таъсир кўрсатиб, жамиятда, давлат органлари фаолиятида тегишли конституциявий маданиятни шакллантиришга кўмаклашади.

Бу ерда гап Конституциявий суднинг қарорлари асосида демократик конституциявий қадриятларни мустаҳкамлаш, уларни ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнларига синдириш ҳамда шу йўл билан жамият ва давлат ҳаётини конституциявий меъёрларга мослаштириб бориш ҳақида бормоқда. Албатта, бу иш конституциявий одил судловга хос воситалар (усуллар) ёрдамида амалга оширилади. Ҳозирги жамиятни модернизациялаш жараёнлари ва суд-ҳуқуқ ислохотлари нафақат умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларига тааллуқли, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди-

нинг ҳуқуқий ҳолатини ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида конституциявий одил судловнинг такомиллаштирилишини ҳам назарда тутати¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ўзининг Конституция ва қонунда мустаҳкамлаб қўйилган барча ваколатларини собитқадамлик билан амалга ошира бориб, Асосий қонунимизда акс этган конституциявий-ҳуқуқий сиёсатни, конституциявий таомил ва демократик кадриятларнинг ҳаётга изчил жорий этилишида ижтимоий-ҳуқуқий онг ва конституциявий маданиятни янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиз. Конституциявий суднинг ҳуқуқий тўхтам ва позицияси давлат органларининг конституция мезонлари доирасида фаолият юритишга, конституция қоидаларини қўллашда масъулиятли бўлишга ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳурматлашга ўргатади.

Шундай қилиб, жамият аъзоларини конституциявийлик руҳида тарбиялаш, уларни ижобий-ҳуқуқий хулқ-атвор ва конституциявий маданият соҳибларига айлантириш нафақат Конституцияга чексиз ҳурматни шакллантиради, балки илғор ижтимоий тараққиётнинг гарови бўлиб хизмат қилади. Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги муносабатлар конституциявий бўлишини, конституциявий қонунчилик қарор топишини таъминлайди. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг конституциявий маданиятини шакллантиради.

Конституцияда мустаҳкамлаб ва муҳраб қўйилган ҳуқуқий қоидалар ҳамда маънавий-ахлоқий кадриятлар пировардида инсон шахсини улуғлаш, унинг эмин-эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга йўналтирилгандир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «... Чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон кадрини билиши, ўз миллий кадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш,

¹ Мирбобоев Б. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги устидан суд назорати. / Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси, 16-сон. – 2006. – 21-бет.

мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин...» Ана шундай инсонлардан ташкил топган, «юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди, ўзининг эзгу мақсадларига етади, албатта»¹.

¹ Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Т.: 2008. – 16–17-бетлар.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙЛИГИ ПРЕЗУМПЦИЯСИ

Жамиятда конституциявийлик, қонунийлик ва демократия муҳити асосида қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим талабларидан биридир. Конституция ва қонуннинг устуворлиги орқали ижтимоий ҳаётга, унинг барча соҳаларига, мавжуд сиёсий институтларга ҳуқуқнинг руҳи, олий ҳуқуқий ва конституциявий қадриятлар жо бўлади. Бу пировардида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли кафолатлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлигини таъминлаш гарови бўлиб хизмат қилади.

Конституция ва қонуннинг устунлиги – уларнинг жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим жиҳатларини (ўта аҳамиятли муносабатларни) тартибга солишда ҳукмронлигига эришишни, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча субъектлари конституциявий қоидалар ва қонунлар нормаларига қатъий бўйсунини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида мамлакатимизда Конституция ва қонунларнинг сўзсиз тан олиниши принципи мустаҳкамланган. Унга кўра давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари талаб этилади.

Конституция ва қонунлар устунлиги тамойилининг жиддий талабларидан яна бири шундаки, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (16-модда). Ушбу модда барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг *конституциявийлигини* таъминлашни, яъни уларнинг Конституцияга тамомила мос бўлиши лозимлигини назарда тутади.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

Давлат, давлат органлари фаолиятининг ва ижтимоий-сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари фаолиятининг ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг «*конституциявийлиги*», яъни «*Конституцияга мослиги*» категорияси ҳуқуқшунослик фани ва юридик амалиётнинг долзарб мавзусидир. Қўплаб хорижий мамлакатларнинг конституцияларида (масалан, Япония, Германия, Миср, Россия Федерацияси, Беларусь ва бошқ.) «конституциявийлик» деган фундаментал ҳуқуқий категория кенг қўлланилади.

Ушбу категория мамлакатимиз қонунчилигида ҳам эътироф этилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида унинг устуворлигини таъминлаш учун тузиладиган Конституциявий суд, унинг ваколатлари ҳақидаги моддалар мавжуд. Уларда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради (108-модда). Асосий қонуннинг 109-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳуқуқнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Бу нормаларда қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг «Конституцияга *мослиги*, ... *мувофиқлиги*» иборалари қўлланилган. Айнан шундай нормалар «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида ҳам такрорланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар «Конституция асосида» қабул қилиниши ҳақидаги формула қўлланилган (7, 9, 10 ва бошқ. моддалар).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Регламентининг 6-моддаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги презумпцияси» деб номланган. Бу нормада қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги Конституциявий суд фаолиятининг ва мамлакатдаги тегишли ҳуқуқ ижодкорлигини амалга оширувчи субъектлар фаолиятининг асосий принципларидан бири сифатида эътироф этилган. Шунингдек, проф. А. Тиковенконинг фикрича, «конституциявийлик» конституциявий назоратнинг асосий принципи сифатида ҳам майдонга чиқади.

Хорижий давлатлар конституциялари ва конституциявий судлар тўғрисидаги қонунларнинг тахлили шуни кўрсатадики, уларда «конституциявийлик» тушунчасига таъриф ва изоҳ берилмайди. Балки, бу тушунча остида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослиги ифода этилади. Масалан, Эстония Республикасининг 1999 йил 5 майдаги «Конституциявий назорат тартибидаги суд ишини юртиш тўғрисида»ги Қонунида «конституциявийлик» категориясининг моҳиятига оид қўйидаги қоида мавжуд: «Давлат суди ҳар қандай қонун ёки бошқа ҳуқуқий актни агар у «Конституциянинг руҳи» ва ҳарфига қарама-қарши бўлса, тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиши мумкин» (77-модда). «Конституциянинг руҳи» тушунчаси конституциявий назоратни амалга оширувчи судга қонунларнинг конституциявийлигини аниқлаш мезонларини белгилашда кенг эркинлик беради.

«Конституциявийлик» иборасининг аҳамиятини ифодалашда баъзи давлатлардаги Конституциявий судлар тўғрисидаги қонунлардаги судьянинг қасамёд матни ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари қўйидагича қасамёд қилади: «Конституциявий суднинг судьяси вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришга, конституциявий тузумни ҳимоя қилишга, бунда фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунушга тантанали қасамёд қиламан» (13-модда). Айнан шундай норма «Молдова Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунда ҳам мавжуд. Бу ўринда «конституциявий тузумни ҳимоя қилиш»

мажбурияти «конституциявийликни таъминлаш» маъносини англатади, деб хулоса қилиш мумкин. Литва Республикаси Конституциявий судининг судьялари юқоридаги мажбуриятдан таш-қари, Конституциянинг устунлигини таъминлашга ҳам ваъда берадилар (7-модда). Озарбайжон Конституциявий судининг судьялари, шунингдек, ишларни ҳуқуқ ва адолат асосида кўришга қасамёд қиладилар (тегишли Қонуннинг 8-моддаси)¹.

Беларусь Республикаси Конституциясининг 116-моддасига кўра, «давлатнинг норматив актлари конституциявийлиги устидан «контроль» Конституциявий суд томонидан амалга оширилади». Ушбу модданинг тўртинчи қисмида «конституциявийлик» тушунчасининг куйидагича изоҳи берилади: давлатнинг барча норматив-ҳуқуқий актларининг Конституцияга мослигини (мувофиқлигини) аниқлаш унинг конституциявийлигини белгилаш ҳисобланади. Франциянинг «Бешинчи Республика институтларини модернизация қилиш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни (23 июль 2008 йил) мамлакат Конституциявий Кенгашининг ваколатларини анча кенгайтирди. Унга кўра, конституциявийлик қонуннинг фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларга мувофиқлиги тарзида тушунилади. Россия Федерацияси Конституциясининг 125-моддаси Конституциявий суд ваколатларига бағишланган бўлиб, унда «Конституцияга мослик» ва «конституциявийлик» тушунчалари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига оид аниқ ишларни кўришда бир маънода қўлланилади².

Г.А. Василевич «конституциявийлик»ни интеграциявий (умумлаштирилган) тушунча деб изоҳлаб, унинг мазмунига ҳуқуқнинг устунлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги халқ ҳокимиятчилиги, ҳокимиятлар тақсимланиши, сиёсий плюрализм, иқтисодий фаолият эркинлиги каби асосий

¹ Қаранг: Тиковенко А. Критерии конституционности нормативных правовых актов на современном этапе. / Вестник Конференции органов конституционного контроля стран молодой демократии. Выпуск 1(47) 2010. – 5–6-бетлар.

² Ўша жойда, – 6-бет.

кадриятларни киритади. Яна «конституциявийлик деганда, биз амалий конституциявий муносабатларнинг демократик конституция матнига мувофиқлигини тушунамиз», дейди¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Регламентининг 6-моддасида мазкур тушунча аниқ ва юқоридаги маъноларни ўзига жо қилган ҳолда ифодаланган: «Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг конституциявийлиги презумпциясига асосланади».

Хўш, «презумпция» нима, унинг илмий талқини ва таърифи қандай?

Юридик адабиётларда «ҳуқуқий презумпциялар» категорияси мавжуд. Презумпция ҳуқуқини қўллаш жараёнида юридик аҳамиятли ҳолат (ҳодиса)ларнинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги эҳтимолини англатади. Конституциявийлик презумпциясига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар мавжуд². «Презумпция» (лотинча – praesumptio сўзидан олинган) – тахмин, эҳтимол, акси исботланмагунча ишончли деб тан олиш, деган маъноларни англатади. Ушбу атамани тавсифлашда илмий ёндашувга амал қилиб, мантик ва фалсафанинг билиш жараёнларига оид эҳтимолий ҳисоблашни назарда тутиш лозим. Фалсафа позициясидан презумпция таърифига ёндашган Н.Ф. Качур презумпцияни эмпирик қонунларга асосланган индуктив ақлий хулоса чиқариш деб ҳисоблайди. Масалан, С.А. Мосин Россия Федерацияси Конституциясининг 15-моддасига таяниб, Россия Федерацияси ҳудудида қабул қилинган

¹ Қаранг: Василевич Г.А. Комментарий к Закону «О нормативных правовых актах Республики Беларусь» / Г.А.Василевич. – Минск: Книжных Дом, Интерпрессервис, 2006. – 466-бет.

² Сивицкий В. К вопросу о вариативности формулы итогового решения Конституционного Суда. / Вестник Конференции органов конституционного контроля стран новой демократии. Выпуск 4(58) 2012. – 86-бет.

барча норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари то бунинг акси исботланмагунча, Россия Федерацияси Конституциясига мувофиқ, деб эҳтимол тутилишини конституциявийлик презумпцияси деб ҳисоблайди¹.

Норматив ҳужжатларнинг конституциявийлиги презумпцияси тушунчасининг маъноси шундаки, мамлакат ҳудудида амал қилаётган қонун ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг барчаси то ўрнатилган процессуал тартибда кўрилиб, таҳлил (тафтиш) этилиб, уларнинг тўла ёки бирор қисмининг конституцияга зид эканлиги аниқланиб, исботланмагунига қадар мазкур ҳужжатлар конституциявий, яъни Конституцияга мос деб эҳтимол тугилади. Қачонки, бирон-бир норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг Конституция қоидалари ва нормаларига зидлиги, номувофиқлиги ўрнатилган тартибда, масалан, Конституциявий суд назорати тартибида аниқланса, бу ҳолатда тегишли юридик оқибатлар келиб чиқади. Яъни, мазкур қонун ёки бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар ғайриконституциявий деб эълон қилинади, у бекор қилинади ёки ҳаракатдан тўхтатилади.

В. Сивицкийнинг фикрича, норматив ҳужжатнинг конституциявийлиги презумпциясининг аслида Конституциянинг ҳукмронлиги принципи каби умуммажбурий қоидаларни ўрнатувчи хуқуқий нормалар тизими эканлиги тавсифидан келиб чиқиб, «ҳужжатнинг тўғрилиги» презумпциясининг таркибий элементи ҳисобланади². Амалиётда норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги презумпциясини инкор этиш фақат Конституциявий суднинг ваколатига киради, деб эътироф этилади. Шунга кўра, қонун ва бошқа хуқуқий ҳужжатларнинг Конституциявий суд томонидан амалга ошириладиган шарҳи конституциявийлик муаммосига эътибор қаратишнинг устувор шакли ҳисобланади.

¹ Мосин С.А. Презумпции и принципы в конституционном праве Российской Федерации. – М.: 2009. – 12–20-бетлар.

² Сивицкий В. К вопросу о вариативности формулы итогового решения Конституционного суда. / Вестник конференции органов конституционного контроля стран новой демократии. Выпуск 4(58) 2012. – 86-бет.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги презумпциясининг жуда муҳим бир жиҳати бор. Башарти, у ёки бу норматив-ҳуқуқий ҳужжат (ёки унинг бирор қисми) Конституцияга зид ёки ғайриконституциявий ёхуд Конституцияга мувофиқ эмас деб топилса, бу ҳолда шу ҳужжатга боғлиқ ҳолда баҳс юритилаётган инсон ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш ёки таъминлаш имконияти ортади. Бошқача айтганда, инсон ҳуқуқларига путур етказаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ғайриконституциявий деб топилса, у бекор қилинади, демак, инсон ҳуқуқларини таъминлашга йўл очилади.

Конституциявий суд кўриб чиқиладиган, конституциявийлиги шубҳа туғдирган аниқ масалалар юзасидангина тўхтамга келади.

Конституциявий суд норматив ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириб, бир вақтнинг ўзида текширилган норматив ҳужжатга асосланган ёхуд унинг қоидаларини такрорлайдиган норматив ҳужжатлар хусусида ҳам, гарчи, Конституциявий суд қараб чиқиши учун киритилган масалада улар хусусида сўз юритилмаган бўлса-да, тўхтамга келиши мумкин.

Давлатлараро шартноманинг ва норматив ҳужжатнинг конституциявийлиги юзасидан кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича Конституциявий суднинг тўхтами қарор деб аталади. Қарорлар Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари, ҳулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Конституциявий суднинг тўхтами у матбуотда эълон қилинган пайтдан кучга киради.

Конституциявий суд Регламентининг 25-моддасига мувофиқ, Конституциявий суднинг қарорлари барча давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Бу талаб Конституциявий суднинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги хусусида чиқарадиган қарорига ҳам тўла тааллуқли.

Шундай қилиб, Конституциявий суд томонидан муайян қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ноконституциявий деб топилиши натижасида Конституциявий суднинг махсус ҳулосаси асосида тегишли ҳуқуқий ҳужжат бекор қилинади ё ҳаракатдан тўхтатилади. Давлат органи ва ташкилотларнинг мазкур ноконституциявий норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида чиқарган қарори ва бошқа ҳужжатлари ҳам бекор қилиниши лозим. Конституциявий суднинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ноконституциявийлиги муносабати билан чиқарилган ҳулосаси барча давлат органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, фуқаролар томонидан бажарилиши шарт ҳисобланади. Агар ҳулосада тегишли норматив ҳужжатларни бекор қилиш мажбурияти ваколатли давлат органлари зиммасига юклатиладиган бўлса, мазкур топшириқ, албатта, ижро этилиши шарт. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги презумпцияси ниҳоятда муҳим юридик институтдир. У мамлакат ҳуқуқий тизимида, шу жумладан, қонунчилик тизимида батартиблик ва ички ўзаро мутаносиблик ҳукм суришига, пировардида барча жабҳада Конституциянинг сўзсиз устуворлиги таъминланишига хизмат қилади.

СИСТЕМАТИЗАЦИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА И КОНЦЕПЦИЯ ПРАВОТВОРЧЕСКОГО ПРОГНОЗИРОВАНИЯ

Известно, что проблема обеспечения системности действующих нормативных правовых актов занимает важное место в функционировании и эффективности действия правовой системы. Идея создания четко скорректированной системы законов, иных нормативных правовых актов как условия достижения стабильности и порядка становится повседневной задачей деятельности законодательных органов. Основным средством систематизации законодательства является правотворчество – легитимная форма деятельности уполномоченных субъектов государственной власти и управления по введению, изменению, прекращению действия юридических норм. Следовательно, можно сделать вывод о том, что правотворческий процесс решает в качестве производной функции задачу систематизации законодательства.

Осуществление систематизации законодательства в правотворчестве – это одна из форм, особенность которой заключается в том, что она осуществляется в текущем правотворческом процессе, по отношению к текущим законам, не требующим применения специальной юридической техники (кодификация, консолидация) и специальных процедур принятия нормативного акта. Хотя систематизацию законодательства в правотворческом процессе не принято выделять в самостоятельную форму систематизации, она является распространенной и реально применяется в правотворчестве¹. Часто эту деятельность не отделяют от законодательного процесса либо относят к юридической технике. По нашему мнению, систематизация законодательства в правотворчестве есть вполне самостоятельная форма, значение которой не меньше, чем кодификация. Системати-

* Доктор юридических наук

¹ Авдеенкова М.П. Кодификация законодательства России: проблемы и перспективы // Фемис: Ежегодник истории, права и правопедения. – М.: 2002. – Вып. 3. – С. 83–94.

зация законодательства в ходе принятия новых законов, внесения изменений, дополнений в действующие, либо в результате отмены действия законов. Здесь естественно возникает необходимость определения системных связей действующих актов, приведение всей системы законодательства в состояние системности с учетом нового закона. Фактически уже в правотворческой деятельности решаются задачи, которые решаются посредством и других видов систематизации. Распространение информационно-коммуникативных технологий повлияло на возникновение новых форм — электронной систематизации.

В настоящее время в законодательной деятельности на первый план должно выдвигаться представление о стратегии активной, созидательной правотворческой деятельности. В последнее время слово «стратегия» стало активно использоваться в современном праве, теории законодательной деятельности, социально-правовой футурологии¹. Дело в том, что в современной правотворческой деятельности одна из главных задач заключается в том, чтобы не просто предвидеть правовое будущее, но и создавать желаемое будущее, конструировать будущее, направлять развитие правовой системы в русло предпочитаемой и осуществимой тенденции развития.

Как справедливо отметил Глава нашего государства И.А. Каримов, законодатель должен действовать на основе «глубоко и всесторонне проработанной, рассчитанной на долгосрочную перспективу программы законотворческих работ, тесно увязанной с потребностями, ходом социально-экономических, общественно-политических реформ в стране», поэтому необходимо «скорейшее устранение пробелов и «белых пятен» в законодательной и нормативной базе»², и это является опреде-

¹ Подр. см.: Адилходжаева С.М. О роли и месте категории «стратегия государства» в теории государства и права // *Общественные науки Узбекистана*, № 3, 2003. — С. 37–45; Гаврилов О.А. *Стратегия правотворчества и социальное прогнозирование*. — М.: 1993.

² Модернизация страны и построение сильного гражданского общества — наш главный приоритет. Доклад Президента Ислама И.А. Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса 27 января 2010 года. — *Народное слово*, 2010 год, 28 января.

ляющим для выбора стратегии правотворчества. В условиях постоянно изменяющейся правовой жизни правотворчество должно быть целенаправленным и дальновидным.

Цель прогноза – руководство действиями, относящимися к будущему. Будучи творцом права, субъект правотворчества как субъект познания и правового воздействия активно конструирует правовую реальность, созидает желаемое будущее. Теоретический анализ современных проблем механизма правового регулирования, закономерностей его функционирования и развития, а также юридической практики позволяет констатировать объективную необходимость прогнозного обеспечения юридической деятельности, обосновать идею о том, что юридическое прогнозирование является составным элементом и занимает особое место в системе правового регулирования, и, в частности, правотворческой деятельности.

Изучение правотворческой практики дает основание выделить *правотворческое прогнозирование* в качестве самостоятельного вида юридического прогнозирования. Признание правотворческого прогнозирования важнейшей функцией, принципом и методом, а в целом – составной частью правотворческой деятельности принципиально меняет теорию правотворчества, вносит в нее ряд новых черт и свойств, основанных на прогностическом характере законодательной деятельности. Теория правотворческого прогнозирования представляет собой новую междисциплинарную парадигму правовой науки. Она позволяет увидеть правовую жизнь познающим ее и действующим в ней субъектом правотворчества такой, как она может строиться, конструироваться. Она раскрывает особую, решающую роль субъекта правотворчества, который, будучи встроен в сложный механизм правового регулирования, может оказывать непосредственное влияние на ход эволюции правовой системы, выводить ее на предпочтительные будущие состояния.

С точки зрения теории правотворческого прогнозирования субъект правотворчества конструирует правовое будущее, возможности формирования которого видятся следующим образом:

1. Существует важная роль субъекта правотворчества, установок его правосознания и его ценностных предпочтений в выборе возможных путей развития сложной правовой системы. Важнейшим мировоззренческим выводом является то, что он способен принимать непосредственное участие в конструировании желаемого будущего, но его творческая, созидательная роль имеет ограничения в виде объективных условий и тенденций развития сложных систем. Не все, что угодно можно осуществить в сфере права, а только то, что согласовано с собственными потенциями правовой системы. Осознание множественности путей развития правовой системы, наличия в нем альтернатив напрямую связано с осознанием возможности улучшить механизм правового регулирования, соединить в его функционировании цель и результат.

2. Определив параметры возможного развития правовой системы, субъект правотворчества может смоделировать, рассчитать или качественно определить пути и формы такого развития и посредством выверенных воздействий выводить процесс развития на желаемые результаты.

3. Субъект правотворчества может активно влиять на процесс конструирования правового будущего, устойчивого развития правовой системы. Осуществляется это путем научно обоснованного, логически правильного соединения относительно простых прогнозов в сложные устойчиво эволюционирующие прогнозы с тем, чтобы ускорить темп развития сложной правовой системы и приблизить желаемое ее состояние.

Правотворчество будет плодотворным лишь в том случае, если оно базируется на научной системе познания, позволяющей предвидеть ход развития правовых явлений и процессов в контексте возможных и ожидаемых последствий такого развития. Согласно положениям современной прогностики для проведения эффективной обоснованной правотворческой деятельности субъект правотворчества должен уметь принимать рациональные правовые решения в условиях объективно глубокой неопределенности правового развития, обусловленного возрастающей сложностью социальных процессов. Тем самым он создает соответствующую конструктивным возможностям и

тенденциям потенциальную правовую реальность (установка не просто на желаемое, а на осуществимое будущее).

К сожалению, научное прогнозирование еще не нашло достойного места в правотворческой практике. Несмотря на понимание в научной литературе важности правотворческого прогнозирования, оно не получило должной научной проработки, не стало обязательным атрибутом законодательной деятельности. Следует согласиться с мнением Т.Я. Хабриевой, которая считает, что «законодатель, не обеспеченный прогностической правовой идеологией, часто пасует перед лицом возникающих правовых проблем, совершая те или иные (порой роковые) ошибки»¹. Правотворческое прогнозирование направлено не только на поиск оптимального правотворческого решения, но и на предотвращение возможных неблагоприятных последствий принятия законопроекта.

Создание правовых норм – процесс комплексный, требующий учета различных по своему характеру интересов и потребностей, их гармоничного и целостного воплощения в будущих правовых актах. Реализация данной задачи возможна лишь посредством выработки системы продуманных, взаимосвязанных, последовательных мер стратегического характера, основанных на глубоком научном изучении реального состояния и тенденций развития правовой системы и направленных на ее трансформацию посредством новых правовых норм. В этом контексте правотворческое прогнозирование предстает в виде совокупности инновационных правовых решений и форм, задающих алгоритмы решения назревших правовых проблем, направленных на оптимизацию и развитие системы законодательства.

Правотворческое прогнозирование является важнейшим инструментом обеспечения надлежащего качества законодательных актов и эффективности правового регулирования в целом. Правотворческое прогнозирование как фактор устой-

¹ Юридическая техника: учебное пособие по подготовке законопроектов и иных нормативных правовых актов /Ин-т зак-ва и сравн. правоведения при Правительстве РФ. Под ред. Т.Я. Хабриевой и Н.А. Власенко. – М.: Эксмо, 2010. – С. 15.

чивого развития законодательства – это комплексная теоретико-методологическая концепция, которая позволяет рассматривать устойчивость правового развития не только в статике (как самосохранение и стабильность законодательства), но и как процесс, находящийся в постоянном движении, изменении и развитии, детерминированный потребностями и регулятивными возможностями законодательства.

Таким образом, правотворческое прогнозирование можно определить как синтез двух социально-правовых явлений, видов общественно-юридической деятельности (правотворчество и прогнозирование). Вместе с тем ему присущи свойства и черты, определяющие содержательный состав и предметную сущность отдельной категории права. Оно представляет собой имманентное единство правотворческой деятельности и юридического прогнозирования, в их конкретно-функциональной специфике, систему методов, приемов и способов, механизм прогнозной проработки правовых новелл. Сказанное позволяет определить правотворческое прогнозирование как осуществляемое в правотворческом процессе систематическое, научно обоснованное специальное исследование всех ожидаемых и возможных последствий принятия разрабатываемого проекта нормативно-правового акта.

Итак, можно дать следующее определение правотворческого прогнозирования – система методов, способов и средств эффективного и рационального конструирования норм законов и системы законодательства в целом в соответствии с поставленными целями, потребностями, интересами и закономерностями социально-правового развития общества на основе комплексной прогнозной оценки всех последствий принятия указанных норм. Другими словами, это комплекс организационно-правовых мер, процедур и средств по прогнозному обеспечению правотворческой деятельности. Сопоставляя и анализируя разные признаки качественного состояния объекта систематизации, субъект правотворчества на базе прогноза определяет место нового закона в системе законодательства, его связи с другими законами, для того чтобы способствовать ликвидации в них пробелов, устарелостей и противоречий.

ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР БИЛАН ҲУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, «кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» амалий концепциясини ҳаётга татбиқ этиш орқали жамият ҳаётини янада демократлаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда.

Юртимиз тараққиётининг ҳозирги даврида фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан жамият ҳаётининг турли йўналишларида ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларининг йилдан-йилга сон ва сифат кўрсаткичлари такомиллашиб бормоқда. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда 8190 та нодавлат нотижорат ташкилотлари, 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 1400 га яқин оммавий ахборот воситалари фаолият олиб бормоқда.

Бу каби демократик институтлар турли ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда, аҳоли турли қатламлари манфаатларини рўёбга чиқаришда алоҳида фаоллик кўрсатмоқдалар. Бу, ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигини, муайян лойиҳаларни амалга оширишдаги шериклик муносабатларини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатлар ривожланган мамлакатларда турлича белгиланган. Халқаро мезонларда улар ҳам-

* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлар номзоди, доцент.

корлигининг энг муҳим асосий тамойиллари ўз аксини топган. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллигини янада кучайтиришда уларнинг давлат билан ўзаро муносабатларини махсус қонун орқали тартибга солишга алоҳида эҳтиёж мавжуд эди. Шу жиҳатдан, Президент И. Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»даги таклифлар асосида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ўтган 2014 йилнинг энг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Ушбу қонун 2015 йил 1 январдан кучга кирди ва ўйлаёмизки, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада эркинлаштиришга, уларнинг давлат органлари билан ҳамкорлиги янги босқичда юксалишига хизмат қилади.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига асосан: «Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир».

Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан юқорида қайд этилган қатор йўналишларда ижтимоий шерикликка киришиши мумкин. Бундай шериклик муносабатларини бугун амалда бир қатор ҳолатларда кўзатишимиз мумкин. Масалан, ички ишлар органлари томонидан жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бунга маҳалла билан ҳамкорликда ташкил этилаётган жойларда болалар спортини ривожлантириш, уларнинг бўш вақтларни мазмунли ташкил этиш соҳасидаги амалий ишларни мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг қуйидаги соҳалари алоҳида кўрсатилган:

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш;

атроф-муҳитни, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;

ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш;

оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш;

фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш;

аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш;

миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш;

истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклигига алоҳида эътибор қаратамиз. Аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш масаласи ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларида мустаҳкамланган. Масалан, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун, аввало, аҳолининг

хуқуқий фаоллигини юксалтиришга, уларнинг амалдаги қонунлардан хабардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратади. Бу йўналишда қатор тадбирларни амалга оширади. Масалан, ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик, терроризм, одам савдосига қарши кураш борасида кўплаб тушунтириш ва тарғибот ишлари амалга ошириляётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин.

Ёки фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири ҳисобланган оммавий ахборот воситалари билан хуқуқни муҳофаза қилиш органлари самарали ҳамкорлик қиляётганлигини амалиётда кузатиш мумкин. «Автопатруль», «Қонун ҳимоясида», «Қонун ва биз», «Қалқон», «Сайёр камера» каби қатор телекўрсатувлар тайёрланиб, эфирга узатиляётганлиги, улар аҳолига манзур бўляётганлигини мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Прокуратура ёки адлия органлари томонидан ташкил этиляётган аҳолининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги тарғибот тадбирларини алоҳида қайд этиш ўринли. Улар томонидан минглаб тадбирлар ташкил этилмоқда.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида аҳолининг хуқуқий фаоллигини юксалтириш йўналишидаги ижтимоий шерикликни жорий этишда айрим муаммоли ҳолатлар, ҳозирча фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжуд. Масалан, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аҳоли хуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган муайян тадбирлар ўтказилади. Лекин, бундан фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари хабарсиз. Ва, аксинча, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига оид тадбирларда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг иштироки ҳам қувонарли даражада эмас. Ҳар икки субъект ўзича фаолият олиб боради. Бири томонидан амалга оширилган ва ошириляётган ислохотлардан бошқасининг хабари йўқлиги кишини ўйлантиради.

Айрим ҳолатларда баъзи бир хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари фуқаролик жамияти институтлари вакилла-

рини танимаслиги, уларнинг фаолиятдан умуман хабардор эмаслиги кузатилади. Яна баъзи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, айниқса, адлия органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларига эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш ёки уларга кичик бир ташкилот вакили сифатида қараш ҳолатлари кузатилади. Бу ҳам икки ташкилот ўртасидаги самарали ҳамкорликка салбий таъсир кўрсатади.

Фикримизча, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини юксалтириш йўналишидаги ижтимоий шериклигини янада кучайтириш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда. Бу йўналишда, асосан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жамият ҳаётидаги муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилиши режалаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни муҳокама қилишга фуқаролик жамияти институтлари вакиллари кенг жалб этишлари лозим. Масалан, Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишлаб чиқилаётган қонуности ҳужжатларини тайёрлаш, муҳокама қилишга фуқаролик жамияти институтлари (махалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар) вакиллари жалб этилиши бу қоидаларни янада ҳаётийлигини оширади. Президентимиз томонидан 2015 йил 23 январдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга фуқаролик жамияти институтлари вакиллари кенг жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий, сиёсий ва маърифий йўналишдаги тадбирларга фуқаролик жамияти институтлари вакиллари кенг жалб этиш амалиётини кучайтириш лозим. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб борилаётган ислохотлар, амалий ишлардан кенг жамоатчиликни хабардор қилишга хизмат қилади. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органларда ҳар ҳафтада маърифат дарслари, ижтимоий-сиёсий ўқишлар ташкил этиш анъанага айланган. Бу каби тадбирларга фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этилиши соҳадаги ислохотларни кенг жамоатчиликка етказишда муҳим рол ўйнайди.

Учинчидан, ҳуқуқий тарғибот ишларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари биргаликда ташкил этиши лозим. Бу катта самара беради. Фуқаролик жамияти институтлари халқ ичидаги муаммоларни, уларни ташвишга солаётган масалаларни бошқалардан кўра яхши биладилар. Улар ҳуқуқий тарғибот ишларида ҳам қайси масалаларга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари билан маслаҳатлашиб олсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳам тадбирларини жонли ва амалий мисолларга бой бўлиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларини кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

Тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигидаги тадбирлар оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишига эътиборни кучайтириш лозим. Оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтлари орасида энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, халққа энг яқини ҳисобланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилаётган аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилса, ишнинг самараси 10-20 баробар ортади. Тадбирда 100 та фуқаро иштирок этса, оммавий ахборот воситаси камида 1000 та аудиторияни қамраб олади.

Бешинчидан, жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу ор-

қали фуқаролик жамияти институтлари жамиятдаги айрим қоидабузарликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари фаолиятида учраётган қонунга зид ҳаракатлар бўйича хабар бериб, унинг олдини олишлари мумкин.

Олтинчидан, ижтимоий шерикликка киришаётган томонларнинг ўзаро ахборот алмашишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида ўз ифодасини топган. Ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан ахборот алмашиш, келгуси фаолиятини ташкил этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ўртасида имзоланган битимга асосан ушбу ташкилотлар ҳар йилда ўзаро ахборот алмашадилар. Бу икки томон учун тарғибот ишларини амалга оширишда фойдалидир. Бу каби шериклик муносабатлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳам ташкил этилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ижтимоий шерикликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантиришда самарали ислохотлар амалга оширилди. Муайян тажриба тўпланди. Навбатдаги муҳим вазифа – бу қонунлардаги ваколатлардан самарали фойдаланишдир. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги самарали ижтимоий шерикликни ривожлантириш – бугунги кун талаби. Айниқса, аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу йўналишдаги шерикликдан томонлар ҳам, давлат ва жамият ҳам, фуқароларимиз ҳам бирдек манфаатдордир.

**ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ФУҚАРОЛИГИ – ЯГОНА ФУҚАРОЛИК
КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО
ҲУҚУҚИ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ**

Европа Иттифоқи фуқаролиги гоёси янги эмас, бу концепциянинг тарихи 1957 йилдаги Рим шартномаларига бориб тақалади, унинг юридик расмийлашуви эса, дастлабки шартномалар томонидан кафолатланган соф иқтисодий йўналишдаги ҳуқуқлардан (масалан, кўчиш ва бошқа давлатларга ўтиш эркинлиги каби ҳуқуқлардан) Европа Иттифоқи аъзолари бўлган давлатлар фуқароларини уларнинг ходим сифатидаги функционал мақомидан ҳуқуқий ҳимоя қилишни ажратиш орқали ўтади.

1957 йилда Рим шартномасидан кейин «Европа кишилари ўртасидаги иттифоқ»ни қуришга кўплаб қарорлар ва ҳисоботлар бағишланди. Жумладан, Европа фуқароларидан Европа Иттифоқи фуқаролигига боришдаги муҳим қадамлар сифатида қуйидагиларни эслатиб ўтишимиз мумкин: вакиллик демократиясининг бўлинувчи фуқаролик ҳуқуқлари ва қонуннинг устуворлигига қадриятларига ҳавола этувчи Европа айнанлиги тўғрисидаги 1973 йилги Копенгаген декларацияси. 1975 йилда қабул қилинган Тиндеман ҳисоботи¹.

1984 йилда Европа Кенгашининг Фонтенбло шахрида учрашган бошлиқлари бу жараёнга жалб этилган одамларнинг Европага айнанлигини тан олиш асосида Европа конструкцияларини ривожлантиришнинг муҳимлигига эътиборларини қаратдилар. Ҳамжамиятнинг ҳуқуқий ҳужжатларида акс этган умумий қадриятларнинг қабул қилиниши бу жараённинг самарадорлигини оширишга олиб келиши мумкин бўларди.

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий бизнес мактабининг Ўқув-услубий ишлар, раҳбар кадрлар маркетинги ва амалиёт бошқармаси бошлиғи

¹ Strudel S. The Making Of European Citizens / European Migrants As Voters Institut d'Etudes politiques de Lille // CRAPS (C.N.R.S. E.S.A.n8026). – 2001. – April. – P. 44.

Бундай самарага эришиш учун зарур чораларни ишлаб чиқиш учун яратилган (ad hoc кўмиталардан бирининг президенти номига шундай деб аталган) Adonpino хисоботида аъзо-давлатлар фуқаролари ва Ҳамжамият ўртасида сиёсий алоқалар ўрнатиш учун асосий бўлиб қолган баъзи кўрсаткичлар (индикаторлар), шунингдек Европа айнанлигига реал шакл – байроқ, гимн, умумий телевизион макон, спорт командалари ва ҳ.к. – бериш борасидаги аниқ ташаббуслар¹.

Сўнгра раислик қилувчи Испаниянинг таклифига кўра, 1990 йилда Европа Иттифоқи фуқаролиги масаласи Маастрихт Шартномасини тайёрлаш чоғида муҳокамага киритилди ҳамда шу ерда у қонуний шаклга кирган ва мустақкамланган концепция сифатида илк бор пайдо бўлди.

Умумий ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати ҳамда ички ишлар соҳасидаги ҳамкорлик шакллари билан тўлдирилган Европа Ҳамжамиятига асосланган Европа Иттифоқи Аъзо-давлатлар ва уларнинг халқлари ўртасидаги муносабатларни уюштириш учун 1992 йил 7 февраль кунини Маастрихтда имзоланган шартнома асосида ташкил қилинди². Айни вақтда Иттифоқ Аъзо-давлатларнинг миллий ўзлигини ҳурмат қилади³.

Иттифоқнинг вазифаларидан бири аъзо давлатлар фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоясини Иттифоқ фуқаролигини жорий этиш орқали кучайтиришдир⁴. Иттифоқ мақсадларига эришиш учун умумий (ягона) институционал тузилма⁵ мавжуд, Европа парламенти, Кенгаш, Комиссия, Суд ва Аудиторлар палатаси ўз ваколатларини Шартномалар қоидаларида назарда тутилган шартлар асосида ва мақсадларга мувофиқ амалга оширадilar⁶.

¹ Painter J. Multi-level Citizenship, Identity and Regions. – Durham: Contemporary Europe Department of Geography University of Durham, 1989. – DH1 3LE.

² Ст. 1 Соглашения о Европейском Союзе. – М.: Прогресс, 1996.

³ Ўша жойда. – 6.3-модда.

⁴ Ўша жойда. – 2-модда.

⁵ Ст. 3 Соглашения о Европейском Союзе. – М.: Прогресс, 1996.

⁶ Ўша жойда. – 5-модда.

Шундай қилиб, Иттифоқ фуқароликка нисбатан халқаро-хуқуқ субъекти сифатида кўриниши мумкин бўлмаган институционал тузилмадир. Бинобарин, «Иттифоқ фуқаролиги» тушунчаси фуқаролик деганда инсон билан давлат ўртасидаги хуқуқий муносабатлар тушуниладиган фуқаролик тўғрисидаги Европа Конвенцияси киритган концепцияга мувофиқ кўрилиши мумкин эмас, чунки Европа Иттифоқи давлат ҳисобланмайди.

Ишчи концепцияга қайтган ҳолда шуни аниқлашимиз мумкинки, умумий фуқаролик муносабатларининг субъектларидан бири институционал тузилма – Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартномага асосланган Европа Иттифоқи ҳисобланади.

Европа Иттифоқи фуқаролиги муносабатларининг иккинчи субъекти хусусида Шартномада Аъзо-давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар бир шахс Иттифоқ фуқароси ҳисобланиши айтилган. Айни вақтда Иттифоқ Фуқаролиги миллий фуқароликнинг ўрнини босмайди, балки уни тўлдиради¹. Яъни, Аъзо-давлат фуқароси, бинобарин, Иттифоқ фуқароси ким деган саволни ҳал қилиш ушбу давлатнинг суверен ваколати бўлиб қолаверади. Мазкур ваколатни давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

«Аъзо-давлат фуқаролиги тўғрисида»ги декларация Аъзо-давлат фуқаролиги тўғрисидаги шартномада эслатиб ўтилган ҳар қандай ҳолда индивидуумнинг мазкур фуқароликка эгаллиги ушбу аъзо-давлатнинг фуқаролиги билан белгиланади, ёхуд Аъзо-давлатлар махсус декларация билан ким Ҳамжамият мақсадлари учун ушбу мақсадларга мувофиқ амалга оширишини хабар қилиши мумкин.

Мазкур принцип илк бор Европа Судининг Micheletti (7.07.1992 даги С396/90) иши бўйича чиқарган қарориди қўлланилган. Ушбу ҳолда иккита – ЕИга Аъзо-давлат (Италия) ва бошқа мамлакат (Аргентина)нинг фуқаролигига эга бўлган шахс бошқа Аъзо-давлат (Испания)га нисбатан ЕИ фуқароси мақомига эга эканлиги тан олинган.

¹ Ст. 17 Договора об учреждении Европейских Сообществ. - М. Норма, 1991.

1997 йилда имзоланган Амстердам шартномаси 17-моддани янги тахрирда ўзгартирган: «Ушбу шартнома билан Иттифоқ фуқаролиги ўрнатилади. Аъзо-давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар ким Иттифоқ фуқароси ҳисобланади. Иттифоқ фуқаролиги аъзо-давлат фуқаролигининг ўрнини босмайди, балки унинг ўрнини тўлдиради». Иттифоқ фуқаролиги ва аъзо-давлатнинг миллий фуқаролиги айнан бир нарса эмаслиги тушунарли. Иттифоқ фуқаролиги миллий фуқароликка субсидиардир. Формал жиҳатдан, Европа Иттифоқининг фуқаролиги институтини бу тарика микдор жиҳатидан қайд этиш энг тўғри йўлдир.

Шундай қилиб, Европа Иттифоқи фуқаролиги Аъзо-давлат фуқаролиги орқали жорий этиладиган махсус мақом ҳисобланади. Мазкур мақомнинг олиниши ва йўқотилиши турли хил аъзо-давлатлар фуқаролари учун тартиби бўйича фарқ қилади ва фақат ушбу мамлакатларнинг миллий қонунларида белгиланади.

Бинобарин, Шартномага мувофиқ, Аъзо-давлат фуқаролигига эга бўлмаган шахс Европа Иттифоқининг фуқаролигига эга бўла олмайди. Айни вақтда ушбу қоида иккала имкониятдаги ҳолда амал қилиши мумкин:

1. Аъзо-давлат фуқароси бўлмай туриб ЕИ фуқароси мақомини олиб бўлмайди (Шартномага бевосита ҳавола).

2. Аъзо-давлат фуқаролигини йўқотган шахс ЕИ фуқаролиги мақомини ҳам йўқотади (ЕИ Шартномасининг 17.1 моддасига асосланган ҳуқуқни қўллаш амалиёти).

Шубҳасиз, Иттифоқ фуқаролиги Аъзо-давлат фуқароларига уларнинг макондаги имкониятлари кенгайиши билан боғлиқ сифат жиҳатидан янги ҳуқуқларни беради. Яна бир жиҳати муҳим: фуқаролик тўғрисидаги қоидаларда Иттифоқ ва фуқаролар ўртасида бевосита алоқа ўрнатилади. Европа Иттифоқининг фуқаролиги институти – нафақат давлатлар, балки халқлар, одамлар бирлашмасининг иттифоқини тузиш ғоясининг ифодасидир. Европа Иттифоқининг фуқаролиги мафкуравий аҳамиятга эга¹.

¹ Калиниченко П.А. О гражданстве Европейского Союза // Московский журнал международного права. – М.: 2000. – № 3. – 49-бет.

Европа Иттифокининг фуқаролиги – ноодатий ҳодиса. Ўз фуқаролигига эгалик ЕИга давлатчилик белгиларини бағишлайди. Муаммонинг мураккаблиги яна шундаки, халқаро иқтисодий ташкилотлар асосида тузилган давлатлар бирлашмасининг фуқаролигини жорий этиш тажрибаси ҳеч қачон ҳеч кимда бўлмаган. Европа Иттифоқида бу илк бор юз берди. Айнан шу боис ушбу ҳодисани кўриб чиқишда қандайдир тугалланмаганлик сезилади. Бу таърифнинг зиддиятли эканлигида, Европа Иттифоқи фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган аниқ рўйхатнинг йўқлигида, фуқаролик ҳақидаги қоидаларни амалга оширишда юзага келадиган қийинчиликларда кўринади. Аммо, бу «тугалланмаганлик» Европа Иттифоқи қонунчилигида ушбу институтнинг янада ривожлантирилиши истиқболлари ҳақида сўз юритишга сабаб бўлади. Европа Иттифоқи фуқаролиги шаклланиш ҳолатидадир.

Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, Европа Иттифоқи фуқаролигининг жорий этилиши Европа Ҳамжамияти, сўнгра Европа Иттифоқини ташкил этиш давомида Европа интеграцияси доирасида амалга оширилаётган изчил ва мақсадга қаратилган фаолиятнинг натижасидир; Европа Иттифоқи фуқаролиги институционал хусусиятга эга; Европа Иттифоқи фуқароси мақомига эга бўлиш ва уни йўқотиш тартиби (таомили) турли Аъзо-давлатларда турлича бўлиб, уларнинг миллий қонунлари билан белгиланади. Европа Иттифоқи аъзо-давлатининг фуқароси бўлмай туриб, Европа Иттифоқи фуқароси бўлиш мумкин эмас.

Европа Иттифоқи фуқаролиги билан боғлиқ асосий муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Европа Иттифоқи фуқароларини легал камситишни қўйидаги ҳолатлар орқали қонунан ҳимоялаш йўллари мавжуд. Европа Иттифоқи фуқароларининг ҳуқуқларини ижро этиш ва ҳимоялаш билан боғлиқ мажбуриятлар юклатилган муассасаларга татбиқан, ҳуқуқларнинг учта асосий турини ажратиш мумкин:

- 1) Европа Иттифоқи институтларига нисбатан ҳуқуқлар;
- 2) миллий давлат муассасаларига нисбатан Иттифок ҳуқуқларига бўйсуннишдан келиб чиқувчи ҳуқуқлар;

3) Иттифоқ ҳуқуқларига бўйсуннишдан келиб чиқадиган ўзиникидан бошқа аъзо-давлат муассасаларига нисбатан ҳуқуқлар.

Миллий давлатларнинг ажнабийларни камситиш, яъни уларнинг ҳуқуқлари ўз фуқаролариникига қараганда чекланганлигини эътироф этиш ҳуқуқи халқаро ҳуқуқда маъқулланган бўлиб, ҳозирги замон давлати суверенитетининг ажралмас элементиدير. Бу ҳуқуқ бекор қилинмади, аммо чекланди: «Шартномани қўллаш доирасида ... фуқаролик белгиси бўйича ҳар қандай камситиш тақиқланади»¹. Гарчи, «Шартномани қўллаш ҳажми» борган сари кенгайиб борган бўлса-да, Шартнома билан умуман боғлиқ бўлмаганлиги сабабли, улкан соҳалар у билан тартибга солинмай қолмоқда. Ушбу соҳаларда аъзо-давлатларнинг фуқаролари ўзиникидан бошқа аъзо-давлатларнинг ҳаммасида ажнабийлигича қолмоқдалар².

Буни ЕИ фуқаролиги жорий этилиши йўлидаги биринчи муаммо деб аташ мумкин. Сўнгра, Европа Иттифоқи фуқаролиги концепциясининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган ҳамда аъзо-давлат фуқаролиги билан чамбарчас боғлиқ муаммолар ҳақида сўз юритганда апатридлар, бипатридлар ва Европа Иттифоқининг бирор-бир аъзо-давлатининг фуқароси бўлмаган фуқароларининг оила аъзолари мақомини эслаб ўтиш мумкин. Шу туфайли улар Европа Иттифоқи фуқароларига нисбатан бошқа аъзо-давлатларга бўлган муносабатда, ҳатто улар жойлашган давлатда легал ҳуқуқларга эга бўлсалар-да, ҳуқуқлари жиддий чеклангандир.

Шундай қилиб, Европа Иттифоқи фуқаролигининг Европа Иттифоқи аъзо-давлати фуқаролиги билан чамбарчас боғлиқлиги Европа Иттифоқи фуқароси бўлмаганларнинг уларнинг фуқаролигидан фарқ қилувчи Аъзо-давлатларда ҳуқуқий камситилишларга олиб келмоқда.

Фуқаролик ва субсидиарлик принципи. Европа Иттифоқи фуқаролигининг бошқа бир муаммоси Европа

¹ Ст. 12 Договора об учреждении Европейских Сообществ. – М. Норма, 1991.

² Пройс У.К. О концепции Европейского гражданства // <http://www.hrights.ru/text/b8/Chapter8.htm>

Иттифоқи фуқаролиги концепциясига нисбатан субсидиарлик принципи билан боғлиқ. Шундай қилиб, субсидиарлик деганда қарорлар қабул қилиниши ҳамда ушбу қарорлар бажарилишининг максимал самарадорлигини ва ушбу муносабатларнинг амалга оширилишини таъминловчи даражада сиёсий-ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш тушуниладиган бўлса, миллий давлатнинг унинг минтақалари ва Европа Иттифоқининг аъзо-давлатларига нисбатан субсидиарлигининг табиати ўзаро фарк қилади¹.

Масалан, одатда миллий давлатда даража ўзгарганида, яъни ҳуқуқий ваколат миллий даражадан минтақавий ёки муниципал даражага ўтказилганида фуқаролик ҳуқуқлари соҳасидаги ушбу ҳуқуқий ваколат сифати ўзгармайди, яъни масалан, Испания фуқароси Валенсия минтақаси ҳокимиятига нисбатан қандай ҳуқуқларга эга бўлса, Галисия минтақаси ҳокимият идораларига нисбатан ҳам шундай ҳуқуқларга эга бўлади.

Айни вақтда ҳуқуқий ваколатларни Европа Иттифоқи даражасидан миллий давлат даражасига ўтказиш чоғида ушбу ваколат тубдан ўзгаради. Бу гап Европа Иттифоқи фуқароси ўзи жойлашган ва бевосита Европа Иттифоқи институтлари субъекти бўлмаган мамлакатдаги фуқаро эга бўлган аксарият (иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий) ҳуқуқларни имплементация қилишга ҳам тааллуқлидир².

Аъзо-давлатлар қонунларини яқинлаштириш Европа Иттифоқининг Шартномада ёзиб қўйилган мақсадларидан бири ҳисобланади. Шартномада мазкур мақсадни амалга оширишнинг муайян механизмлари ҳам назарда тутилган³. Бироқ илгаригидек миллий қонунларнинг уйғунлашувига эришиш Европа Иттифоқининг истиқболи эканлигича қолмоқда.

¹ Никитина О.А. Гражданство Европейского Союза и гражданство государств-участников: соотношение международно-правовых категорий // Вестник Московского университета. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2000. – № 3. – 98-бет.

² Васильева Т.А. Эволюция института гражданства Европейского Союза // Государство и право. – М.: Наука, 2007. – № 12. – 26-бет.

³ Договора об учреждении Европейских Сообществ. – М. Норма, 1991. 94–97-бетлар.

Шундай қилиб, субсидиарлик принципи амал қилиши сабабли, Европа Иттифоқи фуқаролари турли аъзо-давлатларга жойлашишда турли ҳуқуқларга эгадирлар, яъни Европа Иттифоқи фуқаросининг ҳуқуқларини амалга оширишга нисбатан қарор қабул қилиш даражасининг супрамиллийдан миллийга ўзгариши ушбу ҳуқуқларнинг амалга оширилиш натижасига муҳим фарқ киритади; Европа Иттифоқи фуқаролигини бирхиллаштиришга ё фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари соҳасидаги миллий қонунларни бирхиллаштириш орқали, ё ушбу ҳуқуқлар ижросига нисбатан субсидиарлик принципини (барча ваколатларнинг Европа Иттифоқи институтларига ўтказилишини) бекор қилиш орқали эришиш мумкин.

Регионализм, миллатчилик ва Европа Иттифоқи фуқаролиги. Қанчалик ғайритабиий туюлмасин, бироқ Евробарометр ўтказган ижтимоий тадқиқотлар доирасида олинган охириги маълумотларга кўра, Европа Иттифоқи доирасида интеграция жараёнларининг кучайиши айни вақтда минтақачилик (регионалистик) ва «кичик миллатчилик» тамойилларининг кучайишига ҳам имкон яратади. Бундан буён «кичик миллатчилик»¹ деганда этник камчилик (масалан, Испаниядаги басклар)нинг миллатчилик интилишлари, «катта миллатчилик» деганда эса, этносни ташкил этувчи давлат миллатчилиги (Франциядаги французлар) тушунилади.

Айни вақтда минтақалардан бирида яшовчи аҳолининг ўзлигини англаши этник эмас, балки қандайдир бошқа белги бўйича юз берганида «кичик миллатчилик»ни регионализмдан фарқлаш лозим. Ҳолбуки, минтақавий идентификациянинг этник белгиси миллатчилик тамойилининг ривожланишига энг кўп ёрдам беради. Аксарият ҳолларда у бошқа, масалан – лингвистик (басклар, бретонлар, фризлар ва х.к.), диний (Ирландиянинг протестантлик ва католик жамоалари), сиёсий-иқтисодий-ижтимоий (Фламандлар ва Валлонлар), тарихий ва маданий (Шотландия, Каталония) каби белгилари билан ҳам кечади.

¹ Тэвдой-Бурмули А.И. Европейский национализм в контексте европейской интеграции. Доклады Института Европы. – М.: 1996.

Яъни, бирор минтақа аҳолисининг ўзлигини англаши миллий давлат доирасидаги ўзлигини англашдан устун бўлишдан иборат тамойил кузатилмоқда (яъни, инсон ўзини испанияликдан кўра аввалроқ каталониялик ёки французлигидан аввалроқ бретониялик сифатида англайди)¹.

Дарҳақиқат, агар минтақаларнинг миллий давлат доирасидаги ўзаро муносабати Европа Иттифоқигача таркибий жиҳатдан икки ўлчовга, яъни минтақа-минтақа ёхуд минтақа-марказ ўлчовларига эга бўлган бўлса ва алоқаларнинг бошқа турлари ривожланмаган бўлса, ҳозир камида минтақа-марказ, минтақа-минтақа қўшимча алоқаларни кўриб чиқиш мумкин.

Бундан ташқари, қўшимча алоқалар айнан миллий давлатлар доирасида алоқалар зичлигининг камайиши эвазига юзага келган, яъни миллий давлатлар ўз ваколатларининг бир қисмини давлатдан устун турувчи органларга топширганлар, айтилган вақтда минтақа даражасидаги ваколатлар нафақат камаймаган, балки субсидиарлик принципи қўлланиши натижасида кўп ҳолларда ортган, яъни таркибий жиҳатдан миллий давлатларнинг интеграция жараёни минтақавий даражада номарказлашув жараёнларининг кучайиши билан кечган.

Шундай қилиб, амалда мамлакатлар Европаси концепцияси аста-секин минтақалар Европасига айланиши юз бермоқда. Бундай ўзгаришнинг оқибатларидан бири умумий «ўйин қоидалари»га эга бўлган умумий бозор ташкил қилиш эвазига минтақалар рақобатбардошлигининг ортишидир, яъни минтақалар глобал рақобатнинг ушбу бозоридаги мустақил ўйинчилар ҳисобланиши мумкин².

У ёки бу минтақанинг муваффақиятига таъсир этувчи омилларга унинг инфратузилмаси, экологияси, иш кучининг сифати, минтақавий ҳокимият идораларининг миллий давлат марка-

¹ Тэвдой-Бурмули А.И. Интеграция и кризис идентичности // Европейский Союз на пороге XXI века: выбор стратегии развития / Под.ред. Ю.А. Борко и О.В. Буториной. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 56-бет.

² Бусыгина И. Региональная политика // Европейский Союз на пороге XXI века: выбор стратегии развития / Под ред. Ю.А. Борко и О.В. Буториной. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 89-бет.

зига қараганда кўпроқ даражада муносабатда бўлиши каби омиллар киради. Бинобарин, давлат ичидаги муносабатларнинг кескинлиги ҳам пасаяди, айрим минтақалар энди кўпчилик-камчилик модели доирасида камситилмайди, балки «камчиликлар Европаси»даги тенг ҳуқуқли ўйинчиларга айланади. Шундай қилиб, мамлакатлар ўз суверенитетини муайян даражада йўқотган ҳолда минтақалар кўпроқ мустақилликка эга бўлади¹.

Бироқ, «минтақалар Европаси»ни қуриш Европа интеграциясининг эълон қилинаётган мақсади эмас, афтидан, уни Европа Иттифоқини «фуқаролар Европаси»га айланиши йўлидаги оралиқ босқич деб баҳолаш мумкин. Европа Иттифоқи фуқаролиги концепциясининг ишлаб чиқилиши ва фаол илгари сурилиши ҳам, Европа Иттифоқи органларининг бевосита сайланиши орқали уларга легитимлик (қонунийлик) беришга уришилар ҳам, Европа Иттифоқи федератив тузилмага айланиши учун муайян конституциявий асос бўлиб хизмат қила оладиган Конституциявий шартнома ишлаб чиқилгани ҳам ушбу хулосамизнинг тўғрилигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Европа Иттифоқи доирасида минтақаларни «тенглаштиришга» йўналтирилган минтақавий сиёсат ҳақида сўз юритадиган бўлсак, нафақат молиявий маблағларни у ёки бу даражада қайта тақсимлаш билан шуғулланувчи дастурлар, балки Европа Иттифоқини қуришнинг умумий принципларини ҳам унинг қуроллари сифатида баҳолаш мумкин.

Хусусан, Европа Иттифоқи фуқаролиги концепциясини ҳам жипслаштиришга хизмат қилувчи ана шундай қурол сифатида баҳолаш мумкин. Буни қуйидаги мулоҳазалар ҳам тасдиқлай олади:

1. Европа Иттифоқи фуқаролигининг жорий этилиши фуқароларнинг ҳокимият институтлари билан ҳуқуқий муносабатлари миллий даражада емирилишига олиб келади, чунки Европа Иттифоқи фуқаролари ҳуқуқларининг бир қисми – ҳаракатланиш, яшаш жойини танлаш эркинлиги, ижтимоий ҳуқуқлар – давлатдан юқори даражада амалга оширилади.

¹ Региональное развитие: опыт России и Европейского Союза / Отв. ред. А.Г. Гранберг. – М.: ЗАО Изд-во «Экономика», 2000. – 336-бет.

2. Европа Иттифоқи фуқаросининг ҳуқуқий муносабатлари миллий даражада қатъий белгиланган ҳолларда маҳаллий даражадан миллий даражани чеклаб ўтиб, давлатдан юқори даражага «сакраш» амалга ошади. Масалан, Европа Иттифоқининг фуқароси Европа Иттифоқининг аъзоси бўлган ва ўз мамлакатидан фарқ қилувчи бошқа мамлакатда яшаб турган такдирда маҳаллий сайловлар ва Европарламентга бўладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга, аммо мамлакатнинг миллий парламентида сайловларда иштирок эта олмайди.

3. Ҳаракатланиш, ишлаш ва тадбиркорлик эркинлиги ҳам трансчегаравий минтақаларнинг яқинлашувига жиддий таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, фуқаро қаерда ишлаши ёки қаерда кўчмас мулкка эга бўлишини танлаш имконига эга бўлган ҳолларда кўшни минтақаларнинг солиқ тўловчи ва инвесторга эга бўлиш учун рақобати жиддий кескинлашади. Бу рақобат уларни ўз инфратузилмаларини, солиқ тизимини, инвестиция муҳитини ривожлантиришга ва умуман минтақадаги турмуш шароитини яхшилашга мажбур қилади. Яъни, Европа Иттифоқи фуқаролиги концепциясининг жорий этилиши ва амалга оширилиши марказ-минтақа ва минтақа-минтақа алоқаларининг мустақамланишига хизмат қилади, бинобарин, минтақавий сиёсат қуролларидан бири сифатида баҳоланиши мумкин.

ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИ ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мустақил тараққиётимиз йиллари мобайнида демократик янгиликлар ва сиёсий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим ютуқларга эришилди. Айтиш мумкин, ҳаётнинг ҳақиқатлари ҳамда амалда қўллаш самарадорлиги каби масалалар долзарб бўлиб қолмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари И.А. Каримов таъкидлаганларидек, бугунги кунда «Қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш даркор»¹.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда тубдан янги миллий ҳуқуқий тизим шакллантирилди. Бунда ҳуқуқ ижодкорлиги ва уни қўллаш фаолияти тарихий ҳуқуқий тажриба, хорижий мамлакатлар юридик тажрибаси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва меъёрларига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Энг муҳими норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунида янги ҳуқуқий тизимнинг асосий ғоя ва тамойиллари ўзининг амалий ифодасини топиб бормоқда.

Таъкидлаш зарурки, қабул қилинган қонунлардаги ҳуқуқ нормаларининг амалда қўлланилиши, уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, жамиятда барқарорлик ва ижтимоий адолат қарор топишига олиб келиши қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий омиллар ҳаракатига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов жорий йилнинг 23 январь кунини Олий Мажлис палаталарининг қўшма

* ИИВ Академияси Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлигининг ўринбосари.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 21-бет.

мажлисида баён этган маърузасида айни шу масалага тўхталиб, жумладан: «Олий Мажлисимиз қонунни, ҳуқуқни қўллаш амалиётига етарлича эътибор бераётганини эътироф этиш керак. ... Айни вақтда шунини ҳам тан олишимиз керакки, қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизми деярли ишламаяпти. Шу боис Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини, албатта, ўрганишни ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъриёв-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш бугунги кунда долзарб вазифага айланиши даркор»,¹ — деб таъкидлади.

Ҳуқуқ нормаларини самарали қўллашда ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва тажрибаси билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши тамойилига қатъий риоя қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тамойилнинг асосий мазмуни шундаки, ҳар қандай қонун лойиҳаси ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бунда мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият, сиёсий жараёнлар, жамият ҳаётининг у ёки бу соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш заруратининг мавжудлиги ҳамда бундай зарурат мавжуд бўлса, уни айнан ушбу турдаги ҳужжат билан ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсадга мувофиқлиги каби масалалар атрофлича таҳлил этилади. Шу жиҳатдан олганда, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва тажрибаси қонунчиликдаги бўшлиқларни ва унинг номукамаллигини ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги зиддиятларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқ ижодкори ҳуқуқни қўллаш жараёнида олинган хулосалар ва маълумотларни эътиборга олиши ҳамда бу борадаги амалиётни ҳар

¹ Халқ сўзи, 2015 йил 24 январь.

томонлама кузатиб бориши лозим. Шундагина, жорий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг самарадорлигига эришиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати кўп жиҳатдан уларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш механизми қай даражада тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Ўз-ўзидан бундай шароитда ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади ҳамда ушбу жараён уни концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқишни ва бунда инновацион характердаги ечимларни излаб топишни тақозо қилади.

Миллий қонунчилик тизимининг ҳолатини таҳлил этиш ва баҳолаш унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган қўйидаги омиллар мавжуд эканлигидан далолат беради:

- айрим ҳуқуқ соҳалари ва институтларининг тенг ривожланмаётганлиги;

- барча ҳолатларда ҳам ҳуқуқий тартибга солиш объектининг тўғри танланмаслиги ва шу туфайли айрим қонунларнинг муайян соҳаларга, вазифаларга, масалаларга сунъий равишда боғлаб қўйилиши;

- процессуал нормалар ва институтларнинг тўғри баҳоланмаслиги ҳамда уларнинг моддий ҳуқуқ нормаларидан орқада қолиши;

- қонунчиликнинг айрим соҳаларини етарли даражада ривожланмаганлиги натижасида ҳуқуқдаги бўшлиқларнинг юзага келганлиги;

- қонунчиликнинг тизимсиз ривожланиши, айрим қонун лойиҳаларининг чуқур ва мукамал ишланмасдан ва бошқа қонунлар билан алоқасини ҳамда боғлиқлигини таъминламасдан қабул қилиниши.

Мукамал ва барқарор қонунчилик тизимини яратиш учун қўйидаги вазифаларга эътибор қаратиш лозим:

- давр руҳи билан ҳамоҳанг бўлиши учун эскирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам равишда янгиси билан алмаштириб бориш;

- бир ижтимоий муносабат турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинишининг олдини олиш, яъни ижтимоий муносабатларнинг такрорий равишда ҳуқуқий тартибга солинишига йўл қўймаслик;

- ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш;

- қонунчилик тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда ҳуқуқий прогнозлаш ва мониторингга эътибор қаратиш;

- қонунчилик ва ҳуқуқ нормаларини қўллаш натижасида қабул қилинадиган ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг юридик техника қоидаларига мос келишини таъминлаш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Шу муносабат билан, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини тайёрлаш, қабул қилиш, унинг мазмуни ва шаклига нисбатан энг муҳим умумий талабларни ўзида мужассамлаштирган «Услубий тавсиялар»ни ишлаб чиқиш зарур.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мукамал қонунчилик тизимини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилади.

ЮРИДИК ТЕХНИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Юридик техниканинг мақсади, вазифаси ва бошқа хусусиятларини тадқиқ этиш учун дастлаб унинг методологик асосига эътибор бериш зарур. Методология, «метод» – юнонча – «methods» метод (усул) ҳамда «logos» сўзларидан олинган бўлиб, табиат ва жамият ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули (таълимот) маъносини билдиради¹.

Баъзи адабиётларда «метод» сўзини «услуг» деб таржима қилиш ҳолатлари учрайди. Бизнингча, «услуг» сўзининг ўзи «метод» тушунчасининг бутун мазмун-моҳиятини очиб беришга камлик қилади. «Услуг» арабча сўз бўлиб, икки маънода: биринчиси, ёзувчининг бирор асар ёки адабиёт жанрининг тил воситаларидан фойдаланишдаги ўзига хос йўли, усули; иккинчиси, ишлаш, бошқаришдаги ўзига хос йўл, усул тариқасида қўлланилади². «Услуг» сўзи рус тилидаги «стиль» сўзига кўпроқ тўғри келади. «Методология» тушунчаси «услуг» сўзидан кенгроқ бўлиб, табиат ва жамият ҳодисаларини билиш, тадқиқ этиш усули ҳақидаги таълимотни билдиради.

Юридик техникани тадқиқ этишда унинг методологик асосини аниқлаштириш ва унга асосланиш муҳим ўрин тутди. Юридик техниканинг мазмун-моҳиятини табиат ва жамият қонуниятлари билан уйғунликда тадқиқ этиш ижтимоий зарурат ҳисобланади. Юридик техниканинг маҳсули сифатида жамиятда юридик ҳужжатлар вужудга келади.

Фалсафада дунёнинг мавжудлиги ботиний ва зоҳирий ўзгаришларнинг абадий такрорланиб туришидан иборатдир (масалан, қуёшнинг ўз ўқи атрофида айланиши). Бу такрорланишлар эса, ўз моҳияти ва хусусиятларини сақлаб қолган-

* ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Қаранг: Локшини С.М. Краткий словарь иностранных слов. – М., 1988. – 281-бет.

² Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.2. – М.: 1981. – 281-бет.

ликларидан қонун ва қонуният тусини олган¹. Яъни, уларни ўзгартириб бўлмайди, улар табиатан мавжуд ҳамда табиатдаги муайян шароит ва вазиятлардагина ўзгариши мумкин. Жамиятдаги юридик қонунлар эса, бундан фарқли равишда, инсонлар томонидан яратилади ва шу боис ўзгартирилиши мумкин. Аммо, ҳар ким уни ўз билганича ўзгартира олмайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юридик қонунларни яратиш ва ўзгартириш билан боғлиқ техник қоидаларни фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш унинг бутун моҳиятини англашда алоҳида аҳамият касб этади.

Фалсафада «техника фалсафаси» тушунчаси мавжуд бўлиб, уни биринчи бўлиб немис олими З. Капп 1877 йилда нашр этилган «Техника фалсафаси асослари» деб номланган китобида ишлатган.

Техника фалсафасида таҳлил этиладиган муаммоларнинг қамрови кенг. Унга кўра, техника инсон фаолиятининг маҳсули, кишиларнинг амалий ва назарий билимларини боғлаб турувчи воситадир. Техникавий билимларнинг хусусияти шундан иборатки, улар ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, муайян бир нарсани яратишга мўлжалланганлиги билан ажралиб туради.

Техникани яратиш, ишлаб чиқаришнинг учта унсуридан таркиб топади:

- хаёлда, онгда бирон-бир нарсанинг образини гавдалантириш;
- унинг лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- шу нарса образини яратиш, гавдалантириш, ишлаб чиқиш².

Демак, техникани фалсафий нуқтаи назардан тушуниш, бирон-бир ҳаракатни борлиқдаги қонуниятлардан келиб чиқиб амалга ошириш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, фалсафадаги қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши, инкорни инкор қонунлари юридик техникада инструментал аҳамиятга эга. Фалсафий

¹ Қаранг: Фалсафа асослари // К. Бўроновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: 2005. – 147-бет.

² Қаранг: Туленова Ж. Фаннинг фалсафий муаммолари. – Т.: 2002. – 60-бет.

категориялар ҳам юридик техникада ўзига хос тарзда намоён бўлади. Жумладан, алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик нарса ва ҳодисалар, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонлари, оламга хос муносабат ва алоқадорликлар, олам тараққиётининг хусусияти, унинг макон ва замондаги мавжудлик шакллари, ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг айрим белгилари ҳамда ўзаро алоқадорлигини ифодаладиган категориялардир¹. Мисол учун: қонуннинг таркибий қисмлари бўлим, боб, модда, қисм, бандлар тариқасида кетма-кетликда жойлашуви.

Худди, шунингдек, фалсафадаги зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик, мазмун ва шакл, моҳият ва ҳодиса, сабаб ва оқибат каби жуфт категорияларга ҳам қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда у ёки бу жиҳатдан эътибор берилиши зарур.

Фалсафадаги диалектика² ва метафизика³ каби энг қадимги ва кенг тарқалган методлар ҳам юридик ҳужжатларни тайёрлашда ўзига хос ўринга эга бўлиб, улардаги нормаларининг боғланиши, таъсир доирасини аниқлашда аҳамиятлидир.

Шу билан бир қаторда, юридик техниканинг методологик асосини жамиятшунослик, сиёсатшунослик, мантиқ, маданиятшунослик, ҳуқуқшунослик ва тилшуносликнинг айрим методлари ҳам ташкил этади. Бу ҳақда кейинги параграфларда батафсил тўхталамиз.

Юридик техниканинг методологик асоси сифатида Шарқ мутафаккирларидан ал-Фарғоний, ал-Форобий, Мусо ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий ва бошқаларнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашларига ҳам алоҳида эътибор

¹ Қаранг: Фалсафа асослари // К. Бўроновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: 2005. – 160-бет.

² «Диалектика» (юнон. – *dialektika* – баҳс, суҳбат) табиат, жамият ва билиш тараққиёти, қонуниятлари ҳамда уларнинг асосида шаклланадиган умумий тафаккур услуби ва амалий фаолият ҳақидаги таълимотдир.

³ «Метафизика» (юнон. – физикадан кейин) оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг муайян вақт давомида нисбатан ўзгармасдан, алоҳида турган ҳолатига диққатни кўпроқ қаратадиган усулдир.

бериш лозим. Чунки, бу олимлар ўз қарашлари орқали ижтимоий ва аниқ фанларга катта ҳисса қўшганлар. Масалан, Форобий тўғри фикрлашнинг асосий қоидаларини – фикрларнинг аниқлиги, ўзаро зид бўлмаслиги, изчиллиги, ҳар қандай ҳулосанинг асосланган бўлиши – ҳамда бошқа муҳим мантиқий масалаларни ҳар томонлама тадқиқ этган¹. Ал-Хоразмийнинг «Китоб ал-жабр вал-муқобала» деб номланган китобида алгебра, мантиқ илмининг ривожланишига, айниқса исботлаш тўғрисидаги фикрларнинг тараққий этишига ҳамда ҳар бир масалада аниқлик бўлишига катта эътибор берилган². Бу масалалар шубҳасиз юридик ҳужжатларни тайёрлашда муҳим аҳамит касб этади.

Шунингдек, Фарб мутафаккирлари Сукрот, Афлотун, Арасту, Демокрит, Гроций, Френсис Бекон, Гоббс, Локк, Монтескье, Руссо, Кант, Гегель ва бошқаларнинг ўз асарларида берган фикр ва ғояларидан унумли фойдаланиш зарур. Зеро, уларнинг айрим қараш ва ғоялари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва ҳар қандай соҳа сингари ҳуқуқ ижодкорлигида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Арастунинг мантиққа оид «Органон» номли асаридаги оламнинг моддий асоси билан боғлиқ тушунчалар, мантиқий ҳулосалар ва бошқа ғоялар ҳар қандай фан соҳаси учун муҳимдир.

Шу жумладан, мамлакатимиз олимларидан А.А. Азизхўжаев, Ш.З. Ўразаев, Х.Т. Одилқориев, З.М. Исломов, М.М. Файзиев, Э.Ҳ. Халилов, А.Х. Саидов, У.Т. Таджиханов, И.Т. Тультеев, Л.М. Бойко, Ш.Н. Кўчимов, М.К. Нажимов, Ш.А. Сайдуллаев, Ў.Х. Муҳамедов; хориж ҳуқуқшуносларидан А.А. Ушаков, А.С. Пиголкин, В.К. Бабаев, Д.А. Керимов, И. Иеринг, Н.Н. Матузов, С.С. Алексеев, С.В. Поленина, Ю.А. Тихомиров, Т.И. Тихомиров ва бошқаларнинг мавзуга оид ишлари юридик техникани такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Қаранг: Турғунов М.Т. Абу Наср Форобийнинг давлат ва уни бошқариш ҳақидаги қарашлари: Юрид. фан. номз. ... автореф. – Т.: 2002. – 25-бет.

² Қаранг: Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 112-бет.

Юридик техника кенг доирада, ҳар томонлама таҳлил этилиши лозим, чунки яратилаётган қонунлар бевосита табиат ва жамият диалектикасига асосланганида борлиққа ҳақиқий таъсир этиш имкониятига эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, юридик техника масаласини бир бутун тизим сифатида жамият ва табиат қонуниятлари билан уйғунликда ўрганиш унинг асл моҳияти ва барча жиҳатларини очиб беришда катта аҳамиятга эга.

Д.А. Керимовнинг фикрича, тизимли тадқиқотларнинг долзарблиги икки муҳим жиҳат билан боғлиқ: биринчиси – ҳаётнинг табиий ва ижтимоий шарт-шароитларини тизимли, яхлит мажмуа тарзида англашга амалий эҳтиёжнинг ўсиб бораётганлиги бўлса; иккинчиси – замонавий назарий ва амалий билим ва фаолият даражасининг чуқурлашиб, ихтисослашиб бораётгани, бунинг натижасида ижтимоий ҳаёт ва амалиёт бир-бири билан мутлақо алоқаси бўлмаган, алоҳида қисмлар ёки фаолият шаклларига бўлиниб кетганга ўхшайди. Бундан билим ва ижтимоий фаолиятни нафақат тизимга солиш, балки, шу билан бирга, ижтимоий ҳаёт ва фаолиятни яхлитлаштириш, синтез орқали улар орасидаги алоқадорликни очиб бериш эҳтиёжи вужудга келди. Айнан шу вазифани тизимли тадқиқот ҳал этади¹.

Юридик ҳужжатлар жамият, давлат ва шахс ҳаётига таъсир этиб, ижтимоий воқеликда муайян ўзгаришларни вужудга келтиради. Шу боис, уларни тайёрлаш ўта мураккаб ва масъулият талаб қиладиган иш ҳисобланади. Бу жараёнда кучли тафаккур ва маҳоратнинг ўзи камлик қилади. Олиб борилган тадқиқот ишининг хулосаларига асосан шу нарса маълум бўлдики, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўлловчилар қанчалик профессионал даражада ишламасинлар, илмий асосланган фикр ва хулосаларга таянмас эканлар, ҳар томонлама мукамал қонунлар яратилишига умид боғлаб бўлмайди.

¹ Қаранг: Керимов Д.А. Философские основания политико-правовых исследований. – М.: 1986. – 200–201-бетлар.

Қабул қилинаётган юридик ҳужжатлар ташвиқот ишларини олиб борувчи ҳужжат эмас, балки замонавий юридик техниканинг талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган, нормативлиги, қонуний қарорларнинг юридик жиҳатдан қатъий таъминланганлиги билан ажралиб турадиган юридик ҳужжат бўлиши лозим. Унинг самарадорлигини белгиловчи омиллардан бири ҳам айнан шу ҳисобланади. Юридик техника ҳаётнинг ривожланишидан ортда қолиши мумкин эмас. Уни мунтазам равишда такомиллаштириш, эскирган юридик техниканинг самарали жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда янгиларини кашф этиб бориш зарур.

Шу билан бир қаторда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илмий асосланган, ҳар томонлама сифатли қилиб тайёрлаш учун юридик техниканинг ривожланишига шароит яратиш долзарб масалага айланди. Мамлакатимиз парламенти икки палатали тизимга ўтишининг сабабларидан бири ҳам шундир.

Шунингдек, юридик техниканинг ривожланишини таъминловчи омиллардан бири ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида демократик процедуралардан кенг фойдаланишдир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш учун ижодий ва ишчан муҳит яратилиши, улар ҳар томонлама муҳокама ва таҳлил қилиниши, улардаги талабларнинг муқобил вариантлари вужудга келтирилиши ҳамда кенг доирада ўрганилиши ва танқидчилардан ҳимояланган ҳужжат бўлиб қолмаслигига эришиш керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ишларида режалаштириш масаласига ҳам юзаки қараб бўлмайди. Режалаштиришнинг ҳар томонлама фойдали эканлигини кўпгина ҳуқуқшунослар ҳам эътироф этишади¹. Мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда режалаштириш аксарият ҳолларда ҳажм жиҳатидан катта, алоҳида аҳамиятга

¹ Қаранг: Тультеев И.Т. Правотворческая деятельность и прогнозирование. Ответственный редактор: Х.Т. Адылқариев. – Т.: МВД Республики Узбекистан, 2008. – 110–111-бетлар.

эга бўлган ва кўп меҳнат талаб қиладиган қонунларни ишлаб чиқишда амалга оширилади. Бизнингча, ҳар қандай қонунни, қолаверса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бошқа турларини яратишда ҳам режалаштириш масаласига кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Режалаштириш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг устида бемалол ва ҳар томонлама сифатли ишлаш, турли хил ташкилот ва муассасаларни бу жараёнга режали жалб қилиш ҳамда бу ишни назорат қилиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, бу масалани Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасида мустаҳкамлаш таклиф этилмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг устида ишлашда дастлаб яратилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солишини аниқлаш, кейин эса, ижтимоий муносабатлар қандай нормалар билан ва қай йўсинда тартибга солиниши мумкинлигини, ечим талаб қилаётган муаммони, қонунчиликда бу масалада бўшлиқ ёки бир-бирига зид нормалар, такрорлашларнинг бор-йўқлигини аниқлаш ва шунга ўхшаш масалаларни ҳал этиш лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат эскисини бекор қилиш орқали яратилаётган бўлса, унда қандай нуқсонлар мавжудлигини тўлиғича ва ҳар томонлама ўрганиш керак. Яъни, қуйидаги саволларга жавоб бериш зарур: норматив-ҳуқуқий ҳужжат ғоявий ва маънавий жиҳатдан эскирганми ёки ундаги нормалар лозим даражада ишлаб чиқилганми? Балки, қонунчилик ҳужжати фақатгина таҳририй ишлар билан юридик техниканинг талаблари орқали маромига етказилиши мумкинми? Чунки, ортикча куч сарфлаб, уни бутунлай қайта тузишдан кўра, мавжуд камчиликларни бартараф этиш осонроқ бўлиб, айнан шу камчиликлар устида кўпроқ ишлаш имконини беради.

Хуллас, юридик техника кенг доирадаги фалсафий қонуниятларга асосланиб, турли фанларнинг методларидан унумли фойдаланган ҳолда ўзига хос махсус методологик асосга эгадир. У жамият ва табиат қонуниятларини билишни, ижтимоий

ва аниқ фанларнинг уйғунлашувини тақозо этади. Чунки, юридик ҳужжат ижтимоий муносабатларга бевосита таъсир этади ва шу боис мавҳум, тушунарсиз бўлиши асло мумкин эмас. Аксинча, доимо аниқ, илмий асосланган, воқеликка мос ва самарали бўлмоғи лозим.

МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ ВА МАЗМУНИ

Президент Ислам Каримов «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, бошқача қилиб айтганда, ўзимизнинг узоқ ва давомли муддатга мўлжалланган стратегиямизни қабул қилдик, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз»¹ деб таъкидлаб ўтган. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳозирги кунга келиб, янги босқичга кўтарилди, давлат аҳамиятига эга масалани ҳал қилиш, яъни жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш (эркинлаштириш) сари йўл тутилди. Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш сари йўл тутилганлиги, янги ҳуқуқий тафаккурга асосланган Конституциянинг қабул қилинганлиги бутун ҳуқуқий тизимни замонавий тарзда ислоҳ этиш заруриятини долзарб масалага айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан ҳуқуққа замонавий талқин берилди. Унга кўра: «ҳуқуқ ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолат ва тенгликни вужудга келтириш воситасидир»². Ҳуқуқни эркинлик, тенглик ва адолат мезони сифатида тушуниш асосида таркиб топган доктрина қонунчилигимизнинг барча соҳалари мазмунини эркинлаштиришни назарда тутди.

* ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси доценти.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг нутқ ва маърузалари). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 6-бет.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 20-бет.

Маълумки, демократия илгари сурилган ҳар бир жойда, қолаверса, миллий давлатчилигимиз тарихида ҳам «жамият-инсон-давлат» ўртасидаги муносабатлар доимо диққат марказида бўлган. Жумладан, Амир Темурнинг «қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади», деган ҳикматларида эркинлик ва қонун тушунчалари инсоний қадрият сифатида улуғланган эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда, ҳуқуқий тизимни янгилаш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар нисбатан яқинда қабул қилинган қонунларни ҳам қайта кўриб чиқиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ривожига мувофиқлаштириш заруриятини туғдирмоқда, чунки ҳуқуқий тизимни эркинлаштириш жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократик ҳуқуқий давлат принципларига мослаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга катта эътибор беришни талаб қилади.

Демократлаштириш, эркинлаштириш бугунги кунда нафақат давлат ва ҳуқуқ соҳасида, балки, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳам кенг амалга оширилмоқда.

Юқоридаги фикрлар билан бирга, ҳуқуқий ислохотларнинг асосий принциплари ва уларнинг мазмунига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Бугунги кунда қонун устунлиги принципини ҳаётга жорий қилиш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш учун амалга оширилаётган ислохотларнинг бош стратегияси қилиб белгиланган. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойил ҳозирги даврнинг асосий широгога айланган. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, марказий давлат органлари ваколатларини маҳаллий органларга бериш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, фуқаролик институтларининг жамиятдаги ролини ошириш, шахс эркинлигини таъминловчи демократик ўзгаришларни изчил давом эттиришни талаб қилади.

Жамиятдаги ўзгаришлар биздан ҳуқуқий ислоҳотларнинг принциплари ва мазмунига нисбатан турлича ёндашувларни ўрганиб чиқиш ва ўтмишда алоҳида мамлакатлар тажрибасида йўл қўйилган баъзи хатоларни такрорламаслик, иложи борича ижобий тажрибаларни қўллашни талаб қилади.

Бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг асл мақсади инсон ҳаётини яхшилаш, унинг эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлашдан иборатдир.

Шу ўринда, умуман, ҳуқуқий ислоҳотларнинг бир қатор тарихий анъаналарга эгаллигини таъкидлаб ўтишни лозим топдик. Бу анъаналар бир қатор ғояларнинг, ҳуқуқий ислоҳотлар интеллектуал асосининг катта қисмини ташкил қилади. Бунга мисол тариқасида Жан Жак Руссо, Шарл Монтескье, Жон Локк каби мутафаккирлар томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқ принципларини, қадриятлар тизимини мисол келтириш мумкин. XX аср бу принципларни амалий татбиқ этиш билан бойитди, ҳуқуқий ислоҳотлар тарафдорларининг кўпайишига ва улар сафида ушбу ислоҳотлар борасида хилма-хил фикрлар шаклланишига олиб келди.

Кўриниб турибдики, ўша даврлардаёқ халқ ҳокимиятчилиги тарафдорлари ижтимоий эркинлик, умуман, озодликнинг асосий қисмини ташкил қилади, деган фикрда эдилар. Бу биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий умумий принципларидан бири бўлмиш инсонпарварлик принципига асос бўлиб хизмат қила бошлади.

Давлат фаолият кўрсатиши учун ижтимоий муносабатнинг барча субъектлари ўз ижтимоий ролларини тўла ва аниқ бажаришлари лозим. Фикримизча, шахс жамиятдан ташқарида бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосанинг мавжудлиги шу билан изоҳланади. Кейинчалик инсоният тараққиётининг турли даврларида қабул қилинган ижтимоий ҳаёт механизмларидан келиб чиқиб ёки бошқа қадриятларга эришиш мақсадида эркинлик ё тан олинган ёхуд инкор қилинган эди.

Ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий принциплари XVII–XVIII асрларда либерал сиёсий фалсафа юзага келган давр-

ларда шакллана бошлади. Бунда асосан қонунийлик, инсонпарварлик, жамиятни ислоҳ қилишда изчилликка риоя этиш, давлат ҳокимиятини демократик усулда ташкил қилишга эътибор берилди. Бу принципларга шахсий эркинликларни таъминлашга хизмат қиладиган истиқболли принциплар шаклида қарала бошланди.

Ҳуқуқий ислохотларнинг энг машхур ва оммавий принципларидан бири давлат ҳокимиятини демократик тарзда ташкил қилиш зарурияти, яъни демократия ўрнатишдир. Бу принцип – жамловчи, ўзида бир қатор хусусий принципларни муҷассамлаштирган принцип ҳисобланади.

Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда муҳофаза қиладиган қонунчилик тизими ҳам ҳуқуқий ислохотлар ўтказишдан кўзланган мақсад, яъни демократик давлат қуришнинг асосий қисми ҳисобланади. Қонун ижодкорлигининг принципларидан: демократизм, қонунийлик ва конституциявий принциплар ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида конституция ва қонунларга жиддий ва оғишмай риоя этишни билдиради.

Ҳуқуқий ислохотларнинг асосий принципларидан бўлган инсонпарварлик, замонавий демократия, моддий фаровонлик, қонунга итоатгўйлик, илмий асосланганлик, ошкоралик кабиларга асос бўла олади.

Таъкидлаш лозимки, барча ҳуқуқий ислохотларнинг фундаментал асоси қонунийлик принципи бўлиши лозим. Қонунийлик принципи негизида давлат ҳокимияти органларининг бутун фаолияти қонун ҳужжатларида ифодаланадиган ҳуқуқ нормаларига асосланиши шартлиги талаби мавжуд бўлади, деган ҳулосага келдик. Барча ҳокимият органлари ва жамият аъзоларининг қонун талаблариги қатъий ва оғишмай риоя қилиши ҳуқуқий ислохотлар ушбу муҳим принципнинг мазмунини ташкил қилади. Давлат тузилиши моделининг тарихи шуни кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, ҳуқуқий ислохотларнинг тарихийлик принципи ҳуқуқий ҳаёт ривожланишига мос келади.

Шу ўринда ҳуқуқий ислоҳотларнинг ошкоралик, мантиқийлик, изчиллик каби принципларининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Мамлакатда амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳуқуқий ислоҳотлар тўғрисида кенг омманинг хабардор бўлиб бориши бу ислоҳотлар муваффақиятининг кафолати ҳисобланади, чунки айнан ошкоралик давлат ҳокимиятини ташкил қилишга тўғри ёндашувни таъминлаши мумкин. Бу эса, ҳуқуқий ислоҳотлар стратегиясини белгилаб олиш ва уларни амалга оширишдаги мантиқийликни таъминлашга хизмат қилади. Мантиқийлик эса, тарихий шарт-шаротидан келиб чиққан ҳолда жамият ҳаётини яхши томонга ўзгартириш истиқболларини белгилаб олишга кўмаклашади.

Ҳуқуқий ислоҳотларнинг изчиллик принципи эса, белгилаб олинган ислоҳотларни амалга оширилаётган ва оширилажак тадбирларнинг узвий боғлиқлигини, тадрижий ривожини таъминлайди, дейиш мумкин.

Махсус принциплар дейилганда қуйидагиларни назарда тутиш мумкин:

- ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда усул ва воситаларнинг замон руҳига мос равишда танланганлиги;

- назария ва амалиёт уйғунлиги, талаб (эҳтиёж) ва таклифнинг мувофиқлиги;

- истиқболга мўлжал ола билиш (башоратга асосланганлик);

- бир шахс ҳуқуқ ва эркинликлари бошқа шахснинг ҳуқуқий манфаатларига зиён етказмаслиги.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, усул ва воситалар тўғри танлангандагина, ҳуқуқий ислоҳотларнинг тўғри йўналишда бўлиши таъминланади. Бундай усул ва воситалардан асосийси сифатида ҳокимиятларнинг бўлиниши принципини келтириб ўтиш мумкин. Чунки, шундай ҳолат юзага келмаса, ҳуқуқий ислоҳот тизимидаги назарий камчиликлар сиёсий амалиётда бартараф этилишига умид қилиб бўлмайди: яъни, қонунда назарда тутилган ҳар қандай адолатсизлик эҳтимоли қонун чиқарувчиларнинг айбига айланади. Ҳокимиятнинг ижроия тармоғи мустақил эканлиги фактининг ўзи биланоқ қонун ижодкорларини адолатни энг мақбул даражада мужассам этишга ундайди.

Фикримизча, токи ҳуқуқий ислоҳотлар ўзининг демократизм, босқичма-босқичлик, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, қонунийлик, ижтимоий адолат, қонунийлик, инсонпарварлик, тарихийлик, илмий асосга таянганлик, мантиқийлик, изчиллик, ошкоралик, бир тизимга солинганлик каби асосий принциплари ва бу ислоҳотларни амалга оширишда усул ва воситаларнинг тўғри танланганлиги, назария ва амалиётнинг бир-бирига мослиги, келгуси истиқболнинг тўғри белгиланганлиги каби махсус принципларига асосланар экан, бу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – демократик ҳуқуқий давлат яратиш, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш сари олға қадам ташланаверади.

Хулоса ўрнида, ҳуқуқий ислоҳотларнинг принциплари мамлакатимизда жамият ҳаётини эркинлаштиришга асос бўлувчи қоидалар, ғояларни ифодалаб беради, дейиш мумкин.

ШАРҲЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖАРАЁН СИФАТИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТГА ТАЪСИРИ

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият билан бевосита боғлиқ бўлиб, жамият аъзолари ва ҳар бир шахснинг ҳуқуқий нормалар моҳиятини, қонун талабларини тўғри тушунишини белгилаб беради ҳамда қонунийликка риоя қилиш даражасини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш муаммолари аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» тўғрисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир»¹.

Шарҳлаш жараёнини, шарҳловчи орган томонидан ҳуқуқий қоидаларни тушуниб олиш ва тушунтириб беришга йўналтирилган, мантиқий боғланган кетма-кетликда амалга ошадиган тизим сифатида тавсифлаш мумкин. Ушбу фаолият шарҳлаш тўғрисидаги ҳужжатни чиқариш билан яқунланади.

* Конституциявий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 27-бет.

Агар кўриб чиқиладиган ҳуқуқий норма ҳамма учун тушунарли тарзда баён этилган бўлса, шарҳлашни рад этиш бўйича қарор чиқариш билан яқунланади. Бунда шарҳловчи органнинг ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш жараёни маълум босқичларда олиб борилади.

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш жараёнида аҳолининг қонунларни билиши, ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданият даражасини ҳисобга олиш лозим. Зеро, ҳуқуқни билмай ва тушунмай туриб юксак ҳуқуқий маданиятга эришишни тасаввур қилиб бўлмайди¹. Қонун ҳуқуқий маданиятнинг барча кўринишларига фаол таъсир кўрсата олади. Айни вақтда ҳуқуқий маданият қонунни самарали шарҳлаш ва қўллашнинг омили ҳамда гаровидир.

Мазкур ўзаро таъсир қўйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, қонун ҳуқуқий мафқуранинг инъикоси бўлиб, ҳуқуқий ғояларни ифодалашга, ҳуқуқий тартибга солиш муаммосини ҳал қилишга янги, янада тараққийпарвар ёндашувларнинг қарор топишига шароит ярата олади; иккинчидан, қонун асосида ҳуқуқий маданиятнинг даражасидан далолат берувчи қонуности норматив ҳужжатлар чиқарилади, ҳуқуқий институтлар шаклланади; учинчидан, қонунлар ва улар асосида чиқарилган қонуности ҳужжатлари орқали маданиятнинг энг зарур талабларига жавоб берувчи ҳуқуқатвор ва муносабатлар тизими қарор топади; тўртинчидан, қонун орқали аҳолига юридик маданиятни сингдиришга қодир бўлган муассаса ва органлар ташкил этилади ёки шакллантирилади².

Ҳуқуқни шарҳлаш мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида ва умуман, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида катта аҳамият касб этади. Барча ижтимоий жараёнлар, яъни давлат ҳокимияти тизимини ислоҳ қилиш ҳамда жамиятда

¹ Қаранг: Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.2. – Т.: 1998. – 7–9-бетлар.

² Қаранг: Каримов Р.К. Роль закона в формировании правовой культуры / Ҳуқуқ, Право, Law. – 1998. – № 2. – 69–70-бетлар.

ҳуқуқий ворисликни таъминлаш барқарор ва жадал ҳуқуқий тартибга солишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, қонунчиликни режали тарзда ривожлантиришга, ҳуқуқий нормаларни изчил амалга оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ёрдам беради.

Ҳуқуқий маданият – жамият умумий маданиятининг ажралмас ва ўзига хос қисмидир. Умуман олганда, ҳуқуқий маданиятни инсоният ҳуқуқ соҳасида тўплаган барча қадриятларнинг мазмуни деб таърифлаш мумкин. Ҳуқуқий онг эса, ҳуқуқий воқеликнинг инсон онгида акс этиши, ҳуқуқ тўғрисидаги ғоялар, қарашлар мажмуасидир.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган мустақил Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳозирги даврда ғоят муҳим ва долзарб муаммодир. Шу боис, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, фуқароларнинг барча қатламларининг ҳуқуқий саводхон бўлишига ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишларига эришиш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»да¹ ҳам белгилаб берилган.

Юриспруденция соҳасида фаолият кўрсатаётган кўпчилик олимлар ҳуқуқий онгни одамларнинг ҳуқуқ ҳамда ҳуқуқий ҳодисалар муносабатига доир ғоялари, қарашлари, ҳис-туйғулари, ишончлари мажмуи сифатида таърифлайдилар. Уларнинг фикрича, ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг шундай соҳасидирки, унинг қамровида: тушунча, таассурот, баҳолаш, фикр юритиш каби жараёнларнинг ҳуқуқ нормаларигина шаклланиб қолмасдан, балки ҳуқуқий тизимнинг хилма-хил қисмлари борасида тушунчалар юзага келади.

¹ Қаранг: Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 227-модда.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг шаклларида бири сифатида жамият ҳуқуқий ҳаётида ўз аксини топади. Бу инъикоснинг хусусиятлари юридик тушунча ва категориялар орқали ифодалангани, шунингдек, ҳуқуқий онг даражаси билан ҳуқуқнинг жамият ҳаётига таъсир кўрсатиш даражаси ўртасида алоқадорлик мавжудлиги кўзга ташланади.

Ҳуқуқий онг, ўз навбатида, жамият ҳаётининг иқтисодий омили ва моддий шароитлари ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси билан боғлиқ. Шунингдек, қонунларнинг мазмунини билиш даражаси жамиятда ҳуқуқий онгнинг ривожланганлик даражаси ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «... бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди, ...»¹.

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш масаласи Ўзбекистон давлатчилиги ривожланиши ва амал қилишининг ҳозирги босқичида муҳим омиллардан биридир. Қонун ҳужжатини нотўғри шарҳлаш ҳуқуқни татбиқ этишда салбий оқибатларга олиб келади. Аммо, шу билан бирга, ҳуқуқ нормасининг нафақат ижобий, балки салбий шарҳланиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш лозим.

Ҳуқуқ мазмунини аниқлаш шарҳловчининг ижодкорлигини ва маънавий фаоллигини талаб қилади. Шарҳлашнинг муваффақияти шарҳловчи субъектларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Зеро, кундалик турмушда кўпгина ҳуқуқбу-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 27–28-бетлар.

зарлик ҳолатлари аҳолининг мавжуд ҳуқуқ нормаларининг мазмун-моҳиятини яхши билмаслиги ёки мазкур ҳуқуқий нормалардан умуман беҳабарлиги натижасида юзага келмоқда.

Инсон ўз хатти-ҳаракатларининг натижаси шахсга, давлатга ёки жамиятга муайян бир хавф келтиришини билмаган ёки умуман хохламаган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳозирги кунда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлашни муайян тарзда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳуқуқий онг жамият тараққиётига, ижтимоий турмуш ривожланишига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий ғоялар, билимлар ва тасаввурлар, ҳуқуқий назариялар ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига кириб бориб, фуқароларнинг онгидан ўрин олиб, уларнинг хулқ-атвори ва амалий фаолиятига мафкуравий ҳамда психологик таъсир этади. Ҳуқуқий онг элементлари шахсларни маълум даражада ўзларини идора қилишга, мавжуд қонунқоидалар доирасида ўз ҳуқуқ ва эркинликларини самарали амалга ошириш юзасидан фаолият кўрсатишга ундайди.

Таъкидлаш жоиз, ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёнларига қанчалик эътибор кўрсатилишига боғлиқ. Жаҳон тажрибасига назар ташласак, Япония ва Малайзия каби давлатларда ҳуқуқий маданият ўқувчиларга мактаб давриданоқ сингдириб борилишини кузатиш мумкин. Бу мамлакатларда ёшларнинг парламент биноси олдига келиб таъзим қилиши одатий ҳол. Мазкур анъана нафақат парламент ва қонунларга ҳурмат, балки мамлакатда қонун чиқарувчи органларга бўлган ишонч ва эҳтиромдан ҳам далолатдир¹.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг усул ва турларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этиш кишилар онгли фаолиятининг натижасидир. Бунда ҳуқуқий тафаккур муҳим роль ўйнайди. Ҳуқуқий тафаккурнинг асосини ҳаққоний юридик билим, жамиятда ҳуқуқий воситалар орқали ҳал қилинаётган вазифалар-

¹ Қаранг: Очилов А. Ҳуқуқий маданият зарурати // Ниқуқ ва бурч. – Т.: 2010. – № 11. – 34-бет.

ни назарий англаган ҳолда тушуниш ташкил этади. Истиқлол ва ислоҳот даврида ҳуқуқнинг тобора инсон ҳаёти ва фаолиятининг узвий қисмига айланиб бориши ҳуқуқ ҳодисасини янги даражада тафаккур мавзусига айлантиришда тўпланган билимларни, ахборотларни умумлаштириш ва тизимлаштиришга, ҳуқуқнинг изчил ҳаракатини таъминловчи ғоялар, назариялар, мазмунли тушунчалар яратишга бўлган эҳтиёжини вужудга келтирди.

Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқий тафаккур давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини белгилаш, ҳуқуқий тизимни шакллантириш, умуман, ҳуқуқ ҳодисасини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга, истиқлол моҳиятига мос ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланиши ва ривожланишига жамиятда айни замондаги ҳукмрон муносабатлар, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, ҳуқуқшунослик фанининг даражаси, шунингдек, донишманд аждодларимизнинг бой ҳуқуқий мероси катта таъсир кўрсатди¹.

Амалдаги қонунчиликнинг сифат даражаси ва қонунларни амалиётга татбиқ этишнинг муваффақияти ҳуқуқий шарҳлашга боғлиқдир. Қонун ижодкорлиги барча ижодий фаолият сингари қонуншуносдан нафақат умумий маданиятни, балки қонун ҳужжатларини шакллантириш ва ифодалаш билан боғлиқ маҳсус билим ва малакаларни ўзлаштиришни ҳам талаб этади². Чунки, қонунлар адолатли ва ҳуқуқий кучга эга бўлиши билан бир қаторда «...бевосита таъсир этиш кучига эга бўлиши керак, амалиётда пайдо бўладиган ҳар қандай масалаларни ҳуқуқий тизим қоидаларига мувофиқ ҳал қилишга имкон бериш зарур. Бунинг учун қонунлар пишиқ ва пухта бўлиши, яъни масалани ҳал этиш учун ижрочиларга оширилганда ва кўпинча бир-бирига зид бўлган норматив ҳужжатлар ва йўриқ-

¹ Қаранг: Одилқориев Ҳ. Конституция ҳуқуқий тафаккур ва маънавий салоҳият кўзгуси // ТДЮИ ахборотномаси. – 2007. – № 5. – 15-бет.

² Халилов Э.Х. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т.: 2000. – 28–29-бетлар.

номалар билан чеклаб қўйилганда сансалорликни имкони бо-рича камайтириши керак»¹.

Уқоридаги фикрлардан маълумки, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳозирги шароитда жуда долзарб бўлиб, шарҳлаш жамиятнинг ҳуқуқий қарашлари ва эътиқодларини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Жамиятнинг ҳуқуқий онги-да қонунларга риоя қилишнинг мақсадга мувофиқлик ғояси ҳуқуқнинг ҳамма учун умумийлиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эр-кинликларининг ҳақиқий кафолатланганлигига асосланиши жуда муҳим².

Бошқача айтганда, жамиятдаги тартиб ва унинг аъзолари-нинг қонунга итоаткорлиги, бевосита жамият ҳуқуқий мадания-тининг даражасига боғлиқ. Ҳуқуқий маданият эса, аҳоли ҳуқуқий жиҳатдан саводли бўлган, яъни ҳуқуқ нормаларини ва умуман норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри шарҳлаш қобилияти бўлган тақдирдагина мавжуд бўлади.

Шундай экан, биз жамият ҳуқуқий маданиятининг ҳар бир таркибий қисмида мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаши-миз ҳамда уларни ҳал этиш ва янада такомиллаштириш бора-сида мунтазам равишда иш олиб боришимиз зарур. Бугунги кунда келажак авлод ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтиришнинг муаммоларга бой таркибий қисми ҳуқуқий онг ва уни янада кўтариш борасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш ҳисобланади, десак хато қилмаймиз³. Ҳуқуқ норма-лари аҳолига қанчалик маълум ва тушунарли бўлса, уларнинг амалга ошиши, жумладан, қўлланилиши шунчалик самарали бўлади.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш жамиятнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражаси билан бевосита боғлиқ. У шахс,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 125–126-бетлар.

² Қаранг: Хамраев А.А. Судьяларнинг касбий ҳуқуқий онги (назария ва амалиёт). – Т.: 2003. – 137-бет.

³ Қаранг: Исмаилов И. Ҳуқуқий маданият: уни шакллантириш ва юксал-тириш муаммолари // Bola va zamon. – № 2. Т.: – 2008. (11). – 8-бет.

жамиятнинг ҳуқуқий нормалар моҳиятини, қонун талабларини тўғри тушунишини белгилаб беради ҳамда қонунийликка риоя этилишини кўрсатади. Шарҳлаш жараёнида аҳолининг қонунларни билиши, ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданият даражаси ҳисобга олинади. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг усул ва турларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФАНАТИЗМА

В последнее время стало появляться много молодежи, претендующей на то, что только их взгляды являются истинными, а все остальные – ложные или ошибочные. Такое поведение характерно для проявления нетерпимости и фанатизма.

Понятие «фанатизм» происходит от латинского слова «fanum» – «жертвенник». Еще один, более психологичный корень – это латинское слово «fanaticus» – исступленный. В обычном употреблении, понятие «фанатизм» обозначает, прежде всего, непоколебимую и отвергающую все остальные альтернативы приверженность субъекта определенным убеждениям, которая находит выражение во всей его деятельности и общении, придавая им особый характер¹. Это доведенная до крайней степени приверженность каким-либо верованиям или воззрениям, проявляющаяся в нетерпимости к любым другим взглядам. В переносном смысле, фанатизм – это страстная преданность чему-либо. Психологически фанатик постоянно находится во власти сверхценных и сверхзначимых для него идей, составляющих основу его мировоззрения. Именно они придают смысл всей его жизни, неизбежно являются стержнем его общения с другими людьми. Отмечается неспособность таких людей к компромиссу и диалогу с окружающими². Люди, высказывающие другие взгляды, рассматриваются в качестве врагов, по отношению к которым используются все средства борьбы. Фанатизм всегда связан с готовностью к жертвам во имя этих идей, взглядов и оценок.

Фанатизм как эмоциональное проявление характеризуется чрезмерным рвением, энтузиазмом, одержимостью, слепой верой в правоту своих (чаще всего, экстремальных религиоз-

* Доцент кафедры психологии и профессиональной этики.

¹ Д.В. Ольшанский. Психология терроризма. – М.: 2002. – С. 23.

² Короленко Ц.П., Дмитриева Н.В. Социодинамическая психиатрия. – М.: 1999. – С. 134.

ных или политических) убеждений, в превосходство и исключительность предмета своего обожания и его последователей.

Психологически фанатизм часто опирается на идейный радикализм (от латин. «radix» – корень – определяется как социально-политические идеи и действия, направленные на наиболее кардинальное, радикальное изменение существующих социальных и политических институтов) и экстремизм (от французского «extrémisme» и латинского «extremis» – крайний – приверженность в политике и идеологии крайним взглядам и действиям) и обычно лежит в основе реального терроризма – насильственных действий, совершаемых во имя и ради распространения разделяемых им идей¹. Это не значит, что всякий фанатик – террорист, но большинство террористов – это фанатики. Преданность исключительно своим, вполне определенным убеждениям обычно сочетается у фанатика с нетерпимостью ко всем инакомыслящим, крайним пренебрежением к существующим юридическим и этическим нормам, препятствующим достижению некоей цели, непонятной и недоступной для «непосвященных», но сверхценной для фанатика. Ради достижения этой цели он готов практически на все, в том числе и на самопожертвование. Именно утверждение своих убеждений ценой собственной жизни представляет собой наиболее распространенный и чаще всего встречающийся вариант фанатизма.

«Именно люди или группы людей, несущие заряд фанатизма, способны вызвать широкую волну дестабилизации в обществе, тем более, что элемент массовости размывает чувство личной ответственности за те или иные действия...»².

Из представленных определений становится ясно, что фанатизм – это проявление некоей односторонности во взглядах.

На практике принято подразделять фанатизм на религиозный, идейный, политический и патриотический. Менее значимыми являются проявления фанатизма в научной, культурной,

¹ Д.В. Ольшанский. Психология терроризма. – М.: 2002. – С. 24.

² И.А. Каримов. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Т.: 1997. – С. 37.

спортивной и других сферах, хотя они могут присутствовать и там, не представляя особой опасности для окружающих.

Почему человек становится фанатиком, какие мотивы толкают его фанатично бороться за свою идею? Ответ на этот вопрос следует искать в глубинах его психологии. Конечно, безусловно, существуют социальные, политические, экономические и многие другие причины, порождающие фанатизм, но все они преломляются в личности и наличие определенных личностных факторов, психологических механизмов, личностной предрасположенности, в конце концов, приводят человека в ряды фанатиков.

По мнению, Н. Ининой, фанатик – это всегда продукт системы, массовой культуры, которая «порождает человека инфантильного, незрелого, плохо осознающего себя, свои подлинные мотивы». А мотивы его противоречивы: с одной стороны, это потребность в определенном руководстве (как верить, за что бороться, что говорить, что думать); с другой – желание почувствовать себя самостоятельным, независимым, сильным. Налицо типичный внутриличностный конфликт, который не осознается самим человеком. Эта двойственность делает его уязвимым и склонным к разного рода влияниям. В глубине бессознательного мира фанатика живут страх, недоверие, тревога, что толкает его к сильной идее или лидеру, с которыми он себя отождествляет и таким образом начинает ощущать себя сильным и правым. Именно в этой почве укореняется идея насилия по отношению к другим. «Благодаря энергии бессознательного невротические защиты трансформируются в формы нападения, глубинный невротический страх проецируется во внешнюю реальность. Назначается «враг», ему приписывается то, что подавляется самим человеком. Мобилизуются ресурсы и начинается война. Стоит ли говорить, что в психологическом плане эта война идет с самим собой», – отмечает исследовательница¹.

¹ Н. Инина. Деструктивные формы веры как порождение аномалий личности // Доклад на XXIII Международных Рождественских образовательных чтениях. 23 января 2015 г.

Еще одна сущностная черта фанатика – это глубочайший эгоцентризм. Н. Инина объясняет, почему диалог с фанатиком, в принципе, невозможен: «Диалог предполагает встречу различных мнений. В мире фанатика нет места другой человеческой личности, другому мнению, взгляду, способу жизни. Такая эгоцентричная, а стало быть, инфантильная особенность подразумевает отсутствие рефлексии, свойственной любой зрелой здоровой личности».

Чем младше человек, тем более он подвержен деструктивным влияниям, ибо воспринимает окружение как обучающую среду. Период раннего полового созревания характеризуется активной ориентацией на адаптацию к паттернам общения в малой группе, то есть восприятие правил игры в коллективе. Этот возраст более всего уязвим в плане повышенной восприимчивости к предлагаемым ему паттернам поведения в группе, более того, именно в этом возрасте резко возрастает значение символических родительских фигур, которые проективно разыскиваются вовне.

Второй возраст повышенной чувствительности – юношество, 17–19 лет, когда возникает реальная жажда самоутверждения в социуме, однако сил для этого не хватает, а потому нужна поддержка покровителей, которые заведомо сильнее и образованнее самого человека. Достаточно продемонстрировать эффективность собственного поведения в кризисных ситуациях, для того чтобы стать кумиром молодого индивидуума. В юношеском возрасте часто очень сильна мотивация к формированию образа «Я» через отрицание отвергаемых моделей поведения. Самоопределение и самоутверждение осуществляется посредством контрастного и резкого разграничения собственной идентичности с наблюдаемыми вовне примерами судеб и моделей жизни. Именно на этом строится психополитика индоктринации, ориентирующаяся на предложение незрелому индивидууму ролевых моделей, заведомо отличающихся от общепринятых. Личностная зрелость проявляется в адекватном восприятии того образа жизни, который не созревшему индивидууму представляется как формаль-

ный, банальный, пыльный (то есть отживший), скучный, исчерпавший себя, неперспективный. Именно эта особенность возраста привлекает молодых людей и способствует превращению их в фанатиков.

В целом, можно сделать вывод, что кандидаты в фанатики – люди внушаемого типа, которые с легкостью поддаются разного рода манипуляциям, гипнозу и не признают полутонов. Чаще всего это доверчивые, добродушные, положительные люди, которым не хватает мудрости. Хотя теоретически фанатами могут стать любые личности, так как существуют еще и психотехники, способные успешно воздействовать на каждого индивида.

Главная же сила фанатиков заключается в их несокрушимой воле, которая помогает им без колебания проводить то, что они считают нужным. К голосу убеждения они глухи; вся их страстная, но несложная эффективность находится целиком на службе их веры, а сопротивление и преследования только закаляют их. Именно поэтому они так привлекательны в глазах других. Они заражают своей одержимостью и верой, они при этом очень убедительны.

Причины возникновения фанатизма могут быть разными: политические (как помощь в управлении государством или народом); психологические (как средство ухода от реального мира или поиск своего «Я»); религиозные (как норма некоторых религий или излишняя требовательность к верующим в связи с неправильным пониманием заповедей); социальные (как преодоление социальных противоречий, конфликтов именно негативного характера, особенно в современную эпоху). Исследователи выделяют также психологические факторы, которые способствуют формированию фанатизма. К ним можно отнести следующие:

– особый тип воспитания в детстве – авторитарный и педантично-подозрительный (при котором родители не верят, не доверяют своим детям, подвергают их оскорбительному тотальному контролю, пытаются полностью изолировать от сверстников, друзей, стремятся абсолютно контролировать свобод-

ное время ребенка, круг его интересов, занятий, общения, авторитарно подавлять ребенка) или, наоборот, воспитывать ребенка по типу «кумир семьи», когда на ребенка готовы молиться, ему все дозволяется, отсутствуют ограничения, его капризы удовлетворяются немедленно, а убеждение, как основной способ воздействия не используется, в результате чего формируется крайний эгоцентризм, эгоизм, первыми жертвами которого становятся сами же родители;

– особенности личности (низкая самооценка, доминирующие потребности в самоутверждении (собственной личности, жизненной позиции, идей) и самоактуализации (не способность реализовать себя в социуме), ограниченная способность к самоанализу и критической оценке своих действий и поступков, доминирующие невротические механизмы психологической защиты (чаще с устойчивым ощущением личностной недостаточности с фиксацией смысла жизни на одной идее);

– аутодеструктивная (направленная против себя и разрушительная) стратегия поведения в кризисной ситуации;

– расстройства личности: зависимое, тревожное, нарциссическое (самолюбование и самовосхищение).

Что же касается вовлечения молодежи, то чаще всего, по мнению Вершинина М., это делают через «возвышенные мотивы»¹. Молодежь в силу умственной и моральной незрелости, легко принимает радикальные национальные, социальные или религиозные идеи. Вовлекают ее чаще всего через тоталитарные (т. е. полностью подавляющие волю людей и подчиняющие их только воле «вождя» «учителя»), религиозные или идеологические секты. Длительное нахождение членов террористических или культовых групп в конспиративной обстановке при интенсивной террористической (религиозной) тренировке, включающей и специальные (ведущие к реформированию мышления) технологии психологической обработки, приводит к появлению специфической среды, которую, по аналогии с

¹ Вершинин М. Психологические особенности членов деструктивных и террористических (радикальных) групп. – М.: 2012. – С. 45.

уголовной средой, можно назвать террористической средой с особым типом сознания людей.

Генезис формирования и динамика поведения «вовлеченной» личности напрямую зависит от таких факторов как воспитание, образование, мироощущение, возможности самореализации в современной жизни, в обществе, которое окружает данную личность.

Чаще членами радикальных (деструктивных и террористических) организаций становятся выходцы из неполных семей, люди, которые по тем или иным причинам испытывали трудности в рамках существующих общественных структур, потеряли или вообще не имели работу. Чувство отчуждения, возникающее в подобных ситуациях, заставляет человека присоединиться к группе, которая кажется ему столь же асоциальной, как и он сам. Общей чертой террористов и культистов является, таким образом, сильная потребность во включенности в группу подобных людей, связанная с проблемами самоидентичности (Miller, 1988).

Чтобы из ребенка не вырос фанатик, необходимо с детства прививать способность критически оценивать свои поступки, воспитывать в нем самоуважение и уважение к другим, чувство ответственности за свои ошибки.

Личностное воспитание и характер, социальный статус и уровень социального контакта с обществом, историко-политический уклад общества и нравственно-психологические особенности индивида имеют большое значение, когда речь идет о развитии фанатизма. То есть считается, что личность образованная, зрелая, имеющая свою точку зрения, нашедшая свое место в социуме, успешно профессионально и личностно адаптированная, как правило, достаточно устойчива к разного рода влияниям.

Собственно речь идет о духовности и ее повышении. Как неоднократно подчеркивает наш президент И. Каримов: «Ни одно общество не может видеть свою перспективу без развития и укрепления духовного потенциала, духовных и нравствен-

ных ценностей в сознании людей»¹. Духовные основы, в свою очередь, базируются на таких устоях, как приверженность общечеловеческим ценностям, укрепление и развитие духовного наследия народа, свобода самореализации человеком своего потенциала, патриотизм.

Подводя итоги сказанному, хочется еще раз отметить, что проблема фанатизма, особенно в свете последних событий, связанных с деятельностью такой религиозной организации, как ИГИЛ, требует особого внимания и совместной работы со стороны всех специалистов. Только совместными усилиями, формируя духовно богатую и нравственно цельную гармонично развитую молодежь, обладающую независимым мировоззрением и самостоятельным мышлением, опирающуюся на бесценное наследие наших предков и общечеловеческие ценности возможно построение правового демократического общества, основанного на принципах гуманизма, обеспечивающее права и свободы граждан.

¹ И.А. Каримов. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Т.: «Узбекистан», 1997. – С. 131.

САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили демократик сиёсий тизимни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш бўлиб, унинг моҳияти фуқаролик жамиятини оқилона сиёсий бошқариш, жамият билан давлат ўртасида ижтимоий ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилишида ифодаланади. Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, демократик тамойилларга асосланган сиёсий тизимни қарор топтириш йўлидан одимлади. Бундай тизимнинг асосини демократик сайловлар ташкил этади.

Сайловлар давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришнинг энг демократик воситаси, халқчил шакли ҳисобланади. Ҳозирги замонавий дунёнинг кўпчилик мамлакатларида демократик сайлов тизими амал қилмоқда, чунки у туфайли аҳолининг аксарият катта қисми ҳокимиятни шакллантириш борасида ўзининг муносабатини билдириш, иродасини ифодалаш имкониятига эга бўлади.

Сайлов тизими мамлакат ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-сиёсий тизимининг узвий қисми ҳисобланади. Сайлов тизимига социал-сиёсий, маданий ва ҳуқуқий ислохотлар, кўппартиявийликнинг, сайловчилар электорал маданиятининг ўсиши ва бошқа омиллар жиддий таъсир кўрсатади.

Жаҳон ва мамлақтимиз тажрибасидан маълумки, сайлов тизими ташкил топганидан ҳозирги кунга қадар ривожланишда давом этиб, такомиллашиб келмоқда. А.А. Азизхўжаев таъкидлаганидек, «ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ривожиди демократик ва сифат ўзгаришлари юз бераётгани жамият сиёсий тизимида акс этмоқда»¹.

* ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. – Т.: 1997. – 85-бет.

Сайлов тизимининг қарор топиши ҳар қандай сиёсий ҳодиса сингари – инсонлар иродаси, тафаккури ва фаолиятининг маҳсулидир. Инсонларнинг жамиятни бошқаришда демократик усулларга таянишга бўлган хоҳиш-истагини рўёбга чиқариш воситаси дейиш мумкин. Жамиятни бошқариш, айтилиши вақтда, ҳокимият ваколатини тақозо этадиган воқелик ҳисобланади.

Ҳокимият – кишилиқ жамияти пайдо бўлганидан буён мавжуд бўлиб, то ҳозиргача қудратли «жозоба» билан инсонлар ақлини ўзига тортиб келаётган ниҳоятда мураккаб ижтимоий ҳодиса. Бугунги кунда аксарият олимлар эътироф этган нуқтаи назарга кўра, ҳокимият – бу муайян шахс (гуруҳ)нинг у ёки бу киши (гуруҳ) устидан бошқарувни амалга ошириш (ҳукмронлик қилиш)¹, у ёки бу нарсанинг тақдирини ҳал этиш имкониятидир. Ҳокимиятнинг муҳим сифати унинг кишилар ўртасидаги иродавий муносабат эканлигида ифодаланади. Ҳокимият – бу шундай ижтимоий иродавий муносабатки, бунда ҳукмрон ироданинг устунлиги, белгиловчи роли таъминланади². Ҳокимият амалга ошган жойда муайян иродавий акт (муносабат) бор ва шунинг натижасида рўй берадиган бошқарув ва бошқарилиш мавжуд бўлади. Бошқарув эса, маълум бўйсуннишни талаб этади. Демак, ҳокимият бўйсунниш ва зарур бўлганда мажбурлаш элементлари орқали амалга оширилади. Маълум обрў (авторитет) ва бўйсуннишсиз ҳокимиятни амалга ошириш, бошқариш мумкин эмас³.

Шу боис, ҳокимиятни қарор топтиришнинг демократик усули халқнинг хоҳиш-истаги билан боғлиқ. Халқ жамиятни бошқаришни ўзлари маъқул деб билган инсонларга тақдим этишда сайловлар муҳим аҳамият касб этади.

Сайлов ўзининг моҳиятига кўра, шундай демократик жараёнки, унда халқ ҳамда унинг вакиллари қонунда белгиланган тартибда ҳокимиятини бошқаришга кимни қўйиш ёки четлатиш масаласининг ўзи мустақил ҳал этади. Албатта, нодемо-

¹ Исломов З. М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2007. – 234-бет.

² Қаранг: Кейзеров Н.М. Власть и авторитет. – М., 1973. – 38-бет.

³ Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – 59-бет.

кратик давлатларда ҳам сайловлар ўтказилади, лекин одатда формал характерга эга бўлади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 2-моддасига кўра, «давлат ҳокимияти – бу халқнинг иродасидир».

Ҳозирги даврда демократик сиёсий тартиб жорий қилинган мамлакатлар сиёсий-ҳуқуқий тизимининг асосий қондасига айланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ўзининг узок ўтмишига эга. Давлатнинг алоҳида ваколатга эга бўлган айрим органларини ва мансабдор шахсларини сайлаш қадимги даврларда Хитой, Хиндистон, Афина, Рим каби мамлакатларда расм бўлган. Ўрта асрларда Франция, Германия, Болгария, Сербия каби мамлакатларда давлат бошлиқлари сайлаш йўли билан ҳокимият тепасига келганлар. 1295 йилдан бошлаб Англия парламенти, XVI асрда Польша сейми, Россия земский собори қўйи палаталарининг аъзоларини сайлаб қўйиш тартиби жорий қилинган. Қадимги даврларда ва ўрта асрлардаги сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ҳақида сўз борганда, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бундай ҳуқуқ чекланган бўлиб, ундан фақат эркин кишилар, мулкдорлар ва аслзодалар фойдаланганлар¹.

XVI асрга келиб Европа мамлакатларида шакллана бошлаган капиталистик ишлаб чиқариш усули буржуа инқилобларини амалга ошириш учун зарур бўлган объектив ва субъектив шарт-шароитларнинг яратилишига имконият туғдирди. Буржуа инқилоблари арафасида, уларни амалга ошириш жараёнида фаоллик кўрсатган ижтимоий-сиёсий кучлар талаби асосида бир қатор мамлакатларда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан фойдаланувчилар, сайлаб қўйиладиган давлат органлари ва мансабдор шахслар доираси кенгайтирилди².

Бевосита мамлакатимиз ҳудудида сайлов ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида сўз кетганда, шуни қайд этиш лозимки, алоҳида мансабдор шахсларни сайлаш қадим

¹ Беков И.Р., Аббосхўжаев Ш.А. Сиёсий партиялар ва президент сайлови. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 50-бет.

² Тургунов О., Беков И. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига шарҳ. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 56-бет.

даврларда ҳам, ўрта асрларда ҳам, расм бўлган. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудини ўз ичига олган Хунлар, Турк ҳоқонлиги, Қорахонийлар ва кўчманчи ўзбеклар давлатларида давлат бошлиқлари жамиятнинг ҳукмрон доиралари вакилларидан ташкил топган қурултойлар ёки кенгашлар томонидан сайланган, бу вакиллик тизимлар давлат бошлиғининг ваколатларини маълум даражада чеклаган, мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширган¹.

Туркистон Чор Россияси томонидан босиб олингач, бу ўлкада амалга оширилаётган мустамлакачилик сиёсатини бекаму кўст амалга оширишга қарши қаратилган сиёсий-ҳуқуқий тартибларга тобора кучайиб бораётган туб аҳолининг норозилигини сусайтириш, бу ерда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда маҳаллий халқлар вакилларидан фойдаланиш мақсадида халқ судьялари ва оқсоқолларни сайлаш тартиби жорий қилинган. Лекин сайлов натижалари вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари томонидан тасдиқланган тақдирдагина, сайлов ҳақиқий ҳисобланган. 1888 йилда Тошкент шаҳрига «ўз-ўзини бошқариш» ҳуқуқи берилган. Тошкент шаҳар думасига сайловлар ўтказилган. Думага сайловларда қатнашувчилар мулкӣ ҳолатига қараб уч гуруҳга: 1) кўп миқдорда солиқ тўловчилар – бойлар, юқори табақага мансуб руҳонийлар, юқори маъмурлар ва йирик савдогарлар; 2) ўрта ҳоллар – ер эгалари, судхўрлар ва оддий маъмурлар; 3) куйи табақа вакиллари – майда савдогарлар ва ер эгаларига бўлинган бўлиб, шахснинг мулкӣ ҳолати унинг сайловда қандай ўрин тутишини белгилаб берган. Етарлича мулкка эга бўлмаган ишчилар ва ҳунармандлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Тошкент шаҳар Думаси 72 нафар аъзосининг учдан икки қисми шаҳарнинг рус аҳолиси яшайдиган ҳудуддан сайланарди. Дума аъзолигига сайланадиган маҳаллий аҳоли вакиллариининг рус тилини биладиганларига имтиёз бериларди. Бундан ташқари, Дума аъзоларидан сайланадиган шаҳар идорасининг 6 аъзосидан, албатта, 4 таси рус ва 2 таси

¹ Беков И.Р., Аббосхўжаев Ш. А. Сиёсий партиялар ва президент сайлови. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 80-бет.

бошқа миллат вакили, Дума томонидан сайланадиган шаҳар бошлиғи, албатта, рус бўлиши шарт эди¹.

XX аср бошларида инқилобий-демократик ҳаракатнинг кун сайин кучайиб боришидан ташвишга тушган Чор ҳукумати мамлакатнинг сайлов тизимида айрим ўзгаришлар қилишга мажбур бўлган. 1905 йилнинг 6 августида Давлат Думасини ташкил қилиш ҳақида Манифест ва Давлат Думасига сайловлар ҳақидаги Низом эълон қилинди. Низом бўйича Давлат Думаси аъзолари ер эгалари, шаҳарлик сайловчилар ва деҳқонларнинг қурултойларида сайланиши, деҳқонлар учун тўрт поғонали сайловлар жорий қилинган. Хотин-қизлар, 25 ёшга тўлмаган фуқаролар, ҳарбий хизматчилар, ўқувчилар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1905 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида кучайиб кетган сиёсий воқеалар тазйиқи остида ўша йилнинг 17 октябрида эълон қилинган подшоҳ манифестида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган «барча синфларга» янги ташкил этиладиган қонун чиқарувчи орган – Давлат Думасига бўладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини бериш ваъда қилинган.

1907 йилнинг феврилида Давлат Думасига сайловлар бўлиб ўтган ва кечроқ бўлса-да, туркистонликлар сайловларда қатнашиш ҳамда Давлат Думасига ўз вакилларини юборишга муваффақ бўлганлар. Лекин большевиклар ва деҳқонлар вакиллари помешчикларнинг ерларини деҳқонларга тақсимлаб беришни талаб қилиб чиққанликлари учун 1907 йилнинг 3 июнида Давлат Думаси подшоҳ томонидан тарқатиб юборилган. Шу вақтда подшоҳ Давлат Думасига сайловлар ҳақидаги қонунни эълон қилган. Мазкур қонунга биноан, Туркистон ўлкасининг аҳолиси сайлов ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этилган эди.

Чор ҳукуматининг сайлов соҳасидаги туркистонликларга нисбатан олиб борган мустамлака сиёсати маҳаллий халқларнинг кескин қаршилигига учраб, ўлканинг бир қатор шаҳарларида иш ташлашлар, халқ ғалаёнлари бўлиб ўтган. Маҳаллий матбуот саҳифаларида Чор ҳукуматининг сайлов соҳасидаги олиб бораётган сиёсатини қораловчи мақолалар эълон қилин-

¹ Ахмедов Д., Асадов Ш. Сайлов ҳуқуқига оид изоҳли луғат. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 40-бет.

ган. Шунга ўхшаш ҳаракатдан чўчиган Чор ҳукумати 1917 йил арафасида Олмаота, Самарқанд, Наманган ва бошқа бир қатор шаҳарларда шаҳар думасига сайловлар ўтказишга розилик берган. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг Туркистон ўлкасида, Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлигида вакиллик органларига сайловлар ўтказиш учун ҳаракат бир мунча фаол тус олган ва 1917 йилнинг ёзида Тошкент шаҳар думасига кўппартиявийлик асосида сайлов ўтказилади, унда ўн бешдан ортиқ партиялар ва бошқа ижтимоий ташкилотлар иштирок этган¹.

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топди. 1927 йил 30 мартда Ўзбекистон ССР советларининг II Қурултойида қабул қилинган Конституциянинг олтинчи бўлими советларга сайловлар масаласига бағишланган. Унинг алоҳида моддаларида актив ва пассив сайлов ҳуқуқи, сайловларни ўтказиш, сайлов натижаларини текшириш ва бекор қилиш, депутатларни чақириб олиш масалалари ўз аксини топган².

1937 йил 14 февралда Ўзбекистон ССР Советларининг Фавқулодда VI Қурултойида қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституцияга мувофиқ ёши сайлов кунигача 18 га етган барча фуқароларга ўтмишда қандай иш билан шуғулланганлигидан қатъи назар, сайлов ҳуқуқи берилган.

1978 йил 19 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи чақириқ олтинчи фавқулодда сессиясида қабул қилинган Конституцияга ва унга киритилган ўзгартиришларга биноан, Ўзбекистон ССР фуқароларига халқ депутатлари Советларига ва сайлаб қўйиладиган бошқа давлат органларига бўладиган сайловларда қатнашиш ва уларга сайланиш ҳуқуқи берилган; барча халқ депутатлари Советларига депутатлар сайлови сайлов округлари бўйича умумий, тенг ва тўғридан-тўғри

¹ Сабилов А.Б. Основные принципы избирательного права в развитых демократических странах (сравнительный анализ): Дисс. ... канд.юрид.наук; АН РУз, Ин-т.философии и права им. И.М. Муминова; – Т., 1994. – 125-бет.

² Давлат ва ҳуқуқ тарихи: Дарслик // Х.Т. Одиқориев, Н.П. Азизов, Ҳ.Р. Мадиримов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 356-бет.

сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши; депутатлар сайлашнинг умумийлиги, Ўзбекистон ССРнинг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Конституцияда депутатларни сайлашда тенглик: ҳар бир сайловчининг бир овозга эгаллиги, ҳамма сайловчилар сайловда тенг асосда иштирок этиши депутатларнинг тўғридан-тўғри сайланиши, уларни сайлашда яширин овоз берилиши, сайловчиларнинг ўз истакларини билдиришини назорат қилишга йўл қўйилмаслиги; депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи меҳнат жамоаларига, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари талабалари билан биргаликда ўқитувчилар ва хизматчилар жамоаларига, истиқомат жойларида сайловчилар йиғилишларига ва ҳарбий хизматчилар йиғилишларига берилиши; депутатликка номзодлар сонининг чекланмаслиги, сайловолди йиғилишининг ҳар бир қатнашчиси муҳокама қилиш учун ҳар қандай номзодни, шу жумладан, ўз номзодини таклиф қилиши мумкинлиги; сайлов бюллетенига исталганча номзод киритилишига йўл қўйилиши; сайловга тайёргарлик давомида округ сайловчилар вакилларининг анжуманлари ўтказилиши мумкинлиги; сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг давлат ҳисобидан бўлиши; сайловларни ўтказиш тартиби ва қафолатлари ҳақидаги қоидалар ўз аксини топган¹.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб шуни қайд қилиш мумкинки, 1917 йил 7 ноябрдаги давлат тўнтаришидан Республикамиз мустақилликка эришгунгача бўлган даврда сайлов ҳуқуқи соҳасида катта ўзгаришлар рўй берди, бу ҳуқуқдан фойдаланувчилар доираси йилдан-йилга кенгайиб борди. Уни амалга ошириш тегишли қонунларда ўз аксини топди².

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ тарихи: Дарслик // Х.Т.Одилқориев, Н.П. Азизов, Ҳ.Р. Мадиримов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 366–367-бетлар.

² Қаранг: Гончарук В.П. Особенности трансформации избирательной системы современности: Автореф...дисс... канд. полит.наук / В.П.Гончарук; Киевский нац. ун-т им. Тараса Шевченко. – Киев, 2001. – С. 16. Тит. л. на укр.яз. Библиогр.: – 16–14-бетлар.

Бирок, Конституцияга биноан, мустақил деб эълон қилинган, СССР таркибига кирган республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон ССР ҳам сайлов ҳуқуқи соҳасида ҳеч қандай мустақилликка эга бўлмаган. Сайлов билан боғлиқ барча қоидалар марказдан белгиланган, республикаларнинг конституцияларида ва сайлов ҳақидаги қонунларида бу қоидалар айнан такрорланган. Сайловлар яккапартиявийлик асосида ташкил этилиб, бутун сайлов жараёни коммунистик партия органлари томонидан бошқарилган. Ҳар бир округдан юқоридан белгиланган номзод депутатликка сайланган. Юқори партия ва давлат органларининг раҳбарларини, қандай йўл билан бўлмасин, депутатликка сайлаш, ўз ваколатини амалга оширишга қодир бўлмаган, фақат қўл кўтариб тасдиқлашни қойиллатадиган ишчилар ва деҳқонларни, зарур ҳолларда сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириб бўлса-да, депутатликка ўтказиш «қонуний» тус олган. Айниқса, 70–80 йилларда халқнинг сайловга бўлган қизиқиши пасайиб кетди. Сайловларда фуқароларнинг шахсан овоз беришда қатнашмаслиги, бир неча киши учун бир кишининг овоз бериши, сайлов комиссиялари томонидан сайлов бюллетнеларини сохталаштириш кабилар оддий бир ҳолга айланган. Депутатларнинг ўз сайловчиларига ҳисоб бериб туриши хўжақўрсингагина ўтказиладиган тадбирга айланган эди.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритиши муносабати билан сайлов ҳуқуқини ривожлантиришнинг янги даври бошланди. Сайлов қонунчилиги ҳозирги кунда такомиллашув жараёнини бошдан кечирмоқда, унинг мукамал бўлиши учун етакчи демократик мамлакатларнинг тажрибасининг ижобий жиҳатлари олинмоқда. Ҳар қандай қонун учун энг асосий нарса уни амалиётга татбиқ этиш механизmidир. Шунинг учун қабул қилинаётган қонунларнинг мазмуни билан бирга амалга киритиш механизмларини ҳам мукамал даражада такомиллаштиришимиз лозим. Бунда миллий давлатчилигимиз тарихий хусусиятлари ва сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суяниш, йўл қўйилган нуқсонларни такрорламаслик, илғор жаҳон тажрибаси ҳамда демократия тамойиллари устиворлигига эришиш фоят масъулиятли вазифадир.

Мамлакатимиз сайлов тизими сиёсий ҳаёт ва амалга оширилаётган ислоҳотлар билан ҳамоҳанг тарзда вужудга келиб, ривожланди. Д. Алимова, А. Голованов, Э. Нуриддиновлар мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотларни қўйидагича босқичларга ажратадилар: биринчи босқич – 1991 – 1993 йиллар; иккинчи босқич – 1995 – 1999 йиллар; учинчи босқич – 1999 – 2005 йиллар. Дастлаб ёш мустақил давлатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг, жамиятни ўзгартиришнинг дастурини ишлаб чиқиши лозим бўлди. **Биринчи босқичда** ўзаро боғлиқ иккита вазифани бажариш лозимлиги белгиланди: маъмурий-қўмондонлик тизимига барҳам бериш ва янги демократик муносабатлар, сиёсий тизим ва бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш, сиёсий ва маъмурий тузилмаларни яратиш, бунда мулкчилик муносабатларининг, сиёсий муносабатларнинг мазмуни ва шакли ўзгартирилди. **Иккинчи босқичда** ҳозирги даврдаги иқтисодиётимизнинг пойдеворини ташкил этаётган тузилма (инфраструктура) вужудга келтирилди; кўппартиявийликни вужудга келтириш, демократик институтларни шакллантириш ва ҳокимиятлар тақсимланиши асосида демократияни институционаллашга, янги бошқарув институтлари ва органларини шакллантиришга оид ишлар амалга оширилди. **Учинчи босқич** давлат қурилишини эркинлаштириш, либераллаштириш ва парламент сайловлари билан боғлиқ¹.

Умуман олганда, умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари ҳамда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатларини Ўзбекистоннинг ўзига хос юқорида таъкидланган тараққиёт йўли принциплари билан уйғун ҳолда таъминлашга эришилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли, ўрни, нуфузи ва мавқеини ошириш мақсадида амалга оширилаётган изчил, босқичма-босқич ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда кўппартиявий-

¹ Голованов А., Алимова Д., Нуриддинов Э. Ўзбекистан: 15 лет независимости и реформ. // «Ozbekiston tarixi», 2006, – № 4, – 8–9-бет.

лик тизими вужудга келиб, такомиллашиб бормокда. Зеро, Асосий қонунимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари белгиланган бўлиб, унинг 12-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади. Натижада 1994, 1999, 2004, 2009 йиллардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Кўппартиявийлик принципи Олий Мажлис ва халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига жорий этилиши натижасида сиёсий партияларнинг қонунлар ишлаб чиқилишига таъсири ва шу тариқа давлат бошқарувига муносиб ҳисса қўшиши таъминланди.

Таъкидлаш лозимки, сайлов қонунчилигимизга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасида ҳам камданкам учрайдиган мутлақ ваколатларнинг Марказий сайлов комиссиясига берилишини кўзда тутадиган ўзгартишларнинг кiritилиши ўта муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлди. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралаштишга қаратилган ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқланиши ҳам халқаро экспертлар томонидан демократиянинг бир кўриниши сифатида эътироф этилди.

Дунё тажрибасида муҳим ҳуқуқий институт саналган Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий асослари жорий этилиши мамлакатимиз сайлов тизимининг янада такомиллашувида муҳим аҳамиятга эга. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Марказий сайлов комиссияси тузилиши аниқ белгилаб қўйилди.

Марказий сайлов комиссиясига парламент томонидан тузиладиган мустақил конституциявий орган мақомининг берилиши эса, фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига сай-

лаш ва сайланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишни тўлиқ таъминлайдиган сайлов тизимини янада демократлаштириш, шунингдек, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасида ҳуқуқлар кафолатларини кучайтириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга бағишланган тўртинчи йўналиши фуқароларнинг эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принципларини таъминлаш, уларни давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини янада кенгайтириш, давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштироки учун қулай имкониятлар, шарт-шароитларни яратиб берди.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузини белгиловчи омиллардан бири, унда амал қиладиган сайлов тизимининг очиқ ва ошкоралиги, шаффофлиги, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг изчил такомиллаштирилиши, вакиллик органларида партиялараро рақобатнинг кучайиши ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Концепцияда партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётгани боис, сайлов қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган қонун нормаларига зарурат туғилди.

«Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан 2012 йил 19 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилди¹.

Мазкур Қонунда, энг аввало, сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш ва бир хилда тушунилишини таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий тушунчаси берилди. Шунингдек, сайлов куни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Бу норма сайловчиларга ўз нуқтаи назарларини аниқлаштириб олиш, қайси сиёсий йўлни маъқул, деб топиб, ким учун ва қайси сиёсий партия учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилишлари йўлида қўшимча вақт бериш имкониятини яратади.

Шунингдек, парламент назорати механизмининг кафолатлини қонуннинг долзарблигини оширган. Ушбу ҳуқуқий механизм мамлакатимизда парламентаризм шаклланишининг навбатдаги сифат босқичини англатади. Парламент вакиллик органи ёхуд бевосита фуқаролар томонидан сайланиши боис ҳам унга давлат органлари, ҳукумат ёки унинг таркибидаги муассасаларнинг фаолияти устидан назорат функциясининг амалга оширилиши жамиятни эркинлаштиришнинг муҳим шартидир. Бу ўз ўрнида давлат органлари ёки ҳукумат фаолиятида ҳар қандай қонун бузилишларининг олдини олади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида демократик талаб ва халқаро мезонларга мос тарзда яратилган ҳамда демократик ислохотлар натижасида такомиллаштирилган миллий сайлов қонунчилигимиз 2014 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, маҳаллий Кенгашлар ва Президентликка 2015 йилнинг мартада бўлиб ўтган сайловларни эркин ва адолатли ташкил этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Шубҳасиз, ушбу ҳуқуқий пойдевор кейинги сайловлар учун ҳам мустаҳкам замин бўлади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон, 574-модда.

МЕХАНИЗМ ДЕЙСТВИЯ ЗАКОНА

Заклученные в законах правовые ценности, принципы, правила и нормы переходят (переводятся) в реальную жизнь, становятся живыми лишь тогда, когда они воплощаются в действительность, реализуются в поступках (действиях) людей. Профессор В.В. Лазарев отмечает, что особой содержательной стороной действия права (закона) является собственно правовое регулирование, отражающее сугубо динамическую роль права. Здесь право организует поведение участников общественных отношений, заставляя их действовать активно в соответствии с возлагаемыми на них обязанностями. Право (закон) стимулирует соответствующее поведение, фиксируя у своих адресатов субъективные права¹.

Существует огромный массив научной литературы, посвященной вопросам реализации или действия права (закона). Среди множества мыслей, определений и правовых конструкций следует попытаться пролить свет таким понятиям как «механизм действия закона» и механизм реализации закона». Проф. Ю.И. Гревцов проводит различие между действием и реализацией права. Он связывает действие права не только с юридической стороной дела, сколько изменениями, которые право вносит или может внести в социальную жизнь общества². В противоположность этому Б.И. Сазонов определяет механизм действия законов как «совокупность операций по созданию правоотношений, через которые достигается должное поведение людей, должное состояние коммуникативных связей»³. Эти суждения напрямую приложимы и к праву, находящему свое воплощение в законе.

* Кандидат юридических наук, доцент.

¹ См.: Проблемы общей теории права и государства / Под ред. В.С. Нерсесянца. – М.: 2008. – С. 415–416.

² Гревцов Ю.И. Правовые отношения и осуществление права. – Л., 1987. – С. 61.

³ Сазонов Б.И. Социальные, организационные и правовые основы механизма действия права // Государства и право, 1993, № 1, с. 25.

Регулирующее действие права, выраженного в законе, обусловлено не только принудительной силой государства, но и собственной мощью права: «Сила права – характеристика, отражающая социальный вес, меру способности права соответствовать его целям, природе и назначению вызывать необходимые социальные последствия в обществе... Сила права не тождественна силе государства... качество силы право приобретает лишь при определенных условиях, когда оно экономически и социально детерминировано, соответствует общественному прогрессу, объективным потребностям, интересам и приоритетам людей»¹.

Реализация объективного права представляет собой деятельность, согласную с выраженной в законе волей. Ее можно рассматривать как процесс и как конечный результат. Как конечный результат реализация права означает достижение полного соответствия между требованиями норм совершить определенные поступки или воздержаться от них и суммой фактически последовавших действий. Наличие такого тождества должно привести к некоей полезной цели, которую преследовал законодатель.

Реализация права как процесс может быть охарактеризована с объективной и субъективной сторон. С объективной стороны она представляет собой совершение определенных действий, предусмотренных нормами права. С субъективной стороны реализация права характеризуется отношением субъекта к правовым требованиям в момент совершения предписываемых действий².

Сущность реализации права с субъективной стороны состоит в повиновении их требованиям. Если субъект решительно отказывается повиноваться предъявленному требованию, то последнее никогда не будет осуществлено в его поведении.

¹ Гойман В.И. Действие права (методологический анализ): Автореф. дисс. д-ра юрид. наук. – М.: 1992. – С. 22–23.

² Проблемы общей теории права и государства. / Под общ. ред. академика В.С. Нерсесянца. – М.: 2008. – С. 422.

Поэтому государство использует ряд методов для того, чтобы сформировать у граждан, должностных лиц и организаций потребность, желание или необходимость совершить предусмотренные в нормах права действия¹.

Следует отметить, что в литературе часто используется формула «процесс реализации права (закона)». Естественно, что процесс реализации имеет определенные ступени или стадии. А механизм реализации права (закона), с нашей точки зрения, означает порядок реализации закона, т. е. из каких конкретных действий и набора средств состоит данный процесс.

Правореализационная деятельность государственного органа или должностного лица связана с осуществлением определенных действий, принятием решения по конкретному делу и его оформлением. Механизм реализации закона завершается с достижением результата, на который ориентировался законодатель. В.В. Лазарев и С.В. Липень отмечают, что реализация закона (другого нормативно-правового акта) – это по существу порождение тех юридических последствий, которые в нем предусмотрены².

Механизм реализации закона может быть охарактеризован также через стадии правоприменения (как специальной формы реализации права). При этом данный механизм будет выглядеть в следующем виде: «закон» – «конкретная ситуация» – «отношения в конкретной ситуации» – «правовые последствия». Данный элемент механизма законодательного регулирования общественных отношений соответствует и стадии процесса применения права (закона)³. В данном механизме большей предпосылкой являются нормы права (закона), меньшей – фактические обстоятельства дела, а умозаключением – решение по делу.

¹ Проблемы общей теории права и государства. / Под общ. ред. академика В.С. Нерсесянца. – М.: 2008. – С. 423.

² Лазарев В.В., Липень С.В. Теория государства и права. – М.: 1999. – С. 264.

³ Лазарев В.В., Липень С.В. Теория государства и права. – М.: 1999. – С. 309.

Проф. В.И. Леушин обращает внимание на наличие юридического механизма реализации права. На последующих этапах процесса правореализации «включаются различные механизмы реализации закона, с помощью которых происходит перевод предписаний закона в конкретное содержание субъективных прав и юридических обязанностей. Механизмы эти многообразны: конкретизация закона в подзаконных нормативных актах правительства, министерств, ведомств, органов самоуправления и др., в локальных нормативных актах; разъяснение норм закона в актах официального толкования; процессуальные нормы, регулирующие процедуры принятия, применения и принудительного исполнения закона; многообразные акты применения норм права. Сюда же входит деятельность государственных органов по подготовке и принятию правовых актов¹.

Юридические механизмы, обеспечивающие реализацию закона, способствуют устранению разрыва между декларируемым в законе и юридической практикой.

В научной литературе предприняты попытки обосновать научную модель механизма закона, в том числе конституционного закона. Например, Ю.В. Мальцев предлагает под юридическим механизмом понимать ту или иную систему звеньев правового воздействия, средств правового и неправового характера, с помощью которых нормативно-правовые предписания претворяются в фактическое поведение людей². В целом под правовым механизмом понимается определенный комплекс правовых средств, сложившийся в одной из сфер правового регулирования.

Институт действия закона следует трактовать более шире, имея в виду процесс его создания и реализацию. Процесс создания (формирования) закона представляет собой сложный комплекс действий (взаимодействия объективных и субъектив-

¹ Теория государства и права / Отв. ред. В.М. Корельский и В.Д. Перевалов. – М.: 1998. – С. 377.

² Мальцев Ю.В. Механизм действия конституционного закона (теоретический аспект). – Алма Аты, 1991. – С. 10–11.

ных факторов) общественного характера, обеспечивающий возведение в закон господствующей воли. Иначе говоря, ставшее общественной потребностью право через многоступенчатую процедуру законотворчества «пробивает» себе дорогу в правовую жизнь, конкретизируясь в виде юридической нормы. Действие права осуществляется в следующем этапе, с помощью как бы через механизм «второго порядка», т. е. механизм действия закона. Здесь следует исходить из такой логики, согласно которой правообразование и правореализация представляют собой этапы целостного развития правовой формы. В ходе разработки проекта закона, в целом законодательного процесса должны предусматриваться меры его практического действия (реализации).

Таким образом, под механизмом действия закона можно понимать взятые в единстве средства, т. е. систему средств, при помощи которых обеспечивается фактическое осуществление предписаний закона.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ШАХСНИНГ ХУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИ МАСАЛАЛАРИ

Хуқуқий ижтимоийлашув бўйича хорижий тажрибани таҳлил қилиш шахс хуқуқий ижтимоийлашувининг янги ва замонавий йўналишларини ишлаб чиқишга, бу йўналишдаги дунё амалиётини қиёсий-хуқуқий таҳлил этишга, уларнинг ижобий жиҳатларини мамлакатимиз амалиётига татбиқ этишга имкон яратади.

Аслида хуқуқий ижтимоийлашув бўйича фақат битта давлатга тааллуқли амалиёт, ўзига хос усул ва услуб мавжуд эмас. Ижтимоийлашув умуминсоний ҳаётий жараён бўлиб, муайян алоҳида ҳудуд, миллат, элат доираси билан чегараланмайди. Муайян бир давлатдаги амалиётни ҳудуд жиҳатдан шунга яқин бўлган бошқа мамлакатда ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун хуқуқий ижтимоийлашув тўғрисидаги ғоя ва қарашларни фақат давлатлар чегараси билан боғлаш мантиқан тўғри эмас.

Россиялик олима Вера Бабаскина ўринли эътироф этганидек, ҳозирги глобаллашув шароитида шахснинг хуқуқий ижтимоийлашуви, унга таъсир кўрсатадиган омилларни муайян давлат ҳудуди билан чегаралаш мумкин эмас. Миллий урф-одатлар, оила, ижтимоий муҳит шахс хуқуқий ижтимоийлашувига қанчалик катта таъсир кўрсатса, глобаллашув жараёнлари таъсирида хорижий мамлакатлардан кириб келаётган ахборотлар оқими ундан кам аҳамиятга эга эмас¹.

Шахснинг хуқуқий ижтимоийлашуви шундай жараёнки, у кўпроқ ижтимоийлашув агентлари таъсирига боғлиқ. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, хорижий тажриба таҳлилини кўпроқ ижтимоийлашув агентлари хусусиятига боғлиқ ҳолда таҳлил

* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси тадқиқотчиси.

¹ Қаранг: Бабаскина В.В. Институциональные основы и социальные механизмы управления правовой социализацией в России. Автореф. дисс. канд. полит. наук. – М.: 2010. – 9-бет.

этиш лозим. Чунки, шахс биологик жихатдан бир хил тузилишга эга. Инсон ғарбда, шарқда, жануб ёки шимолда, қаерда туғилмасин, яшамасин, у инсон сифатида ижтимоийлашувни бошидан кечиради. Фақат, унинг камол топишига таъсир кўрсатадиган омиллар турличадир. Айнан шу омиллар шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайди.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув бўйича хорижий тажрибага эътибор қаратганда кўпроқ миллий, этник, ҳудудий жихатдан бири-бирига яқин давлатларнинг умумий амалиётини қиёслаш мақсадга мувофиқ. Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви билан боғлиқ хорижий амалиёт шунини кўрсатадики, бу ўринда ғарб ва шарқ мамлакатлари ўртасида ўзига хослик мавжуд. Маълумки, шарқ ва ғарб давлатлари амалиётида ҳаётга, яшашга, турмуш тарзига нисбатан бир-биридан кескин фарқ қилувчи қарашларни кузатиш мумкин. Олимларнинг эътирофича, шарқда ҳаёт тарзи оммавийлик, жамоавийлик асосида шаклланса, ғарбда эса, индивидуализмга кўп эътибор қаратилади. Бу ўз-ўзидан ҳуқуқий ижтимоийлашувга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шунингдек, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсир кўрсатадиган муҳит ва омиллар, яъни ижтимоийлашув агентларига кўра ҳам бир қатор мамлакатлар амалиётини қиёсий таҳлил этиш мумкин.

Биринчи навбатда, шарқий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратамиз. «Сўнгги пайтларда шарқий мамлакатларда шахс ижтимоийлашувининг психологик-педагогик қонуниятларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларни, психологик хусусиятларини аниқлаш билан боғлиқ бир қатор илмий-амалий тадқиқотлар бажарилди. Мазкур тадқиқотлар бола шахсининг ривожланиши ва унинг фаолияти муваффақиятини белгилувчи омиллар сифатида таълим, тарбия хусусиятларини аниқлашга ҳамда ўрганишга бағишланган. Тадқиқотлар натижаси шунини кўрсатадики, шарқда ота-она, оила аъзолари, қариндошлар, умуман, жамоа шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсир кўрсатади»¹.

¹ Қосимова Н.Д. Ўсмирлар ижтимоийлашувида ибрат ижтимоий психологик хусусиятларининг аҳамияти. Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2010. – 4-бет.

Ғарб мамлакатларида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви билан боғлиқ ўтказилган тадқиқот натижалари, муайян шахсга нисбатан жамоадан кўра кўпроқ битта шахс, яъни ибрат оладиган инсон таъсир кўрсатади. Ғарб мамлакатларида жамоанинг таъсири кучсизроқ бўлгани сабаб, шахс индивидуалликка ва шу орқали мукамалликка интилади.

Ғарб олимлари Ж. Пиа Же ва Р. Мертожларнинг фикрича, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви ўзаро боғлиқ бўлган икки йўналишда олиб борилади: мослашув (ижтимоий маданий тажриба, маданиятни ўзлаштириш) ва индивидуаллашув (мустақиллик, нисбатан ўзига хосликка эга бўлиш)¹. Албатта, бу субъектив фикрлар. Лекин шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувидаги бу каби йўналишлар ҳам шарқий мамлакатлар, ҳам ғарбий мамлакатлар учун бирдек тааллуқлидир.

Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви бўйича хорижий тажриба шуни кўрсатадики, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида турли мамлакатлардаги ёшлар ҳуқуқий тарбиясига қаратилган эътибор, амалдаги қонунчилик, юридик амалиёт ўзига хос таъсир кўрсатади. Ундан ташқари, ҳар бир давлат ҳудудидаги ўзига хослик, ҳудудий жойлашув, иқлим, инсонларнинг яшаш ва турмуш тарзи, бир-бирига муносабатлари, анъаналар, миллий кадриятлар ҳам шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида муҳим аҳамиятга эга².

Бизга нисбатан яқин бўлган Россия Федерациясида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида шахсий намуна (личный пример)-нинг таъсири ҳақида қатор илмий ишлар амалга оширилган. Албатта, шахсий намуна ва тақлидни бир-бири билан адаштирмаслик лозим³. Бу масала бўйича илмий тадқиқот олиб борган Н. Қосимова тақлид қилиш билан ибрат олиш ўртасида жуда

¹ Қаранг: Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 86-бет.

² Қаранг: Попов. М.Ю. Правовая социализация личности как ресурс становления социального порядка в российском обществе. Автореф. дисс. док. юрид. наук. Ростов-на-Дону. 2006. – 12-бет.

³ Қаранг: Болотова А.К, Макарова И.В. Прикладная психология: Учебник для вузов. – М.: Аспект Пресс, 2002. – 383-бет.

кўп умумий жиҳатлар билан бир қаторда муайян фарқлар борлигини қайд этади. Шахсий намунада муайян шахс ҳуқуқий жиҳатдан баркамол, ҳуқуқий маданиятли инсонларга хос тарзда ҳаёт кечиришга интилса, тақлидда унинг ҳаракатларини худди ўзидек кўрсатишга ҳаракат қилади. Буларнинг фарқи – ҳаракат ва фаолият мазмунида ўз ифодасини топса, ўхшашлиги фақат ижобий мақсадга йўналтирилганлиги билан боғлиқ¹.

Хорижий мамлакатларда шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсир кўрсатадиган омилларга эътибор қаратсак, юридик амалиётнинг таъсири ҳам ҳуқуқий ижтимоийлашувга таъсир кўрсатади. Масалан, Россия Федерацияси Қонунчилик органи (Госдума)да ҳозирги кунда жиний жавобгарлик ёшини янада қисқартириш мақсадида амалдаги Жинийт кодексида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масала кўриб чиқилмоқда. Унга кўра, жиний жавобгарлик ёши – 12 ёшга туширилиши назарда тутилган. Қонун ташаббускорлари бунинг асосий сабабини мамлакатда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жинийтлар даражаси ортиб кетганлиги билан изоҳлашмоқда. Бошқа бир гуруҳ мутахассислар, хусусан, адвокатлар бу ташаббусга қаршилик билдирмоқдалар. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигини камайтиришда мақбул йўл жиний жавобгарликни кучайтириш эмас, балки ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш лозимлигини эътироф этмоқдалар².

Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига оммавий ахборот воситалари жуда катта таъсир кўрсатади. Бу борадаги рақамларга эътибор қаратсак, жануб давлатларининг атиги 4 фоизи компьютерларга эга, телефонларнинг 75 фоизи дунёнинг 9 та энг бой давлатларида жамланган. Япониянинг ўзида Африка-

¹ Қосимова Н.Д. Ўсмирлар ижтимоийлашувида ибрат ижтимоий психологик хусусиятларининг аҳамияти. Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2010. – 15-бет.

² Каранг: Еременко Н. Возраст ответственности надо снижать одновременно с правовым воспитанием общества // Законотворчество, Уголовное право. <http://rapsinews.ru/legislation>.

нинг 50 та давлатидан кўра телефонлар кўп. 39 та ривожланаётган давлатларда 1 та ҳам газета йўқ, яна 30 тасида фақат 1 та. Бир пайтнинг ўзиде Японияда 125 та кунлик газета бор, АҚШда эса, бу кўрсаткич 1687 тани ташкил этади.

Бу сон устунлиги, табиийки, сифат устунлигига ўтади. Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида ҳам ғарбнинг таъсири сезилади. Албатта, унинг ижобий жиҳатлари ҳам мавжуд. У янги ва замонавий технологиялар ютуқларидан баҳра олиш, ишни осонлаштириш, вақтни тежашга хизмат қилади. Лекин унинг энг салбий жиҳати миллий ўзига хослик, тарбия ва маънавиятга зарар етиши билан боғлиқ.

Замонавий илм-фан ютуғи ҳисобланган интернет ўзининг қулайликлари билан бирга ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиш жиҳатидан биринчи ўринларга чиқиб олмоқда. Интернетда грифингдан ташқари ўсмир ёшлар учун яна бир қанча хавфлар ҳам бор. Яъни, болалар ва Интернет муаммоси тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда, экстремистик характердаги секта ва уюшмалар сайтларининг фойдаланишга очиклиги, виртуал фирибгарликка кенг йўл қўйилганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Болаларнинг қизиқувчан табиати уларни юқорида тилга олинган турдаги сайтларга етаклаши, бу веб-саҳифаларда уларнинг руҳий ёки жисмоний соғлиғига хавф солувчи маълумотларни кўришига олиб келиши табиий. Электрон почта манзиллари орқали олинган хабарлар кучли руҳий таъсир ўтказиб, болаларни Интернет доирасида ва ундан ташқарида ҳам жиноятга ундаши ҳеч гап эмас. Банк ёки кредит карточкасидаги ҳисоб рақамларини билган ёшлар онлайн савдоларида қатнашиш имкони билан бирга кичик ўйинчоқдан тортиб то энг сўнги русумдаги автомобиль сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Бу эса, уларни виртуал фирибгарларнинг нишонига айлантиради. Шу сабабдан глобал тармоқдан фойдаланувчилар кўп бўлган Белорусда бу каби муаммолар қатор янги касбларнинг вужудга келишига ҳам туртки бўлган.

Янги турдаги мазкур мутахассисларнинг вазифаси оилада Интернетдан фойдаланиш маданиятини жорий этадиган ҳамда болаларга психологик, маънавий ҳамда жисмоний зарар етказ-

майдиган очик ва хавфсиз ахборот маконини яратишдан иборат. Шунингдек, кўплаб жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар ва хусусий компаниялар ўз фаолиятини Интернетнинг болаларга таъсири ва ундан бўладиган зарарнинг олдини олиш усулларини ўрганишга қаратган. Жумладан, Интернет мазмунини баҳолаш ассоциацияси (ICRA) мустақил халқаро ташкилот бўлиб, асосий вазифаси ота-оналарни уларнинг фарзандларини тармоқда кутаётган кўнгилсизлик ва хавфли муносабатлар ҳақида огоҳлантириш, кибермаконда болаларни нотўғри ахборотлардан ҳимоялаш ва сўз эркинлигини таъминлашдан иборат. Ота-оналарга мавжуд муаммолар юзасидан маслаҳат, кўмак берадиган киберфаришталар (Cyberangels) – интернетда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўналтирилган Европадаги илк ташкилотга 1995 йили асос солинди ва айни пайтда унга АҚШ ва Канада каби давлатлар ҳам аъзодир. Муаммолар чуқурлашгани сайин бу каби ташкилотлар ҳам кенг кўламда тадқиқотлар ўтказиш ва мавжуд хавф-хатарларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишни кучайтирмоқда. Хусусан, Болаларни асрайлик (Save the Children) халқаро ҳуқуқий ташкилоти ўтгазган сўровномалар натижасида маълум бўлдики, АҚШдаги 15-17 яшар ўсмирларнинг 85 фоизи, Канада ёшларининг 93 фоизи мунтазам равишда Интернетдан фойдаланади. Коммуникация воситалари тадқиқоти ассоциацияси (Association for the Research of Communication Media) олган натижаларга кўра эса, ўсмирлар катта ёшлиларни 2004 йилдаёқ Интернетдан фойдаланиш бўйича ортда қолдирган.

Испаниянинг Болаларни ҳимоя қилиш агентлиги (Child Protection Agency) тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатдики, Интернетдан доимий равишда фойдаланувчи болаларнинг 44 фоизи виртуал мулоқот пайтида ҳеч бўлмаганда бир марта, 11 фоизи эса бир неча бор таъқиб остига олинган¹. Эътиборли томони шундаки, сўровларда иштирок этган ёшларнинг 14,5 фоизи Интернет орқали нотаниш одамлар билан учрашув белгила-

¹ Қаранг: Тимоти Ж. Уинтер (Абдулҳаким Мурод). XXI асрда Исломи. Постмодерн дунёда қиблани топиш. Фахриёр таржимаси. – Т.: 2009. – 95-бет.

ган, 10 фоизи бундай учрашувларга ёлғиз борган, 7 фоизи бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса айтмаган. Дунё миқёсида эса, 38 фоиз болалар зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фоиз бола миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб бориши маълум бўлди. 2008 йилнинг охириги ойларида дунёнинг энг машҳур компанияларидан бири бўлмиш «Майкрософт» (Microsoft) 28 давлатда ўзининг чат хоналарини ёпишини эълон қилди. Бу ҳаракат болалар муаммолари билан шуғулланувчи ҳуқуқ-тартибот ҳамда хайрия ташкилотлари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди, чунки эркин ва назоратсиз форум хоналар спам, вирус ва ахлоқсиз ахборотни тарқатиш манбаига айланиб қолган эди. Шу тариқа MSNнинг текин чатлари Европа, Яқин Шарқ, Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг кўплаб мамлакатларида ўз фаолиятини тўхтатди. Уларнинг ўрнига Microsoft Messenger тезкор хабар алмашилиш тизими жорий қилиндики, эндиликда бу хизматдан фойдаланиш учун шахсий маълумотларни киритиш асосида рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Чунки, ўтган йили Буюк Британияда шов-шувга сабаб бўлган зўравонлар устидан ўтказилган суд жараёнларининг камида 26 тасида қурбонга айланган болалар тақибчилар билан виртуал мулоқот орқали танишгани аниқланди.

Бу каби таъсирлар ёшларнинг, умуман, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига жуда катта таъсир кўрсатади. Бу борада ҳуқуқий тарбияни яхшилаш масаласи яна майдонга чиқади.

Россиялик ва белоруслик ўсмирларнинг кўпчилиги (тегишлича 71,5 ва 60 фоизи) инсоннинг ҳар қандай ҳуқуқлари бузиладиган шароитда ўз ҳуқуқлари ҳимоя этилишига умид қилиб бўлмайди, деб ҳисоблашади. Ўқувчиларнинг кўпчилиги уларнинг ҳуқуқлари ҳимояланиши бўйича қонунчилик томонидан бериладиган кафолатларга ишонмайди. Ҳаёт ва фаолиятнинг турли жабҳаларида давлат ва жамоатчилик тузилмалари томонидан ҳуқуқий меъёрларнинг кўплаб бузилиши натижасида ўсмирлар онгида ўзларининг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланмаганликлари ҳақидаги тасаввур шаклланади. Ўсмирлар ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасидаги фарқ анча сезиларли бўлиб (Россия фойдасига эмас), бу таълим соҳасида (шу соҳадаги хизмат-

лардан фойдаланишда ва сифати юқори бўлмаган хизматларни таклиф этишда чекловлар), иқтисодий соҳада (меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат қонунчилигининг бузилиши), ижтимоий муҳофаза соҳасида (шахсий қадр-қимматнинг чекланиши, соғлиққа зиён етказилиши, ёш бўйича дискриминация) айниқса сезилади.

Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига оид хориж тажрибаси таҳлили қуйидаги йўналишларни аниқлашга имконият яратди: биринчидан, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига ҳудудий жойлашувнинг ўзига хос таъсири, мисол: шарқ ва ғарб маданиятидаги ўзига хослик; иккинчидан, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, менталитети, урф-одат ва маросимлари; учинчидан, ижтимоийлашув агентларининг таъсири, хусусан, ижтимоий муҳит, оила, ота-она, таълим маскани ва бошқалар; тўртинчидан, шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувига глобаллашув жараёнларининг таъсири, интернет, оммавий ахборот воситалари, замонавий технологиялар ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви билан боғлиқ ташкилий, методологик асосларни яратишда юқоридаги омиллар инobatга олиниши, юридик амалиёт, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқий таълим ва тарбияни ташкил этишда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФУНКЦИЯЛАРИ ТИЗИМИДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАР СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ФУНКЦИЯСИНИНГ ЎРНИ

Замонавий глобаллашув ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш жараёнлари жамият ва давлат қурилишида, структура тузилишида жиддий янгиланишлар юз берганлигини кўрсатмоқда. Бу вазиятда давлатнинг ижтимоий вазифаси ва функциялари ҳам ўзгариб, такомиллашиб, давр талабларига мувофиқлашиб бормоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари И.А. Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида ҳақли равишда қуйидагиларни айтиб ўтди: «Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт»¹. Айни мана шу глобаллашув талаблари ҳозирги давлатларнинг моҳиятига, фаолиятига, функциялари мазмунига, уларнинг ўзгариши ҳамда такомиллашишига сезиларли таъсир ўтказётганлигини таъкидлаш лозим.

Давлат ва ҳуқуқ хусусида ўтган аср сўнгида шаклланган назарий ёндашувлар ва илмий таълимотлар бугунги кунга келиб қайта кўриб чиқилиши тезкор ижтимоий ривожланишнинг табиий тақозосидир. Масалан, давлат функцияси соҳасидаги илгари ҳамма тан олган догма ва аксиомалар (давлат функцияси тушунчаси, уни амалга ошириш механизми, шакли, усули

¹ Мустақил илмий тадқотчи.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 6-бет.

ва воситалари) эндиликда ўз аҳамиятини қисман ёки тўла йўқотмоқда. Давлат функцияларининг ҳозирги замонга мос концепциялари илгари сурилмоқда¹.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида илгари қарор топган нуқтаи назарга мувофиқ, давлатнинг ички функциялари қаторида унинг иқтисодий функцияси, сиёсий функцияси, ижтимоий функцияси, экологик функцияси, маданий-тарбиявий функцияси ва барқарор ҳуқуқий тартиботни таъминлаш функцияси алоҳида ажратиб таърифланар эди². Баъзи адабиётларда давлатнинг фискал функцияси, яъни солиқларни жорий этиш ва йиғиш функциясига урғу бериларди³.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги қарор топгач, барча янги демократия давлатлари конституцияларида ҳокимият тармоқлари бўлиниши принципи мустаҳкамланди. Шу асосда давлат функциялари янги мезон бўйича таснифланиб, давлатнинг қонун чиқариш функцияси, ҳуқуқни (қонунни) ижро этиш функцияси ва судлов (ҳуқуқни муҳофаза этиш) функцияси мавжуд бўлиши таъкидланди⁴.

Маълумки, 2008 йилдан бошлаб дунё миқёсида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози авж олди. Шу кезларда қатор Фарб мамлакатларида давлатнинг молиявий функцияси ёки молиявий-назорат функцияси сустрлашиб қолганлиги аён бўлди. «Бу инқироз АҚШ ипотека кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. ... Инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада (давлат назорати – таъкид бизники – М.А.) назорат йўқлиги-

¹ Қаранг: Баймаханов М.Т. К разработке современной концепции функций государства // Правовая реформа в Казахстане. – Астана, 2001, № 4. – 3-бет.

² Қаранг: Лазарев В.В., Липень С.В. Теория государства и права. – М.: «Спарк», 1999. – 55–62-бетлар.

³ Теория государства и права / Под ред. Н.И. Матузова и А.В. Малько. – М.: 2000. – 69-бет.

⁴ Морозова Л.А. Федерации Российского государства на современ. этапе / Гос. и право, 1993, № 6. – 103–104-бетлар.

ни ҳам тасдиқлади»¹. Шу боис давлат пул-кредит ва банклар тизими устидан молиявий назорат функциясини ўзи мунтазам амалга ошириши лозим.

Давлат функцияларининг мазмун-моҳияти жамият ва давлат тараққиётининг қонуниятларига бўйсунди. Бошқача айтганда, давлат функциясини белгилаш, яъни давлат қандай функцияларни бажариши муайян тарихий даврда (вазиятда) жамият ва давлат олдида турган долзарб вазифаларни ҳал этиш заруриятидан, жамиятнинг ривожланиш манфаатларидан келиб чиқади. Жамият тарихан ривожланиб боргани сари сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тизимида ихтисослашиш, алоҳидалашиш рўй беради, сиёсий ҳокимият ва мулкчилик соҳаларида, оммавий ва хусусий ҳуқуқ соҳасида бўлиниш, дифференциациялашиш содир бўлади. Товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш соҳаси давлат ҳокимияти аралашувидан мустақил бўла боради, яъни фуқаролик жамияти феномени намоён бўлади². Ўзбекистон Республикасида ҳам туб ислохотлар воқитида фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнлари амалга ошмоқда. Шундай шароитда давлат функцияларининг ўзгариши, такомиллашиши (модернизациялашуви), янги функцияларнинг пайдо бўлиши шубҳасиздир. Бугун, хусусан, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, тадбиркорликка йўл очиш мақсадида оптимал ҳуқуқий механизмларни яратиш вазифалари давлатнинг шу соҳада тегишли функцияси шаклланишини, алоҳида функция сифатида ажралиб чиқишини тақозо этмоқда. Бундай жараёнлар нафақат фуқароларнинг хусусий манфаатлари соҳасида, фуқаролик жамияти маконида, балки жамият ва давлатнинг умумий, оммавий муносабатлар борасидаги манфаатларини таъминлаш соҳасида ҳам кузатилиши табиий.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: 2009. 3-бет.

² Қаранг: Проблемы общей теории права и государства / Под общ.ред. В.С. Нерсесянца. – М.: 2008. – 627-бетлар.

Бу ўринда гап давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш стратегик функциясидан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш функциясининг алоҳида табақаланиши, дифференциациялашиши асосида унинг минтақавий табиий сув ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш функцияси ажралиб чиқиши қонуниятлилиги хусусида бормоқда. Ушбу функциянинг мазмунини давлатлараро ва минтақавий хусусиятга эга бўлган трансчегаравий табиий дарё сувларидан фойдаланишни ташкил этиш, бу соҳада вужудга келадиган муносабатларни миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солиш, экологик хавфсизликни таъминлаш¹, қўшни давлатлар билан муносабатларни мувофиқлаштириш ташкил қилади.

Юқоридаги фикрни исботлаш учун қуйидаги мулоҳазаларни келтирамиз. Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасидаги бошқа республикаларнинг мустақилликка эришиши улар ўртасидаги геосиёсий, иқтисодий – мулкчилик ва бошқа турдаги қўшничилик муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди. Бир томондан, минтақадаги ҳар бир давлатнинг суверен ҳуқуқларининг таъминланиши, иккинчи томондан, мустақил давлатлар ўртасида иқтисодий, савдо, яхши қўшничилик муносабатларини, сиёсий-ҳуқуқий ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш, бунда уларнинг ҳар бирининг сиёсий, иқтисодий, мулкий, жўғрофий ва бошқа манфаатларининг инобатга олиниши масалалари кун тартибига чиқди. Демак, минтақа давлатларининг ҳар бири юқорида кўрсатилган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда давлат бошқарувини ташкил этиши, тегишли вазифаларни ҳал этишга қаратилган давлат функцияларини адо этиши лозим бўлиб қолди.

Минтақа давлатлари халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъектларига айланганларидан сўнг трансчегаравий дарёлар омили улар муносабатларини белгилашда ҳал қилувчи омилга айланди. Орол ҳавзасида жойлашган бешта янги мустақил давлатларнинг ис-

¹ Қаранг: Общая теория государства и права: Академический курс в 2-х томах. Отв. ред. проф. М.Н. Марченко. Том 1. – М.: 1998. – 203-бет.

тиқболи, ички барқарорлиги бевосита ушбу сув захираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ушбу ўринда Марказий Осиё давлатлари трансчегаравий дарёлардан самарали фойдаланишлари, шу йўналишдаги алоҳида функцияни бажаришлари лозим ва ўзаро низоларнинг келиб чиқмаслиги, биринчи навбатда, улар ўртасида шакланган халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликнинг даражаси ва самараси билан белгиланади. Ушбу ҳамкорликнинг энг муҳим жиҳатлари қўйидаги икки ҳолатга, яъни ушбу соҳада давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий шартномалар ва уларни мувофиқлаштирувчи минтақавий институтлар фаолиятига боғлиқ.

Орол денгизи ҳавзасининг беш давлати – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон томонидан тузилган бир неча битимлар мавжуд. Бирок, ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалар ҳамон сақланиб қолмоқда. Минтақавий сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш каби муаммоли масалаларни тартибга солувчи ягона тизимлаштирилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат ҳануз йўқ бўлганлиги сабабли, Орол ҳавзаси давлатлари муносабатларини барқарор деб баҳолаш қийин. Мазкур масала бўйича имзоланаётган икки ва кўп томонлама битимлар илмий таҳлилни ва ечимни талаб қилувчи қатор саволларни келтириб чиқармоқда.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда мазкур йўналишдаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий асосини яратиш, бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш, универсал шартномаларни илмий тадқиқ этиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб мавзу ҳисобланади.

Халқаро муносабатларда шакланган, умумэътироф этилган талабларга кўра, бир минтақада жойланган давлатлар ўртасидаги трансчегаравий объектлардан, шу жумладан, трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш халқаро ҳуқуқ нормалари асосида тартибга солиниши лозим. Бу борадаги тегишли халқаро талаб ва қоидаларни бажариш давлатларнинг мажбуриятига киради. Шу боисдан минтақанинг ҳар бир давлати

ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун муайян функцияларни амалга ошириши лозим.

Халқаро сув ҳуқуқи ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқнинг фундаментал концепциялари ва тамойилларини тушуниш, халқаро сув ресурсларини бошқариш ва ҳуқуқий тартибга солиш борасида юзага келадиган масалаларни тўлиқ баҳолаш учун зарур. Масалан, халқаро ҳуқуқ қоидалари мустақил давлатларга нисбатан, биринчи навбатда, уларнинг ўзлари учун халқаро мажбуриятларни мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида қўлланади. Бу ҳолат мамлакатларнинг халқаро муносабатлари жараёнида яққол кўзга ташланади. Чунки, бир давлат иккинчиси билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқчи бўлса, нафақат ҳуқуқ, балки мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

Халқаро сувлардан фойдаланишнинг асосий тамойили «адолатли ва оқилона фойдаланиш» бўлиб, у халқаро сув оқимлари борасида давлатлар фаолиятини тартибга солувчи қатор битимларда ўз тасдиғини топган. Мазкур тамойил бошқа тамойиллар қаторида ҳавзанинг бошқа давлатларига зарар етказиши мумкин бўлган режалаштирилаётган тадбирлар борасида олдиндан огоҳлантириш, ахборот ва маслаҳатлар билан алмашишни талаб этувчи қатор жараёнлардан иборат бўлган қоидалар билан қўллаб-қувватланади, яъни тартибга солинади.

1997 йилда БМТнинг «Сув оқимлари тўғрисида»ги Конвенциясида сув ҳуқуқининг фундаментал тамойиллари ва процессуал қоидаларда – бир ҳавза мамлакатларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлайдиган механизм белгиланган. 1997 йил 21 майда БМТ Бош Ассамблеяси Қарори билан қабул қилинган Конвенция 104 давлат томонидан қўллаб-қувватланган, бунда фақат уч давлат (Бурунди, Хитой ва Туркия) қарши овоз берган. 1997 йилги Конвенцияни 35 мамлакат ратификация қилганидан сўнг, у кучга кириши назарда тутилган.

Ушбу ҳужжат Халқаро суд ва кўп сонли давлатлар томонидан халқаро сув ҳуқуқининг фундаментал тамойилларининг расмий баёноти сифатида тан олинган. Конвенция кучга қачон киришидан қатъи назар, у илгаригидек халқаро сув оқимини бошқаришда, тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

Трансчегаравий дарё хавзалари бўйича қарорлар халқаро сиёсий тусга эга эканлиги ва фақат сиёсий муносабатлардагина қўлланилиши, баҳоланиши мумкинлиги тушунарли, албатта. Юридик фан нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, муаммоларни ҳал этиш сиёсий-ҳуқуқий тавсиялар ва ҳаракатлар учун асос яратишда намоён бўлади.

¹ См., например: «Аналитические материалы по итогам мониторинга за реализацией нормативно-правовых актов, направленных на совершенствование правового образования, воспитания и пропаганды в системе Министерства народного образования и Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан» – Текущий архив Центра по мониторингу за реализацией нормативно-правовых актов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан за 2008 г., дело № 6–23/12.

² См.: Анализ применения Закона «Об образовании» содержится в книге «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни мониторинги» / Масзул муҳаррир Ш.Х. Файзиев. – Т.: 2009. – С. 320.

³ См.: Ломтева В.С. Прогнозирование в правотворчестве и правоприменении: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2006. – С. 8.

⁴ Тультеев И.Т., Тастанбекова Г.С. Проблемы толкования и прогнозирования в правоприменительной деятельности органов внутренних дел. / ИИВ Академисининг 10-йиллиги юбилейига бағишланган илимий мақолалар тўплами. – Т.: ЎзР ИИВ Академиси, 2004. – С. 80.

тивной правотворческой и правоприменительной деятельности органов государственной власти повышает действенность правовой системы, позволяет заблаговременно выявлять приоритетные направления развития права и последствия законодательных и иных правовых нововведений.

Комплексный подход к прогнозированию в правоприменительной деятельности определяется концептуальным значением прогнозного мышления, повышением требований к принятию управленческих решений, таких как компетентность, научность, своевременность. Это подход основан на адекватном познании происходящих изменений в социально-правовой сфере, в выявлении закономерностей правоприменения, в прогнозировании возможных его последствий. Правоприменительные решения должны быть прогностически обоснованными, взвешенными, продуманными, юридически грамотными и учитывающими условия и перспективы правового развития ситуации.

В процессе правоприменения реальная жизненная ситуация накладывается на ту идеальную модель, которая отражена в нормах права. Программирующая функция правовой модели позволяет предвидеть реализацию правовых предписаний в процессе правоприменения. Примером этого может служить проект мирового соглашения, подготовленный адвокатами сторон в гражданском процессе, которое затем должно быть утверждено судебным актом (определением)¹. Поскольку подобный документ содержит, по сути, юридически изложенное высказывание сторон о фактических обстоятельствах, которые, по их мнению, установлены на основе предлагаемой ими оценки тех или иных доказательств, то они должны быть учтены при вынесении и подготовке судебного акта даже в тех случаях, когда судья не согласен с изложенной в них позицией. Таким образом, проект судебного акта, подготовленный адвокатом, может рассматриваться как прогнозная модель, посредством изучения которой судья может уяснить для себя позицию соответствующей стороны в деле.

¹ См. ст. 180 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан.

Таким образом, теоретический анализ проблем правоприменения позволяет констатировать объективную необходимость прогнозного обеспечения правоприменительной деятельности, обосновать идею о том, что правоприменительное прогнозирование является составным элементом и занимает важное место в системе правоприменительной деятельности. Системный подход к трактовке термина «прогнозирование в правоприменительной деятельности» позволяет понимать его в трех значениях: как принцип, свойственный правоприменению; как важную функцию правоприменения; как определенную деятельность. Итак, прогнозное обеспечение правоприменительной деятельности выступает важным фактором ее обоснованности и эффективности.

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хуқуқий давлат – юксак хуқуқий маданият асосида барпо этилади. «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак хуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва хуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир»¹.

Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш ҳар доимгидек мамлакатимиз тараққиётининг бугунги – модернизация босқичида ҳам ўта долзарб масаладир. Айниқса, бу борада хуқуқни муҳофаза қилиш тизимида фаолият олиб бораётган ходимларнинг касбий-хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатлари ҳимояси билан шуғулланадиган ходимларнинг ўзи хуқуқни мукамал билиши, унга риоя этиши ҳамда бошқаларнинг хуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатида бўлиши лозим.

Юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг фаровон ҳаёти хуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат олиб бораётган ходимларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатларига боғлиқ. Ўз навбатида, бу ходимлардан нафақат ўз касбининг фидойиси бўлиш, балки юксак даражадаги касбий-хуқуқий маданиятли бўлиш талаб этилади.

Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг қобилияти, тажрибаси, малакаси, ўз хизмат вазифасига муносабати, шахсий ва ахлоқий хислатлари, шунингдек, улар касбий-

* Мустақил илмий тадқиқотчи.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И. Каримов. – Т.: «Ўзбекистон». – 27-бет.

ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги жамият ҳаётини модернизациялаш ва мамлакатни демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида майдонга чиқади.

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да қайд этилганидек: «авваламбор, инсоннинг касбий тайёргарлигини оширишга интилиш керак. Турли касбагилар ўз фаолиятларида оқилона қўллай оладиган тарзда ҳуқуқий билимга эга бўлсинлар. Давлат органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига қўйиладиган талаблар ва малака тавсифномалари, даставвал инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ҳуқуқий билимларнинг зарур даражасини назарда тутиши керак»¹.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов мансабдор шахсларга қарата ўринли қайд этганларидек, «сен бошқарган, сенга ишонч билдирган аҳоли, эл-юрт, жамоатчилик ҳамма нарсани кузатади, ҳамма нарсдан хабардор, ҳамма нарсани англайди ва вақти келганда тегишли хулоса чиқаради»². Демак, оддий фуқаронинг маданиятли ва фаол бўлиши кўп жиҳатдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари фаолиятига, уларнинг ўзини англаши даражасига боғлиқ экан, улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатларидан ўзларига хулоса чиқарар экан, биринчи навбатда, у ходимларнинг ўзидан юксак маданият, улкан салоҳият соҳиби бўлиш талаб этилади.

Ҳозирда мамлакатимиз ҳуқуқ тартибот органларида минглаб давлатнинг энг ишончли шахслари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, бутун дунёда рўй бераётган глобаллашув ва бошқа жараёнларга муносабати, мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлардан хабардорлик дара-

¹ Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 й. 29 августдаги қарорига биноан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – www.lex.uz.

² Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 166-бет.

жаси, юрт таракқиётига нисбатан дахлдорлик ҳисси – давлатимиз равнақининг асосий омилдир. Булар ўз-ўзидан уларнинг юксак даражадаги касбий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда аҳолининг, хусусан, бу жараёнга янада масъул бўлган ҳуқуқ тартибот органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида бир қатор самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинган ва ўтган йиллар давомида унинг ижроси таъминланмоқда. Мазкур ҳуқуқий асосда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, унда қайд этилишича, «қонун ҳужжатларининг қўлланиш амалиёти шуни яққол кўрсатадики, талайгина ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги оқибатидир»¹.

Лекин бу 1997 йилгача бўлган вазиятни баҳолаган ҳолда билдирилган фикрлар эди. Ўтган 18 йилдан ортиқроқ вақт давомида ҳам аҳолининг, ҳам ҳуқуқ тартибот органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида фуқаролар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуққа амал қилиш ва ундан фойдаланиш борасида ижобий натижаларга эришмоқдалар.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ривожланиб бораётганлигининг биргина мезони сифатида фуқароларнинг мурожаатларига назар ташласак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га 1995 йилда – 262 та ёки 1996 йилда – 755 та мурожаат келиб

¹ Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарорига биноан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – www.lex.uz.

тушган бўлса, 2009 йилда – 10409 та ёхуд 2014 йилга келиб мурожаатлар сони 11619 тага етгани¹, албатта, бу соҳада ижобий натижалар қўлга киритилаётганидан далолатдир.

Лекин юқоридаги рақамлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий-ҳуқуқий маданияти талаб даражасида деган маънони англатмайди. Афсуски, амалиётда барча ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари қонунларга мувофиқ иш олиб бораётгани йўқ. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, буни қўйидаги кўрсаткичлар яққол исботлайди. Хусусан, 2000–2005 йилларда 8043 нафар мансабдор шахс жиний жавобгарликка тортилган². 2008 йилда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар ва муассасаларнинг 6784 нафар мансабдор шахслари турли суиистеъмолчиликлар, порахўрлик, талон-тарож қилганлик ва мансабга совуққонлик билан қараганлик учун жиний жавобгарликка тортилганлар³. 2009 йилда эса, бу рақам 7910 тани ташкил этган⁴.

Прокуратура органларига 2010 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти устидан 3317 та ариза ва шикоятлар келиб тушган, уларнинг сони 2009 йилдагига нисбатан 228 тага кўпайган, ариза ва шикоятларнинг 276 таси ички ишлар идоралари ходимларининг фаолияти устидан, 73 таси божхона органлари, 20 таси прокуратура органлари, 4 таси миллий хавфсизлик хизмати ва қолган 48 таси бошқа ҳуқуқни

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2014 йил яқунларига оид ҳисоботи. – Т.: 2015. – 7-бет.

² Коррупцияга қарши кураш муаммолари: миллий ва халқаро тажриба. Халқаро илмий-амалий семинар маърузалари тўплами // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Германиянинг ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорлик фонди. – Т.: Chashma print, 2010. – 40-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси материаллари.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 5 апрелдаги № 32–II-сонли Қарори.

муҳофаза қилиш органлари устидан келиб тушган. Юқоридаги шикоятлардан 92 таси қийнашга оид бўлиб, улар текширилиши натижасида 7 та ҳолатда қонун бузилганлиги, уларнинг 6 таси ички ишлар ва 1 таси божхона ходимлари томонидан амалга оширилганлиги аниқланган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2012 йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айнан бу йўналишдаги муаммолар сирасида куюнчаклик билан қуйидагиларни қайд этади: «афсусланарли жиҳати шундаки, баъзан қонун посбонлари бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Буни ўтган йилнинг ўзида ички ишлар идоралари ходимларидан 12 нафари, солиқ идораси ходимларидан 3, божхона идораси ходимларидан 4 нафари, шунингдек, 1 нафар судья жинойий жавобгарликка тортилгани ҳам тасдиқлаб турибди. Шу ўринда мен илгари ҳам айтган бир фикрни яна такрорлашни зарур деб билман. Маълумки, биз ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз. Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, химояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир.

... Ҳаётини тажриба шуни кўрсатадики, одамлар кимгадир, нимагадир ишончини йўқотса, кейин уни тиклаш, албатта, қийин бўлади. Ҳуқуқ-тартибот органларида ишлайдиган одамларнинг ўзини тутиши, хизмат ва муомала маданияти ҳақида мен бу ўринда бежиз сўз юритаётганим йўқ. Нега деганда, форма кийиб, гердайиб юришдек совет давридан қолган салбий ҳолатлар ҳали ҳам, афсуски, йўқ эмас. Ички ишлар, прокуратура ва хавфсизлик идоралари хизматчилари ўз вазифасини бажаряпти, буни, албатта, эътироф этиш керак. Айни вақтда шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига нисбатан бошқаларга қараганда бир неча баробар қаттиқ талаб қўйилмоқда. Чунки, улар, аввало,

¹ Қаранг: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича тузилган идоралараро ишчи гуруҳнинг 2010 йил 5 апрелдаги йиғилиши баёнидан.

давлат, ҳокимият номидан иш олиб боради ва бу масъулиятни эсдан чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ»¹.

Албатта, соҳада муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган камчиликлар кўп. Уларни бартараф этиш учун ҳам айнан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарур. Фикримизча, бу йўналишларда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ўз вақтида хабардор қилиш механизмини жорий этиш лозим. Улар ҳуқуқ ҳимоячиси сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларнинг ривожланиш тенденцияларини, янги қабул қилинаётган қонунларни билиши шарт. Бунинг учун барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида, ҳафтанинг алоҳида кунда «қонунларни ўрганиш соати»ни ташкил этиш ва мунтазам равишда қонунчилик соҳасидаги янгиликлардан уларни хабардор қилиб бориш лозим.

Иккинчидан, ҳар бир ҳуқуқ тартибот органи ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларини таҳлил этиши ва уни янги босқичга кўтариш борасидаги янги вазифаларини белгилаб олиши керак. Соҳа ходимларининг ҳуқуқий маданиятини тизимли ошириб бориш борасидаги ишларни мувофиқлаштириши, яқин ва узоқ муддатли иш режаларида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича алоҳида вазифаларни кўрсатиши ҳамда уларнинг ижросини амалга ошириши лозим. Шунингдек, ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида тадбирлар учун масъуллар белгиланиши даркор.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012 йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайти – www.press-service.uz.

Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий маданият даражасини белгилайдиган мезонларни яратиш мақсадга мувофиқ ва бу мезонлар асосида ҳар бир ходимнинг касбий-ҳуқуқий маданиятини баҳолаб бориш лозим. Мезонларни яратишда ҳуқуқий маданият даражасини кўрсатувчи ҳар бир элементга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Бунинг учун, албатта, мазкур йўналишда илмий излашларни амалга ошириш ва унинг натижаларидан амалий фаолиятда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, касбий-ҳуқуқий онги ва маданияти юксак даражада ривожланган ва амалий фаолиятда бу қобилиятини намоиш эта олган ходимларни рағбатлантиришнинг янги ва замонавий йўналишларини амалда жорий этиш лозим. Бу борада, асосан, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилиши мазкур механизмни амалга жорий этиш ва унинг муваффақиятли ишлашига замин яратади. Шунингдек, ходимларнинг лавозимини оширишда уларнинг касбий-ҳуқуқий маданияти даражасига ҳам кўпроқ эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали ҳам ходимларнинг касбий-ҳуқуқий масъулиятини ошириш мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг амалдаги Конституция ва қонунларга нечоғли мос эканлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Олтинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш шарт. Бу борада ҳам фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, оммавий ахборот воситалари имкониятидан кенг фойдаланиш лозим. Ҳуқуқий билимларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш тизимини такомиллаштириш ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга кўмаклашади. «Фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онг ҳамда маданияти юксалиши учун давлат қанчалик тадбирлар ўтказмасин ёки ҳуқуқий база яратмасин, барибир,

уни давлатдан кўра тўртинчи ҳокимият, нодавлат ва жамоат ташкилотлари бу борадаги ташаббускорликни ўз қўлига олмас экан, кутилган натижага эришиб бўлмайди»¹.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жамиятда мустаҳкам ҳуқуқий тартибот ва қонунийлик муҳитининг ўрнатилишига замин яратади. Зеро, юқори савияли, юксак маънавият ва касбий-ҳуқуқий маданиятга эга бўлган, ватанпарвар, масъулиятли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларигина, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар.

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: «Шарқ», 2003. – 308–309-бетлар.

ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ШАҲСНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИДАГИ ЎРНИ

Ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий саводхонлик – ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий омили, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартидир. Ҳозирги ҳуқуқий модернизация шароити ҳамда бу босқичдаги ислохотлар ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий саводхонликни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Зеро, «жамият ва давлат ижтимоий фаол ва қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдордир. Давлат жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлмиш ҳуқуқий маданият тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади. Ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатдир»¹. Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия – ҳуқуқий тизимнинг муҳим элементларидир.

Ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий саводхонлик мамлакатни ҳуқуқий модернизация қилишга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали уларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига самарали таъсир этади. Бу эса, ўз навбатида, умумдавлат миқёсида ҳуқуқий мезонлар асосида фаолият юритилишига, қонунийлик муҳитининг қарор топишига хизмат қилади. Президентимиз И.А. Каримовнинг таъбири билан айтганда, «қонуннинг устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат

* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси тадқиқотчиси.

¹ «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 9-сон, 227-модда.

руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади¹.

Ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш доимо узлуксиз ҳуқуқий таълим, мақсадли ҳуқуқий тарбия, тизимли ҳуқуқий саводхонлик, юқори даражадаги ҳуқуқий онг ва юксак ҳуқуқий маданиятни талаб этади. Юқоридаги омилларнинг ҳуқуқий тизимни модернизация қилиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсирини илмий тадқиқ этиш учун ҳуқуқий таълимнинг аҳамиятини изчил таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Демак, биринчи масала – ҳуқуқий таълимнинг мазмун-муҳияти ҳамда жамият ҳаётини демократлаштиришга таъсири хусусида. Юридик таълим умумий таълим жараёнининг муҳим шаклидир. Ҳуқуқий таълим жараёнида таълим олувчиларга ҳуқуқий билимларни етказиш орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга эришилади.

Ҳуқуқий таълим узлуксиз жараён бўлиб, ёшлиқдан бошлаб амалга оширилиши лозим. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида ўқув давомида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият касб этиши зарур.

Ҳуқуқий ахборотдан барчанинг эркин фойдалана олишини таъминлаш, ҳар кимга ўзининг ҳуқуқий билимларини ошириш учун реал шароит яратиш фуқароларга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини тегишли тарзда амалга ошириш, бурчларини бажариш, жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида онгли ва фаол иштирок этиш имконини беради².

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. – 28-бет.

² Қаранг: «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 9-сон, 227-модда.

Хуқуқий таълим Конституция ва қонунларни ўрганишдан бошланади. Ушбу масалага Президентимиз И.А. Каримов алоҳида эътибор қаратиб, қўйидагиларни қайд этади: «Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик сифатида ўқитишни бугун барча мутасадди раҳбар ташкилотларимизга топшириқ тарзида айтмоқчиман. Токи унибўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин»¹.

Мамлакатимизда хуқуқий таълимни самарали ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши² асосий манба бўлиб хизмат қилади. Унга асосан, Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим муассасаларида «Конституция сабоқлари», умумий ўрта таълим муассасаларининг 1–4-синфларида «Конституция алифбоси», 5–7-синфларда «Конституция оламига саёҳат», 8-синфда «Давлат ва ҳуқуқ асослари», 9-синфда «Конституциявий ҳуқуқ асослари», 10–11-синфларда «Хуқуқшунослик» фанлари ўқитилмоқда. Мамлакатимизнинг барча Олий ўқув юртларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» ва «Конституциявий ҳуқуқ» фанлари ўқув режасига киритилган, ҳуқуқшунослик соҳасига ихтисослашган олий ва ўрта махсус билим юртларида ҳуқуқшуносликнинг 40 га яқин йўналишлари бўйича ўқув машғулоти олиб борилади.

Хуқуқий таълимни юксалтиришда унга илмий-назарий ғояларни, йўналишларни белгилаб берувчи юридик фан муҳим ўрин эгаллайди. «Илм фан соҳасидаги ҳаракатларимиз ҳам, илмий ишларимиз ва ютуқларимиз ҳам дунёдаги энг илғор мезонлар билан ўлчаниши лозим. ... Илму фан тараққиёти биз учун энг устувор соҳалардан биридир»³.

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 48-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001 йил, 1-сон.

³ Каримов И.А. Фан ватан равнақида хизмат қилсин. // Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 80-бет.

Аҳолининг ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги кенг қамровли иштирокини кенгайтириш – мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича ўтказилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим шартидир. Ана шу вазифаларни рўёбга чиқаришда юридик фанлар жиддий роль ўйнаши керак. Бинобарин, юридик фанлар, бир томондан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини, сиёсий маданиятини оширишга, фуқароларнинг турли ахборотлардан кенг фойдаланиши учун имкониятларни таъминлашга кўмаклашишга, иккинчи томондан эса, давлат-ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга хизмат қилиши лозим¹.

Ҳуқуқий таълимни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари етакчи ўрин эгаллайди. Уларнинг фаолиятсиз, ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишини тасаввур этиш қийин. Ҳуқуқий билимларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш тизимини такомиллаштириш, барчага мўлжалланган юридик адабиётларни нашр этиш ҳуқуқий маданиятни оширишга кўмаклашади. «Фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онг ҳамда маданияти юксалиши учун давлат қанчалик тадбирлар ўтказмасин ёки ҳуқуқий база яратмасин, барибир, уни давлатдан кўра тўртинчи ҳокимият, нодавлат ва жамоат ташкилотлари бу борадаги ташаббускорликни ўз қўлига олмас экан, қутилган натижага эришиб бўлмайди»². Айниқса, юридик ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқ соҳасида илмий муассасалари бўлмаган шаҳарларда ва қишлоқ жойларда ҳуқуқий таълимни ташкил этишда уларнинг роли алоҳида аҳамият касб этади. Демак, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги фаолиятини янада жонлантириш давр талабидир.

¹ Қаранг: Турсунов А.С. Юридик фанлар илмий тадқиқотлари натижаларини амалиётга жорий этишнинг долзарб муаммолари // Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006. № 3. – 20-бет.

² Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: «Шарқ», 2003. – 308–309-бетлар.

Мамлакатимизда ҳуқуқий таълимни юксалтиришга бўлган эътиборни профессор О. Хусанов қўйидагича изоҳлайди: «Нега энди Конституцияни ўрганиш ёки қонун устуворлиги, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалаларига бу қадар жиддий ва юксак эътибор қаратилаётир? Миллионлаб моддий маблағ сарф қилинаётир?»

Биринчидан, етарлича ҳуқуқий билим ва савияга эга бўлган шахс, аввало, Конституцияни англаб етади, Асосий қонун унинг бахти ва иқболи кафолати эканлигини ҳис эта олади;

Иккинчидан, умумий ҳуқуқ ва ўз шахсий ҳуқуқларини биладиган инсон кундалик ҳаётда юзага келадиган турли ноҳуш вазиятлар олдида ожиз бўлиб қолмайди, ўз-ўзини дадил ҳимоя эта олади;

Учинчидан, қонунларни билиш, қонунда жазо муқаррар эканлигини англаб етиш ҳар қандай ҳуқуқий билимдан хабардор бўлган шахсни турли ёмонликлардан, бировга озор етказишдан, жиноят йўлига кириб қолишдан асрайди;

Тўртинчидан, ҳуқуқий давлатни ҳуқуқий онг ва тафаккури баркамол бўлган инсонлар қура олади. Тафаккури юксак фуқаролардан ташкил топган ҳуқуқий давлатни эса, ҳеч бир куч, ҳеч бир хавф ёки давлат енга олмайди»¹.

Демак, ҳуқуқий таълим мамлакатимизни янада ривожланишида, тараққий этишида энг муҳим омиллардан бири сифатида майдонга чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилишда ҳуқуқий таълимнинг ҳуқуқий тизимга таъсири нуқтаи назаридан илмий тадқиқ қилиб ўрганилиши ҳамда уни ривожлантиришнинг ташкилий-амалий чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши, шунингдек, унинг натижаларини амалиётга қўллаш механизмларининг янада такомиллаштирилиши мустақил Ватанимизнинг ҳуқуқий тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

¹ Хусанов О.Т. Ҳуқуқий баркамоллик – давр талаби: муаммо ва ечимлар // Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: муаммо ва ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: 2008. – 298-бет.

ИНДИВИДЛАР ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ ЖИҲАТЛАРИ

Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ўзининг кўлами, йўналтирилганлиги ва сифат жиҳатидан бойиганлиги билан тавсифланади. Уларнинг негизини эса, халқаро тинчлик, барқарорлик ва хавфсиз ташкил этади. Бироқ, шу билан биргаликда, ҳозирги замон халқаро муносабатлари кўп сонли таҳдидлар билан ҳам изоҳланади. Шу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов қуйидагини ўринли таъкидлаган эди: «Охирги йилларда дунё ҳамжамияти ўз тараққиётининг оғир ва масъулиятли босқичини бошдан кечирди. У фундаментал муаммолар ва халқаро хавфсизликка бўлаётган таҳдидларга, биринчи навбатда... халқаро террорчиликка қарши тура оладиган янги самарали дунё тартиботи тизими шаклланиши билан ифодаланади»¹.

Таъкидлаш керакки, халқаро муносабатлар шаклан ва мазмунан мураккаблашиб бормоқда. Унда кечаётган воқеликлар бир вақтнинг ўзида қарама-қарши жараёнлар, турли векторли алоқалар билан тавсифланиши мумкин. Бундай ҳолатда хавфсиз халқаро муносабатлар, шу тоифа алоқалар тизими ҳуқуқ-тартиботининг кафолатланганлиги асосий омиллардан бири сифатида хизмат қилади. Негаки, хавфсизлиги кафолатланган халқаро муносабатлар бир маромда ривожланиши исботланган ҳолатдир. Бироқ, халқаро муносабатлар таҳдидларсиз кечган давр бўлмаган. Бундай таҳдидлардан кафолат сифатида эса, халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик институти хизмат қилади.

Халқаро жавобгарлик масалалари БМТ Уставида, геноцид, ирқий камситишни тақиқловчи конвенцияларда, Уруш қурбон-

* Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия унверситети катта ўқитувчиси.

¹ Каримов И.А. Богатый опыт сотрудничества и большие возможности стимулирования развития отношений. Выступление на саммите глав государств Шанхайской организации сотрудничества, 6 июня 2002 г. // Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10. – Т.: «Ўзбекистан», 2002. – 381-бет.

ларини химоя қилиш тўғрисидаги 1949 йилги Женева конвенциялари ва уларнинг 1977 йилги Протоколларида, БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича 1982 йилги конвенцияси ва бошқа ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Тинчлик ва инсониятга қарши, ҳарбий ҳамда бошқа халқаро жиноятлар учун жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги халқаро миқёсда эътироф этилди ва юридик жиҳатдан мустаҳкамланди. Индивидлар (жисмоний шахслар)нинг халқаро жавобгарлиги давлат ёки халқаро ташкилотнинг халқаро жавобгарлиги билан боғлиқ ҳолда биргаликда амалга оширилиши, агарда у содир этган ҳуқуқбузарлик индивидуал характерга эга бўлса, алоҳида амалга оширилиши мумкин.

Халқаро жиноят содир этган жисмоний шахслар (давлат фуқаролари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва бошқалар) шу жиноятлари учун бериладиган жазони назарда тутувчи амалдаги халқаро битимларга мувофиқ халқаро жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин¹.

Индивидлар (жисмоний шахслар)нинг халқаро жиноят (агрессия, колониализм, ирқчилик, геноцид ва бошқ.) учун жавобгарлиги шахснинг жиноий хатти-ҳаракатлари давлатнинг жиноий фаолияти билан боғлиқ бўлган тақдирда пайдо бўлади.

Индивидлар (жисмоний шахслар)нинг жиноий жавобгарлиги халқаро характерга эга бўлган жиноятларга (қароқчилик, пул белгиларини қалбакилаштириш, самолётларни олиб қочиш ва бошқалар) нисбатан ҳам жорий этилади. Мазкур жиноятлар учун жисмоний шахслар, кўпинча жиноий гуруҳлар, давлатдан мустақил равишда жавобгар бўладилар. Мансабдор шахслар ёки органларнинг бундай жиноятлардаги иштироки оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади².

¹ Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002. – 238-бет.

² Решетов Ю.А. Борьба с международными преступлениями против мира и безопасности. – М.: 1983. – 149-бет.

Халқаро жиноят субъекти бўлган жисмоний шахслар орасида бош жиноятчилар алоҳида ўрин тутати. Уларнинг қаторига давлат ва ҳукумат раҳбарлари, вазирлик ва муассаса раҳбарлари, олий ҳарбий қўмондонлар кабилар кириши мумкин. Бу каби жиноятчиларнинг рўйхати содир этилган жиноятнинг оғирлиги ёки кўламини эътиборга олган ҳолда белгиланади.

Бош жиноятчилардан ташқари, халқаро жиноий жавобгарликка жиноий буйруқларни берган ёки ижро этган шахслар ва шу билан бир қаторда, ўз ташаббуси билан жиноятни содир этган шахслар ҳам тортилиши мумкин.

Нюрнберг Халқаро ҳарбий Трибунали Низомида ва мазкур Трибуналнинг Ҳукмида баён қилинган халқаро ҳуқуқ принциплари БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1946 йил 11 декабрдаги Резолюция билан тасдиқланган ҳамда Тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилган¹.

Халқаро жиноят содир этган жисмоний шахсларни жазолаш ҳуқуқи ва мажбурияти, одатда, жиноят қайси давлат ҳудудида содир этилган бўлса, ўша давлатга тегишли бўлади. Бу ҳақда Гитлерчиларнинг содир этган ёвузликлари учун жавобгарлиги тўғрисидаги 1943 йилги Декларацияда, Бош ҳарбий жиноятчиларни суд тартибида таъқиб этиш ва жазолаш тўғрисидаги 1945 йилги Европа мамлакатлари битими, Геноцид жиноятининг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги 1948 йилги Конвенциянинг VI моддасида қайд этилган.

Бир қатор халқаро ҳужжатлар халқаро характерга эга бўлган жиноятларни содир этган шахсларни ҳар қандай давлат томонидан ўз ички ҳуқуқига асосан жазолай олишини назарда тутати.

Баъзан ҳудудида жиноят содир этилган давлат юрисдикцияси махсус ташкил этилган халқаро жиноят суди юрисдикцияси билан тўлдирилади. Геноцидни содир этишда айбланувчи шахслар, дейилади Геноцид жиноятининг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги Конвенциянинг VI моддасида, агар ушбу Кон-

¹ The Law of the War Crimes / Ed by McCormack T. L. H. and Simpson G. J. – The Hague: Kluwer Law International, 1997. – 223-бет.

венция қатнашчилари мазкур суднинг юрисдикциясини тан олсалар, халқаро жиноят суди томонидан судланишлари мумкин. Айнан шундай ҳолат Аппартеид жиноятининг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенциянинг V моддасида ҳам мустаҳкамланган.

Манфаатдор давлатлар томонидан жиноий ёки бошқа турдаги жавобгарликка тортилувчи шахсларни топшириш (экстрадиция) бевосита махсус битимни имзолаш орқали ёки аввал тузилган битимлар, шу жумладан, ҳуқуқий ёрдам кўрса-тиш тўғрисидаги битим доирасида амалга оширилади.

Индивидлар (жисмоний шахслар)нинг халқаро жиноят со-дир этганлиги учун халқаро жиноий жавобгарлиги халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим нормаларини (агрессив урушларни таъқиқлаш ва ҳарбий жиноятчиларни жазолаш, халқаро ха-рактерга эга бўлган жиноятларга қарши курашиш ва шу жи-ноятларни содир этишда айбдорларни жазолаш ва бошқалар) самарали таъминлашга кўмак берувчи ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг институти сифатида умумэтироф этилган.

Ҳозирги кунда жиддий халқаро ҳуқуқбузарликларни со-дир этганлиги учун жавобгар шахсларни таъқиб қилувчи икки турдаги халқаро жиноий суд фаолият кўрсатмоқда. Булар 1993-1994 йилларда ташкил этилган собиқ Югославия ва Руанда учун халқаро трибуналлар ва 2002 йилда таъсис этилган Сьерра-Леоне учун махсус суд. Бундан ташқари, 1998 йилда Италия (Рим)да Халқаро жиноят суди Статути қабул қилин-ган бўлиб, у 2002 йилнинг июлида 62 давлат томонидан рати-фикация қилинган, кучга кирди.

Бирок, Халқаро жиноят суди Статутини имзолаш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан тўқнаш келади. Ҳар қандай судланган шахс афв этилиш ҳуқуқига эга, бундай ваколат Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳам конституциявий ваколатидир (амнистия эълон қилиш ҳуқуқи), бироқ, Статутига мувофиқ, бундай ҳуқуқ/ваколат назарда ту-тилмаган. Бундан келиб чиқадиги, халқаро шартнома Прези-дентнинг конституциявий ваколатини муайян тарзда чеклаб қўяди.

Бундан ташқари, ишни судда кўриб чиқиш тартиби (умумий, кассация ва назорат)га путур етади, негаки, Халқаро жиноят суди умумий тартибга киритилса, унинг қарори ва ҳукми якуний бўлади ва ўз-ўзидан кассация ва назорат тартибларига эҳтиёж қолмайди, яъни ушбу институтлар жорий этилмай қолади. Бундан ташқари, фуқароларнинг қатор конституциявий ҳуқуқларига путур етади, масалан, арз этиш ҳуқуқи, ишни қайта кўриб чиқилишини талаб этиш ҳуқуқи, одил судлов ҳуқуқи ва бошқалар. Шу сабабли Халқаро жиноят судининг Статути Конституциямиз билан тўқнаш келади, бундай қарама-қаршиликда шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва олий ҳокимият органларининг конституциявий ваколатлари чекланади ёки йўққа чиқарилади ва ҳозирги кўринишда, тегишли истисноларсиз, ратификация қилиниши мумкин эмас.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ахборот оқими жадал ортиб бораётган бугунги кунда вояга етмаганларни маънавий-ахлоқий, руҳий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш долзарб вазифалар сирасидан ўрин олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида бугунги кунда ахборот оламида Интернет даври келгани, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари қандай тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётганлиги алоҳида таъкидланган эди¹. Шу билан бирга, бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланган.

Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай хатарларнинг олдини олишнинг битта йўли борлиги, яъни, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаб яшайдиган, имон-эътиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар этиб вояга етказишимиз, бу масалани ҳеч қачон иккинчи даражали вазифа деб билмаслик лозим.

* Мустақил илмий тадқиқотчи.

¹ Халқ сўзи, 2015 йил 27 июнь.

Дарҳақиқат, сиёсий модернизация жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет, мобиль алоқа, компьютер ўйинларидан фойдаланувчилар, видео ва кино маҳсулотларининг истеъмолчилари керакли маълумотлар билан бир қаторда, киши онгига салбий таъсир ўтказувчи, жамиятнинг ахлоқий, маънавий-руҳий қонун-қоидаларига зид, миллий менталитетимизга мутлақо мос бўлмаган шафқатсизлик, зўравонлик ва бошқа иллатларни тарғиб этувчи ахборотларга ҳам дуч келаётганларидан кўз юмиб бўлмайди. Бундай ҳолатлар, айниқса, вояга етмаганларнинг маънавий-ахлоқий, руҳий ва жисмоний ривожланишига жиддий путур етказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишидаги вазифаларини изчил амалга ошириш борасида вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, уларни маънавий-ахлоқий характерга эга бўлган хавф-хатарларнинг салбий таъсирларидан муҳофаза қилиш, ёшларни миллий кадриятларимизга ҳурмат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида бир қатор вазифалар белгиланган. Шу маънода вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат ва жамият институтларининг фаолияти самарадорлигини оширишга оид аниқ таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда¹.

Ёшларни салбий мазмунга эга бўлган ахборотлардан ҳимоялаш тизимини ташкил этишнинг муҳим институционал механизми сифатида миллий қонунчилигимизда тегишли ҳуқуқий базани шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш заруратини бугунги тезкор даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 28–34-бетлар.

Зеро, ҳозирги кунда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўпинча болалар учун алоҳида хавф туғдирадиган ахборот маҳсулотларини ўз ичига қамраб олмаган қонуности актлари, ички идоравий хусусиятларга эга бўлган ҳужжатлар билангина тартибга солинмоқда. Мобиль алоқа воситалари, компьютер ва электрон ўйинлар, оммавий кўнгилочар тадбирлар ёрдамида тарқатиладиган ахборотлар, турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган босма, аудиовизуал ва электрон маҳсулотларнинг мазмунига қўйилиши лозим бўлган талаблар алоҳида қонун билан мустаҳкамланмаган.

Миллий қонунчилигимизда ёшларнинг маънавий етук, ҳар томонлама баркамол бўлиб тарбияланиши, турли ёт ғоялар ва носоғлом ахборот хуружларидан муҳофаза қилишга қаратилган етарли ҳуқуқий механизмлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддаси ва оила кодексининг 65-моддасида, хусусан, ота-оналар зиммасига ўз фарзандларини тарбиялаш, ривожлантириш, уларнинг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклайди. Шунинг учун видеобар, компьютерхоналар, телевидениедаги ажнабий, миллий менталитетимизга ёт сериалларни маълум маънода чеклаш билан бирга 18 ёшга тўлмаганларни ёлғиз кўнгилочар масканларга киритмаслик мақсадга мувофиқ эканлиги инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига «188¹-модда. Вояга етмаган шахсларнинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади» (2010 йил 17 май, ЎРҚ–244-сон) деган норма билан мустаҳкамланган¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрелдаги ЎРҚ–153-сонли Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 117-модда.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳикоя қилувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, фильмларни намойиш этишининг тақиқланиши ўз аксини топган¹.

«Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонунга асосан ўқувчи ёшларнинг, шунингдек, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга, уларни Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросидан баҳраманд этишга қаратилган универсал ахборот-кутубхона муассасалари ташкил этилган ҳолда фаолият олиб боришнинг ҳуқуқий механизми яратилган. Айтиш жоизки, 2012 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунда ўз аксини топган меъёрлар ҳам ёшларнинг ахборот олишдаги ҳуқуқий кафолатини таъминлашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган қоидаларга мувофиқ, ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб этувчи барча хатти-ҳаракатлар тақиқланган². Ушбу меъёрни янада такомиллаштириш ва аниқлаштириш мақсадида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 189¹-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи махсулотни тайёрлаш, республика ҳудудига олиб кириш, тарқатиш ва реклама қилиш, шунингдек, намойиш этиш ҳам тақиқланади. Бу хатти-ҳаракатни содир этган шахсларга нисбатан кодекснинг 189-моддасига кўра энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, 1-сон, 1-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 2-сон, 80-модда.

бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ва барча воситалар мусодара қилиниши белгилаб қўйилди. Ҳуқуқбузарликлар ва маънавий ахлоқимизга зид жиноятлар содир этган шахслар учун жавобгарликни кучайтириш ҳамда тегишли қонунчиликни такомиллаштириш аҳборот асри деб ном олган бир даврда долзарб вазифа ҳисобланади. Дарҳақиқат, Жиноят кодексининг 130-моддаси такомиллаштирилиб, янги таҳрирда берилган. Унга асосан, порнографик маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш ва намойиш этиш билан боғлиқ ҳаракатларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилиб, янги киритилган 130¹-моддага асосан уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо белгиланиши баркамол авлод келажагининг ҳуқуқий кафолатидан далолат беради. Қонунлар мукамаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга жорий этиш механизмлари, шунингдек, порнографик маҳсулотларнинг қайси ёшдагилар ўртасида тарқатилганлиги ва намойиш этилганлигидан қатъи назар, халқимизнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятларига, оиласи, соғлом турмуш тарзи ва маънавий негизига катта хавф солиши табиийлиги диққат марказимизда туриши керак. Эътироф этиш керакки, юқорида таъкидланганидек мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол улғайиши учун зарур бўлган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими шакллантирилган. Хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига доир 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига ҳамоҳангдир. Ушбу қонун ҳужжатлари вояга етмаганлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этишлари учун хизмат қилиб келмоқда. Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг кўпчилигида бу йўналишдаги ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлигини кўрамиз. Масалан, «Кибер жиноятлар тўғрисида»ги Конвенция¹, «Вояга етмаганлар учун хавфсиз Интернет тўғрисида»ги Европа Иттифоқи парламенти Ассамблеясининг тавсиялари, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Ни-

¹ <http://conventions.coe.int/Treaty/>

дерландия, Франция каби қатор давлатларда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар шулар жумласидандир. Миллатимиз ёшлари ватанпарвар, меҳнаткаш, меҳр-оқибатли, доно ва билимлидир. Шунинг билан бирга шижоатли ва кучли иродали фарзандларимиз оз эмас. Биз улар билан ҳамиша фахрланиб яшаймиз. Лекин орамизда, афсуски, енгил ҳаётга мойил, эътиқоди суст, иродасиз болалар ҳам учраб туради. Айнан ана шундай тоифадаги инсонларни ғарбона ҳаёт тарзига қизиқмайди, турли шоу дастурлар, ажнабий руҳдаги кечалар уларнинг тақдирини ўзгартирмайди, дея олмаймиз. Ёшларимизда урчиб бораётган салбий одатлар тарбиянинг бузилишига олиб келади. Ҳозирда видеобар, компьютер, қўл телефони, дейсизми, телевидениедаги ажнабий енгил-елпи, бир-бирини алдаган, олди-қочди кинолар каби ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир қиладиган воситалар кўпайган. Уларнинг салбий таъсиридан эҳтиёт бўлишимиз, ҳамиша огоҳ ва хушёр бўлишимиз айти куннинг талабидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади»¹. Қачонки, халқимиз кучли ирода, ақл-идрок, миллий тафаккур билан иш тута олсагина, ҳеч қачон ёмон ниятли таҳдидларга қул ва қарам бўлмайди. Зеро, жамиятимизда ахлоқни, маънавиятни, фуқаролар ўртасидаги меҳр-оқибатни ҳимоя қилиш негизларини янада кучайтиришга асос бўлади. Қолаверса, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топиши, уларни ахборот муҳитининг салбий таъсиридан муҳофаза қилишга замин яратади.

Дарҳақиқат, «Ҳояга қарши фақат ҳоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан» баҳсга киришиш, олишишгина мумкинлиги диққат-эътиборимизда бўли-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 116-бет.

ши керак. Ахборот маконида турли таҳдидлар бор экан, келажакимиз ворисларининг эртанги тақдирини ўйлаб, ёшлар учун соғлом ахборот муҳитини яратиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омиллари:

- хар биримиз фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялашимиз учун уларнинг онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур;

- миллий ахборот маконимизга чегара қўйиб бўлмаслигини назарда тутиб, ёш авлоднинг соғлиғи ва маънавий оламининг дахлсизлигини таъминлайдиган, вайронкорлик ва бузғунчилик мазмунидаги ахборот оқимидан ҳимоя қилишнинг муҳим омили сифатида алоҳида «Вояга етмаганларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясига зарар келтирувчи ахборотдан ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини, «Хавфсиз Интернет» дастурини ишлаб чиқиш фурсати келди;

- ёшларнинг мустақил фикрлайдиган, ахборотни фарқлай оладиган инсонлар бўлиб етишишида олиб бораётган тарбиявий ишларимизни янада кучайтириш;

- энг ривожланган давлатлар амалиётидан келиб чиқиб, турли носоғлом ғояларга қарши ҳаракат тизимининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш;

- бугун шиддат билан ривожланиб бораётган тезкор даврдаги яна бир асосий омиллардан бири — бу соҳага оид оид қонунчилигимизни ҳам шунга мутаносиб равишда такомиллаштириб бориш зарур;

- ёшлар тарбиясига мутасадди бўлган барча марказий ва маҳаллий ташкилот ва муассасалар, фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг бу борадаги фикр-мулоҳазарини билиш ҳамда ёш авлоднинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини кенг миқёсда рўёбга чиқариш, уларни маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги масъулиятини оширишни давр тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, ёшларни салбий таъсир ўтказувчи маълумотлардан муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи ваколатли органлар ва ўқув-тарбия муассасаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳам муҳим вазифалардан саналади.

ШАХСНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий жабҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида оила институтига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Шубҳасиз, порлоқ эртамининг тамал тошлари оилада қўйилади. Инсон турмушини оиласиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки у умри мобайнида оила таъсирини сезиб туради, дастлаб ота-онаси даргоҳида, сўнг ўзи қурган оиласида ҳаёт кечиради. Ҳар икки ҳолда ҳам оила инсоннинг шахс сифатида қарор топишига муҳим тарбиявий таъсир кўрсатади. Инсоннинг шахс сифатидаги ҳаётининг хусусиятлари, сўзсиз, оилада ва маҳаллада шаклланади. Оилада у она тилида сўзлашишни ўрганади. Миллати, халқи урф-одатларини, анъаналарини, умуминсоний қадриятларни ўзлаштиради, шахснинг дунёқараши, мафкураси шаклланади. Шу сабабли, оила жамиятнинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий таянчи ҳисобланади.

Ҳозирги замон тараққиёти ҳар бир шахсдан воқеликни тўғри англашни, мушоҳада юритиш ва хулоса чиқаришни, ахлоқий покликни ва хиссий-руҳий чидамлилиқни, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида изчил, ташаббусли ва фаол бўлишни талаб этмоқда. Маълумки, шахснинг бундай ижтимоий, эмоционал, ҳулқий ва бошқа сифатларига, аввало, оила асос солади, уларни шакллантиради ва камол топтиради. Ушбу тарбия жараёнида «оила-маҳалла-мактаб» концепциясига таянган ҳолда фаолият олиб бориш лозим. Ижтимоий таълим ва тарбия каби ҳуқуқий таълим ҳам дастлаб оиладан бошланиши зарур. Оилада ота-она ёки бошқа катта оила аъзолари томонидан кўрсатилган намуна, берилган сабоқ шахс онгининг шаклланишига асос бўлади. Шу билан бир қаторда, оилавий муҳит шахснинг

* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси тадқиқотчиси.

ижтимоийлашувига турлича (ижобий ёки салбий) таъсир кўрса-тади. Бунинг учун, албатта, оиладаги муҳитни ижобий мазмун-да ўзгартириш талаб қилинади. Ҳар бир оилада ҳуқуқий тар-бия, маданият ва этикани шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида давлат томонидан муҳофаза қилинади. Сўнгги йилларда мамла-катимизда оилаларнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эъти-бор билан ёндашилмоқда. Шу ўринда, оиладаги ижтимоий-ҳуқуқий муҳитни ижобийлаштириш бўйича ҳам бир қатор амал-га оширилиши лозим бўлган вазифалар мавжудлигини, бу бо-рада бир қатор муаммолар ўз ечимини кутаётганлигини ҳам қайд этиш ўринли.

Ҳуқуқий тарбиянинг дастлабки босқичи оилада бошлана-ди. Оила жамиятнинг асосий бўғини бўлганлиги туфайли у бо-ланинг шахс сифатида шаклланиши, келажакда жамиятда ўз ўрнини топиши ҳамда маънавий баркамол инсон бўлиб етиши-шида асосий маскан ҳисобланади. Оила ҳуқуқий таълим ва тар-бия борасида, бола ривожланишининг ҳар бир босқичидаги мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўзига хос ўрин тутаяди. Бу борада олдимизда айрим муаммолар мавжуд, хусусан, бу-гунги кунда вояга етмаганлар томонидан турли ҳуқуқбузар-ликлар содир этилмоқда. Шу боис, уларнинг олдини олиш ёки салбий оқибатини бартараф этишни, аввало, оиларда ҳуқуқий саводхонликни оширишдан бошлашимизни тақозо этади¹.

«Оила» илмий-амалий марказининг социологик тадқиқот-ларига кўра, «Оилада болаларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашда қандай муаммолар мавжуд, деб ҳисоблайсиз?», деган саволга респондентларнинг 30,3 фоизи ота-оналарнинг ўзлари қонунчиликни яхши тушунмайдилар, деб жавоб бер-ганлар. Ёки «Ёшларни жиноят йўлидан қайтариш учун қан-дай тадбир қўллаш лозим?», деган саволга 22,2 фоизи ота-

¹ Қаранг: Ахлидинов Р.Ш. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш: муаммо ва ечимлар // Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқла-рини химоя қилиш тизими: муаммо ва ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: 2008. – 21-бет.

оналарнинг ҳуқуқий билимларини ошириш лозим, 21,3 фоизи оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини кучайтириш керак, деб ёки «Вояга етмаганлар орасида жиноят содир этилишининг сабаби нимада?» саволига сўралганларнинг 50 фоизи ота-оналарнинг бефарқлигида, деб жавоб берганлар. «Фарзандларингизнинг тарбияси билан қизиқиб турсизми?», деган саволга 30 фоиздан ортиқ ота-оналар масъулиятсизлик билан жавоб берганлар. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фарзандлар тарбиясида нафақат болалар, балки, ота-оналар билан ҳам мунтазам тарбиявий тарғибот ишлари олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, оила шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувига энг катта таъсир кўрсатадиган мўъжаз макондир. Ўзбекистон Республикасида оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларни ривожлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда 1998 йилнинг «Оила йили», 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинишининг замирида ҳам халқимизга хос қадриятлар ўз ифодасини топган.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «2012 йилга юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ»¹. «Хар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2011 йил 7 декабрь.

тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади. Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Боланинг онги асосан 5 – 7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди... Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобиляти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқарашини – буларнинг барчаси, аввало, унинг туғма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради. Айнан мана шу даврда бола ҳамма яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлайди, унинг беғубор онги бамисоли босма қоғоз сингари оиладаги, ён-атрофдаги барча воқеа-ҳодисаларни, уларнинг замиридаги таассуротларни ўзига сингдириб олади. Унинг ота-онасига, бобо ва момоларига меҳри ва ҳурмати, ўзини ўраб турган муҳитга нисбатан муносабати кундан-кунга такомиллашиб боради»¹.

Оилада шаклланидиган ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида ҳам

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 52–53-бетлар.

алоҳида ўрин эгаллайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, оилавий муносабатларни тартибга солувчи, шахснинг камолотига ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилувчи қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш масаласига эътибор қаратиш лозим. Зеро, «мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак»¹.

Президентимиз И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида жамиятнинг асосий негизи бўлган оила, ёшлар тарбияси, инсонпарварлик, ватанпарварлик ҳақида тўхталиб: «Оила – жамиятимизнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тарбия бўлмаса, барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила ўз қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади.

Бу эса, энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир», – дейди ва мусулмон ўзбек давлати халқимизнинг тарихий ютуғи эканини айтиб, шу давлатда яшаётган инсон, оила бошлиқларининг олдида турган асосий вазифаларини аниқ кўрсатади.

Демак, ҳар бир оилада дунёга келган бола – ёш авлод давлат ўртага қўйган мақсадларни амалга оширишда фидокор-

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2011 йил 7 декабрь.

лик, меҳнатсеварлик билан хизмат қиладиган шахс сифатида камол топтирилиши даркор.

Ану шу ўринда болага тарбия беришда, аввало, ота-она доимо фарзандларига ўрнак бўлиши назарда тутилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, оила аъзолари ушбу вазифаларнинг масъулиятини ҳис этиб боришлари лозим. Бир сўз билан айтганда, фарзандга берилаётган оила тарбиясида ғамхўрлик ва талабчанлик мутаносиб равишда бўлиши керак. Шундагина Ватанга фидойи, содиқ, эътиқоди мустаҳкам, жамият олдидаги масъулиятини ҳис этадиган, мустақил фикрга эга шахсни камолга етказиш мумкин.

РЕГУЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫХ КОРПОРАЦИЙ В КОНТЕКСТЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО И НАЦИОНАЛЬНОГО ПРАВА

Разнообразие и развитость взаимоотношений транснациональных корпораций (ТНК) свидетельствует о том, что их регулирование все чаще становится предметом соответствующих публично-правовых соглашений. Более того, договорная практика говорит о том, что их деятельность фактически не может осуществляться без публичного международно-правового регулирования. Как справедливо утверждает В.А. Никифоров, «особенностью большинства многосторонних международных торговых договоров является то, что их положения оказывают непосредственное воздействие не только на государства, но и на внутригосударственных субъектов (физических и юридических лиц), являющихся непосредственными участниками международной торговли»¹. Ф. Джессуп прямо пишет, что транснациональное право представляет собой «всю совокупность правовых норм, регулирующих действия или события, выходящие за пределы национальных границ, включающее как публичное, так и частное международное право, также как и другие нормы, не подпадающие под эти стандартные категории»².

Российский исследователь А.А. Каширкина отмечает в этой связи: «острым является вопрос о правосубъектности транснациональных корпораций, которые на сегодняшний день являются субъектами не только международных экономических отношений, но и имеют некоторые элементы международной

* Самостоятельный научный соискатель.

¹ Никифоров В.А. Юридическая природа и тенденции развития сложноструктурных комплексов норм, создаваемых международными организациями для регулирования мирового торгового оборота / Автореф. дисс. ... доктора юрид. наук. – М.: 2011. – С. 7.

² Jessup Ph. C. A modern law of nations: an introduction Text. / by Philip C. Jessup. – New York: Macmillan, 1978. – 244 p.

правосубъектности на основании заключаемых при их образовании международных договоров»¹. При заключении таких соглашений они подчиняются законам своего (т. е. где они зарегистрированы) и принимающего государства, а также нормам международного права. Коль они участвуют в международных отношениях, правомерно говорить о наличии у ТНК реальных прав и возможностей по заключению соответствующих соглашений с государствами. Резюмируя вышеприведенное, можно сделать вывод, что ТНК являются субъектами международных договоров, заключаемых ими с государствами, а значит – обладают для этого соответствующей правосубъектностью.

Признание современным международным правом качества субъекта права с особым статусом за международными юридическими лицами (в т. ч. ТНК) явилось логическим результатом эволюционного пути развития международного права². Считаем совершенно оправданной уверенность К.А. Бекашева о том, что «в XXI веке будет расширен объем правосубъектности индивидов, признана правосубъектность других коллективных образований (например, международных неправительственных образований, транснациональных корпораций, церковных объединений)»³.

Действительно, на сегодняшний день в международном праве проявляются новые тенденции, состоящие в расширении круга его субъектов: определенными элементами международной правосубъектности обладают как физические, так и юридические лица. Действующие нормы международного права фактически признает равенство с традиционными субъектами международного права (государствами, международными организациями, государственно-подобными образованиями)

¹ Каширкина А.А. Тенденции развития международной правосубъектности / Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2004. – С. 9.

² См.: Джакели Л.Т. Правосубъектность в теории и практике современного международного публичного права / Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2002. – С. 14.

³ Международное публичное право. Учебник / Отв. ред. проф. Бекашев К.А. – М.: 2004. – С. 170.

также и таких участников международных отношений, как ТНК. Сам вопрос определения правового статуса и регулирования деятельности ТНК объективно вышел за внутригосударственные рамки. В ряде правоотношений, количество которых постоянно возрастает, ТНК вступают в непосредственные контакты с государствами и другими традиционными субъектами международного права. Все это позволяет говорить о наличии у ТНК некоторых элементов международной правосубъектности и констатировать рост и расширение такого их статуса, что признается специалистами в качестве новой тенденции в международном праве¹.

Таким образом, можно обоснованно утверждать возможность включения в субъектный состав современного международного права наряду с «традиционными» субъектами новых, а именно – международных юридических лиц (транснациональных корпораций). Признание международной правосубъектности (но с особым режимом) международных юридических лиц и индивидов является по всем меркам объективного анализа сугубо положительным факторам эволюционного пути развития современного международного права².

Думается, указанная тенденция возникла не на пустом месте – она давно и закономерно вызрела в практике международного права. Как известно, в науке международного публичного права достаточно четко и с убедительной правовой аргументацией обоснована предпочтительность так называемой дуалистической теории (выделяющей в качестве самостоятельных однопорядковых систем права международное и внутринациональное право) перед монистическими теориями (которые

¹ См.: Каширкина А.А. Проблема становления нетрадиционных субъектов в международном публичном праве. // Сборник тезисов межрегиональной научно-практической конференции «Актуальные вопросы публичного права» Уральской государственной юридической академии. Екатеринбург: УрПОА, 2003. – С. 74–75.

² См.: Джакели Л.Т. Правосубъектность в теории и практике современного международного публичного права / Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2002. – С. 21.

обосновывают подчиненный характер внутринационального или международного права по отношению друг к другу)¹. С другой стороны, «наполнение внутригосударственного (национального) права нормами международного права является одной из примечательных особенностей современного правового развития, так как усиление и усложнение международных связей усиливает и роль международного права»². В связи с этим вызывает интерес вопрос о правовом механизме включения норм, принимаемых в рамках системы международного права, во внутринациональное право, а также порядок применения унифицированных норм международного договора ТНК.

Таким образом, ТНК вполне могут быть субъектами международных соглашений с государствами. Указанные соглашения содержат нормы, носящие публично-правовой характер. Заклучая договор, государство и ТНК берут на себя определенные правовые обязательства. Часто для исполнения соглашения государство издает внутренние нормативные акты в обеспечение исполнения им своего международного обязательства перед ТНК. Значит, налицо переплетение международного частного и публичного права в их деятельности, при всем том, что указанные отрасли права (в широком смысле слова) имеют разные предметы регулирования, они неразрывно связаны друг с другом.

В этом контексте представляет интерес позиция Р.А. Мюллерсона, считающего, что международное частное право является полисистемным нормативным комплексом, включающим нормы, принадлежащие к различным системам права – как к национальному праву, так и к международному публичному праву. Поэтому все нормы, содержащиеся в международных договорах, он относит к сфере международного публичного права³. Считаем, что есть резон в данной позиции.

¹ См.: Тункин Г.И. Теория международного права. – М.: 1970. – С. 183.

² Акчурин Т.Ф. Соотношение международного и внутригосударственного права: Вопросы общей теории / Автореф. дисс. ... доктора юрид. наук. – Казань, 2002. – С. 3.

³ См.: Мюллерсон Р.А. Соотношение международного и национального права. – М.: МО, 1982. – С. 46 – 48.

Интересное мнение высказано Т.Н. Нешатаевой, которая считает, что «взгляд на современные международно-правовые отношения с позиций системного подхода позволяет выделить в них, помимо моносистемы – международного публичного права, многомерные правовые полисистемы – международное частное право и право международных организаций... международное частное право по своей природе дуалистично и представляет собой явление многомерное, характеризующееся усложненными связями и взаимовлиянием элементов. Иначе говоря, можно сделать вывод о том, что международное частное право не уместается в рамках одной моносистемы...»¹.

В литературе имеется достаточно много высказываний, подтверждающих верность рассматриваемого подхода. А.Г. Богатырев предлагает рассматривать «особое межсистемное правовое образование, стоящее между самостоятельными и автономными системами права (национального права и международного права) и обеспечивающего функции согласованного регулирования (международно-правового и национально-правового) особого рода отношений, выходящих за рамки внутригосударственного оборота»². Е. Питерсман включает в международное экономическое право частное право (в т.ч. «*lex mercatoria*» и транснациональное право), внутригосударственное право (в т.ч. коллизионные нормы) и публичное международное право (включая наднациональное интеграционное право ЕЭС).

С учетом обоснованного специалистами мнения об изменении сущности и характера правоотношений, участниками которых становятся ТНК, можно выделить следующие основные направления взаимодействия международного и национального права Республики Узбекистан в условиях глобализации в контексте регулирования деятельности ТНК:

¹ Нешатаева Т.Н. Влияние межправительственных организаций системы ООН на развитие международного права. / Автореф. дис.... докт. юрид. наук. – М.: 1993. – С. 23.

² Богатырев А.Г. Государственно-правовой механизм регулирования инвестиционных отношений (вопросы теории). / Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – М.: 1996. – С. 12.

- признание приоритета международного права над внутренним;
- углубление взаимодействия международного и внутригосударственного права;
- интернационализация и гомогенизация внутреннего права;
- интенсивное изменение внутреннего права под влиянием международного;
- увеличение сферы действия публичного права во внешнеэкономической (хозяйственной) деятельности государства;
- размывание границ между частным и публичным правом, нарастание комплексного нормативного регулирования общественных отношений;
- активное вторжение публичного права в сферу частного права;
- нарастание процессуальности (процедурности) в правовом регулировании;
- тенденция политизации права в условиях развития глобализационных процессов¹.

Таким образом, ТНК можно отнести к своеобразным субъектам права, осуществляющим свою деятельность в соответствии с международным публичным и частным законодательством различных стран. Международное и национальное право активно регулируют деятельность ТНК, их взаимодействие проявляется в сочетании и дополнении друг друга в регламентации статуса и деятельности ТНК.

¹ См.: Никифоров В.А. Юридическая природа и тенденции развития сложноструктурных комплексов норм, создаваемых международными организациями для регулирования мирового торгового оборота / Автореф. дисс. ... доктора юрид. наук. – М.: 2011. – С. 23.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ ВА МИНТАҚАВИЙ ТАШАББУСЛАР

Ҳар бир давлатнинг демократик тараққиётини белгиловчи энг муҳим мезонлардан бири, шубҳасиз, инсон ҳуқуқларидир. Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий механизмлари изчил такомиллашиб бормоқда. Ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланиб бўлган инсон ҳуқуқларининг ўзи ҳам айна пайтда янада ихтисослашмоқда. «Аёллар ҳуқуқлари», «ногиронлар ҳуқуқлари», «беморлар ҳуқуқлари» каби алоҳида шахс ҳуқуқлари шаклланмоқда. Бундай ҳуқуқли шахслар ўзининг жисмоний ва ижтимоий аҳволи, алоҳида эътибор талаб этиши туфайли жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳаёт кечириши билан бир қаторда, алоҳида ҳуқуқ, имтиёз ҳамда кафолатлардан фойдаланади.

Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳуқуқ тизимида жисмоний ва ақлий жиҳатдан ҳали камолотга етмаган, алоҳида эътибор ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам ҳимояга муҳтож болаларга берилаётган ҳуқуқ, имтиёз ва кафолатларни қамраб олувчи «бола ҳуқуқлари» деган ҳуқуқ соҳаси вужудга келди. Бола ҳуқуқлари ўзига хос шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтган муҳим соҳа бўлиб, инсон ҳуқуқлари концепциясининг ажралмас қисмидир.

Гап инсон ҳуқуқлари тизимида бола ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий асослари ҳақида борар экан, бу борада 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган БМТнинг асосий шартномаларидан бири – Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни тилга олиш жоиз. Мазкур ҳужжат бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни мустақамлаш ҳамда ушбу соҳада давлатлараро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришнинг асосидир. Шу билан бирга, у бола ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчиликни ривожлантиришнинг мукамал мезони ҳамдир.

* Мустақил илмий тадқиқотчи.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид 6 та асосий ва 70 дан зиёд универсал ва минтақавий шартномаларини тан олган. Мамлакатимизнинг 1992 йилда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиши бола ҳуқуқларига оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда бола ҳуқуқларини амалга ошириш ва химоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг самарали механизмини ишлаб чиқишга хизмат қилди.

Халқаро даражадаги инсон ҳуқуқлари ҳужжатларига қўшимча равишда Европа Консуллиги, Америка Давлатлари Ташкилоти ва Африка Бирлиги Ташкилоти, шунингдек, Араб давлатлари Лигаси томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид ҳужжатлар ҳам мавжуд. Бу ҳужжатларда бола ҳуқуқларига бағишланган махсус институтлар нормалари мавжуд. Бу даврда инсон ҳуқуқлари соҳасида жуда кўп келишувлар имзоланган ва уларнинг бир қисми болаларга тўла ва бевоқифа тегишли. Лекин, бола ҳуқуқлари баъзи соҳаларда ва баъзи йўналишларда ҳамкорликни талаб этиши табиий. Шу боис, бола ҳуқуқларига доир конвенция қабул қилиш зарурати туғилган эди.

Африка Бирлиги Ташкилоти бола ҳуқуқларига бағишланган махсус мажбурий ҳужжат қабул қилган биринчи ҳудудий ташкилотлардан биридир. Дунё болаларининг кўп қисми яшайдиган на Осиёда ва на Тинч океани давлатларида инсон ёки бола ҳуқуқларига оид ҳужжатлар мавжуд эмас эди.

1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенцияси инсон ҳуқуқларини назорат қилиш ва амалга ошириш механизмларини ўрнатувчи биринчи инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжат эди¹. Ундан кейин бу ҳужжат 11 та Протокол билан тўлдириб келинди. Европа Конвенцияси инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича давлатларга ҳар бир шахсни ўзларининг юрисдикцияси билан химоялаш мажбуриятини юклайди.

¹ Drzemczewski «European Human Right Convention in Domestic Law», 1983.

Европа Конвенцияси инсон ҳуқуқларининг жуда қўпол бузилишларининг олдини олишга мўлжалланган бўлишига қарамай, у аъзо давлатлар миллий қонунчилигидаги камчиликларни тузатишда ҳам фойдали бўлмоқда. Ўшандан бери бу ҳужжат болалар учун қимматли ҳужжат эканлигини исботлади.

Конвенция «ҳар бир шахс» атамасини киритди ва болалар ўзларининг шахсий вакиллари билан ҳам ёки ота-оналари билан биргаликда тегишли ишларда қатнашиш имкониятига эга бўлдилар¹. Конвенциянинг 5(1)(д) ва 6-моддаларида болалар ва ўсмирлар махсус эслатилган. Бу иккала эслатмалар ҳам ҳуқуқий жараёнлар билан боғлиқ. 5(1)(д)-модда боланинг ўзининг озодлигидан маҳрум қилувчи қонуний жараёнларни назарда тутган. 6-модда эса, агар масала боланинг манфаатларига ёки қизиқишларига тааллуқли бўлса, фикр билдириш имкониятларига эга бўла олишини белгилайди.

Европа Консуллиги, шунингдек, 1961 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенциясини иқтисодий ва ижтимоий тўлдиришларни назарда тутган Европа Ижтимоий Хартиясини қабул қилган². 1965 йилда кучга кирган Хартия болалар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир неча махсус эслатмаларни қамраб олади. 1-бўлимида асосий қоида, яъни «болалар ва ўсмирлар уларга очиқ-равшан бўлган жисмоний ва руҳий хавфларга қарши махсус ҳимояланиш ҳуқуқига эга», деб белгиланган. 2-бўлимнинг 7-моддаси «Болалар ва ўсмирларнинг ҳимоя ҳуқуқи», деб номланган бўлиб, у болаларнинг меҳнат шароитларини ва меҳнат қилишнинг энг кичик ёшини тартибга солган. Хартиянинг 8 ва 17-моддалари ҳам болаларни бевосита ва билвосита ҳимоялаш зарурлигини, иқтисодий ва ижтимоий чораларини қамраб олади: «Она ва бола ижтимоий ва иқтисодий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини самарали амалга оширишни кафолатлаш учун имзолувчи давлатлар қулай институтлар ва хизматларни ўрнатувчи ёки қайта ташкил этишни кўзловчи барча зарур ва мувофиқ воситаларни қўллайди».

¹ Бу қоида, шунингдек, Антони Тайрер, Жон Нелсон ва Лиза Эрриксонларнинг китобида ҳам таъкидланган.

² «European Social Charter», 1984. Харриснинг умумий шарҳи.

1979 йил Европа Консуллиги Парламент Ассамблеяси Вазирлар Қўмитасига Бола ҳуқуқлари бўйича Европа Хартиясини ишлаб чиқишни режалаштиришни тавсия қилди. Бола ҳуқуқлари Конвенция қабул қилингандан сўнг Европа Конвенцияси лойиҳаси бу жараёнда болаларнинг ўзлари иштирок этишларига имкон бериш ёки хабардор қилишни таъминлаш орқали болалар томонидан ҳуқуқларини амалга оширишларига ёрдам берадиган кўринишда тайёрланаётган эди¹. Бола ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича Европа Конвенцияси лойиҳаси Европа Комиссиясининг ва Инсон ҳуқуқлари Суди томонидан назорат қилинмайди. Аммо, унинг вазифалари Қўмита ишини қайта кўриб чиқиш орқали ижросини таъминлайди.

Бу иккала ҳужжатнинг ҳаракат ва имплементацияси юзасидан «Болалар Фаровонлиги ва ҳуқуқлари тўғрисидаги» Африка Хартиясига қараганда анча чегараланган келишувлар ҳисобланади.

Америка Давлатлари Ташкилоти давлатларнинг энг даслабки бирлиги бўлиб, 1890 йилда тузилган. У Европа Консуллигининг аъзо давлатларига қараганда кўпроқ иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан бўлинган ҳудуддаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга интилади. 1948 йилда Америка Давлатлари Ташкилоти бир неча ойдан сўнг БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига айнан ўхшаш бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда шунга яқин бўлган «Киши ҳуқуқлари ва бурчлари Америка Декларацияси»ни қабул қилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзаро Америка Комиссиясига Америка Декларациясининг имплементацияси билан шуғулланиш топширилган. Бу Декларациянинг муҳимлиги шундаки, Декларация Америка Давлатлари Ташкилоти аъзо давлатларига тегишли, ҳатто улар Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка Конвенциясига қўшилмаган бўлса ҳам². Америка Декларацияси «ҳамма шахслар»га мурожаат қилади. Унинг 7-моддасига асо-

¹ «International Law on the Right of the Child», Geraldine Van Bueren., «Save the Children», 1995. – 22-бет.

² Davidson «The Inter-American Court of Human Rights», 1992. – 64-бет.

сан «ҳамма болалар махсус ҳимоя, ғамхўрлик ва ёрдам олиш ҳуқуқига эга». Шунингдек, бу қоида нафақат ота-онанинг болалар олдидаги мажбуриятлари ва бурчларини, шу билан бирга, барча болаларнинг ўз ота-оналари олдидаги бурчларини ҳам қамраб олади. Бу қоида 30-моддада аниқ-равшан белгилаб қўйилган: «Ўзларининг вояга етмаган болаларига ёрдам бериш, таълим олишини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилишда ҳар бир шахс(ота-она) бурчлидир. Ва, ўз навбатида, болалар ўз ота-оналарининг доимо ҳурматини сақлаш ва қўмак бериш, қачонки, улар бунга муҳтож бўлганларида, уларни таъминлаш ва ҳимоя қилишда бурчлидирлар».

Шунингдек, бу қоида Африка Бирлиги Ташкилоти томонидан қабул қилинган «Болалар фаровонлиги ва ҳуқуқлари тўғрисидаги» Африка Хартиясида ҳам белгиланган¹. Шунингдек, Америка Давлатлари Ташкилоти Европа Конвенциясига ўхшаш бўлган, лекин Европа Конвенциясини ривожлантирувчи бир неча тушунчаларни ўз ичига олган Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка Конвенциясини қабул қилган. Америка Конвенциясининг Европадаги вазифадоши билан солиштирадиган бўлсак, Америка Конвенциясида кўпроқ болалар диққат марказида бўлган ва «бола ҳуқуқлари» деб номланган махсус модда ажратилган. Америка Конвенцияси, шунингдек, 18 ёшдан кичик бўлган жиноят содир этган шахсларни ёки жиноят иштирокчиларига нисбатан ўлим жазосини қўллашни тақиқлайди. У жиноят субъектлари бўлган болалар учун ихтисослашган трибуналлар (колониялар) ташкил этиш бўйича давлатларнинг махсус мажбуриятларини ақс эттирган ягона ҳужжатдир.

Америка Давлатлари Ташкилоти «Сан Салвадор Протоколи» деб номланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида Америка Инсон ҳуқуқлари Конвенциясига қўшимча Протоколни ҳам қабул қилди. Бу Протокол тунги ишларни ва носоғлом тоифадаги ишларни тақиқлайди ва 16 ёшдан кичик бўлган шахслар меҳнати уларнинг билим олиш ва мактабга

¹ «Болалар фаровонлиги ва ҳуқуқлари тўғрисидаги» Африка хартиясининг 3-бўлими.

боришга ҳалақит берадиган ҳолда ташкил этилмаслиги кераклигини кафолатлайди¹.

Протоколнинг 16-моддаси «бола ҳуқуқлари» деб номланган ва у болаларни бошланғич даврида мажбурий таълим ва эркинлик ҳуқуқини ҳамда болаларни уларнинг ота-онасидан ажратмаслик принципини ўз ичига олади. Протокол, шунингдек, боғча ва мактаб ёшидаги болалар учун талабга жавоб берадиган озиқ-овқатни ҳам кафолатлайди ҳамда оилани ўрганиш бўйича болаларда қўйидагиларни «тушуниш, жавобгарлик, ҳурмат ва масъулият» каби тушунчаларни ривожлантириш, шундай ҳолатларни қабул қилиш имкониятига эга бўлган болаларга барқарор ва фойдали муҳитни яратиб бериш бўйича махсус дастурларни амалга оширишда аъзо давлатларнинг мажбуриятларини белгилайди.

Энг охириги инсон ҳуқуқлари бўйича кучга кирган ҳужжат – бу 1981 йилдаги Африка Бирлиги Ташкилотининг «Инсонлар ва Одамларнинг ҳуқуқлари» бўйича Африка Хартияси «Банжул Хартияси» сифатида танилган².

Банжул Хартияси ўзида ҳам фуқаролик ва сиёсий, ҳам иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни мустаҳкамлаган. У алоҳида шахснинг ҳам, одамлар гуруҳининг ҳуқуқларини ҳам қамраб олади. Болалар муносабатларида Африка одат-қоидаларини ўзида акс эттирган Банжул Хартиясининг эътиборга молик томони шундаки, унда оиланинг алоҳида аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларига қараганда, кўпроқ уларнинг оила олдидаги бурчлари ва оиланинг ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Банжул Хартияси бола ҳуқуқларининг мавжуд халқаро ҳимояси билан боғлиқ бўлган болаларнинг қўшимча махсус ҳуқуқларини акс эттирмаган. Хартиянинг 18-моддасида қўйидагилар таъминланади: «давлат аёлларга қарши ҳар қандай камситишларни бартараф қилишни ҳамда уларнинг ва болаларнинг халқаро Декларация ва Конвенцияларда талаб қилинганидек ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатлайди».

¹ Қўшимча Протоколнинг 7(ф)-моддаси.

² Bello «The African Charter on Human and Peoples Rights», 1986. – 194-бет.
// www1.umn.edu/humanrts/instreet/z1afchar.htm

«Халқаро декларация ва Конвенция» сўзи болаларга ҳам, аёлларга ҳам мурожаатларни вужудга келтиради. Бу қоида шу нарсага ундайдики, Африка давлатлари Африка Хартиясига қўшилган, лекин Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилмаган, шунга қарамай, у 18-модданинг афзаллиги орқали Конвенциядаги ҳуқуқларни бажариш мажбурияти остида эканлигини кўрсатади. Бундай тушунтириш Африка Бирлиги Ташкилоти томонидан 1981 йилда қабул қилинган Банжул Хартияси қоидалари Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция лойиҳасини тўлдирмаганидек, бундай тушунтириш яхши натижаларга эришиш эҳтимолидан йироқ. Бу нарса давлатнинг бошқа ҳужжат матни томонидан мажбурият юклашига рози бўлишига ишониш қийин. Уни ёзиш пайтида боланинг халқаро ҳуқуқлари бўйича Банжул Хартиясининг таъсирини баҳолашга ҳали анча эрта эди.

Айни вақтда, болаларнинг ҳуқуқлари бўйича биринчи ҳудудий келишувнинг, яъни «Болалар фаровонлиги ва ҳуқуқлари тўғрисидаги» Африка Хартияси (ҳали ҳам кучга кирмаган) таъсирини баҳолашга ҳам эрта. Африка Бирлиги Ташкилотининг мурожаати 1979 йилда Африка Болаларининг фаровонлиги ва ҳуқуқлари Декларациясини қабул қилишга тайёрлади. «Болалар фаровонлиги ва ҳуқуқлари тўғрисидаги» Африка Хартиясининг асосий ғояси бола ҳуқуқлари концепциясининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берувчи «Африка цивилизациясининг тарихий келиб чиқиши ва кўринишлари» бўлди. Аммо, бу ҳужжат БМТ Конвенциясини шакллантиришга қараганда Африка маданияти, одатларини, кадриятларини кўпроқ акс эттирган эди. У кўпгина йирик ҳудудларда тегишли стандартларни кучайтирди.

Банжул Хартиясида таъкидланишича, ҳамма шахслар ўзларининг оиласи, жамияти ва давлати олдида масъулиятга эга. Ундаги болаларнинг жавобгарлик концепцияси болаларнинг жамиятга бўлган ёрдамнинг яширин (кўринмас ёрдамлари) кўринишларида бошқаларни тарбиялашда ёрдам беради. Яширин ёрдамларга кўпинча аҳамият берилмайди, шунга қарамай, бу катта ташвишлар, хавф асосидир. Асосан боланинг ижтимоий

жавобгарлигини кучайтиришда уларнинг масъулият муносабатларида «Болалар фаровонлиги ва ҳуқуқлари тўғрисида»ги Африка Хартиясида «бола оиланинг бирдамлиги учун ишлаш ва ота-онаси ҳамда катталарни ҳамма вақт ҳурмат қилиш ва зарур ишларда уларга ёрдам бериш масъулиятига эга»¹. Ота-оналарини ва катталарни ҳамма вақт ҳурмат қилиш масъулияти жуда ҳам аниқ ва умумийдир. Қаердаки, оила аъзолари болаларни эксплуатация қилса ёки ҳуқуқларини суиистеъмол қилса ва болалар ўзларининг суиистеъмол қилувчиларини ёки эксплуатация қилувчиларини ҳурмат қилишга мажбур деб ўйласа, бу эксплуатация қилувчининг ўз фаолиятини давом эттиришига олиб келади. Бу қоида болалар учун хавфли нормадир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бола ҳуқуқларини таъминлаш минтақавий ташаббуслар (халқаро ҳужжатлар) болалар қомуси деб аталмиш Бола ҳуқуқлари ковенцияси талабларининг турли минтақаларда ижро этиш механизминини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

¹ Банжул Хартиясининг 31-моддаси А-банди.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
Одилқориев Х.Т. Давлат ҳокимиятининг моҳияти ва ҳуқуқий қиёфаси тавсифи	7
Одилқориев Х.Т. Давлат-ҳуқуқий фанларнинг замонавий муаммолари, илмий тадқиқотларнинг натижадорлиги ва амалиётга йўналтирилганлиги	25
Одилқориев Х.Т. Конституциявий кадриятлар – жамиятда конституциявий маданиятни қарор тортириш мезони	49
Одилқориев Х.Т. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги презумпцияси	63
Тульгеев И.Т. Систематизация законодательства и концепция правотворческого прогнозирования	71
Якубов Ш.У. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклигини ривожлантириш	77
Очилов Б.Э. Европа иттифоқи фуқаролиги – ягона фуқаролик концепциясининг ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи ривожига таъсири	84

Тўраев А.П. Қонунчилик тизими ва ҳуқуқни қўллаш жараёнининг долзарб масалалари	95
Бердияров Ш.Н. Юридик техниканинг методологик асослари	99
Хожаназаров И.Э. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг принциплари ва мазмуни	107
Тастанбекова Г.С. Шарҳлашнинг ҳуқуқий жараён сифатида ҳуқуқий онг ва маданиятга таъсири	113
Агзамова Е.Ю. Психологические аспекты фанатизма	121
Абдурахмонов Х.О. Сайлов тизимининг қарор топиши ва трансформацияси	129
Мирзаев Ш.Ш. Механизм действия закона	141
Атамирзаев И.Х. Хорижий мамлакатлар тажрибасида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви масалалари	146
Аширбаева М.Х. Ўзбекистон давлат функциялари тизимида трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланиш функциясининг ўрни	154
Курбанова Э.А. Честь, достоинство и деловая репутация в системе защиты гражданских прав Республики Узбекистан	163

Ахмедов Х.Э.

Ўзбекистонда сиёсий ислохотларнинг зарурлиги ва ижтимоий аҳамияти..... 171

Азамов Ж.

Прогнозирование как фактор повышения эффективности правоприменительной деятельности 179

Латипов Б.И.

Прокуратура органлари ходимларининг касбий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш истиқболлари .. 188

Атамирзаев И.Х.

Ҳуқуқий таълимни ривожлантиришнинг шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувидаги ўрни 196

Пайзиева Д.Х.

Индивидлар халқаро-ҳуқуқий жавобгарлигининг долзарб жиҳатлари 201

Валиев Б.Б.

Вояга етмаганлар аҳборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш масалалари 206

Атамирзаев И.Х.

Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида оиланинг ўрни..... 213

Юлдашев Ш.

Регулирование деятельности транснациональных корпораций в контексте взаимодействия международного и национального права 219

Валиев Б.Б.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва минтақавий ташаббуслар 225

**Давлат ҳокимиятини демократлаштириш
ва ҳуқуқни амалга ошириш механизмини
такомиллаштириш**

ИЛМИЙ ТЎПЛАМ

Ўзбек ва рус тилларида

Мухаррирлар: *А. Омонов*
 Г. Ортиқхўжаева
 И. Саидов
Техник муҳаррир: *А. Аҳмедов*
Компьютерда
саҳифаловчи: *Ш. Расулов*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АИ № 228, 16.11.2012.
100192, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: 0 (371) 268-28-41, 268-28-56.
Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz

Босишга рухсат этилди 25.10.2015 й.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆, «AntiquaUz» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табағи 14,75.
Нашриёт ҳисоб табағи 13,25. Адади 200 нусха.
...сонли буюртма. Нархи шартнома асосида.

«Print Line Group» хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.